

Е. Абдувалитов

**Миллий мактабларда қардош халқлар
адабиётини қиёсий ўрганишнинг
методологик асослари**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Миллий мактабларда қардош халқлар
адабиётини қиёсий ўрганишнинг
методологик асослари
(монография)**

Тошкент - 2008

Мазкур монография Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгашининг қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

Аннотация

Миллий умумтаълим мактабларида қардош халқлар адабиётини ўқитишдаги эришилган янги-янги ижодий ютуқлар билан бойитилган.

Монография қардош халқлар фольклори билан шуғулланувчи мутахассилар, шунингдек, аспирантура ва магистратурада таҳсил олаётган ёш тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

педагогика фанлари доктори, профессор Сафо Матчанов

Такризчилар:

Боқижон Тўхлиев – филология фанлари доктори, профессор
Марғуба Мирқосимова – педагогика фанлари доктори, профессор

Кириш

Қардош адабиётлар ўзаро ҳамкорлигининг асосий йўллари тадқиқ қилиш, ўзаро қонуниятларини аниқлаш, турли халқларнинг тарихий-иқтисодий ва маданий мулоқати босқичларида адабиётларнинг ўзаро таъсирини белгиловчи ички қонуниятларни ёритиш.

Қардош халқлар адабиёти ўзаро яқинлашишидаги омилларнинг илмий-назарий аҳамиятини аниқлаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Бу муаммоларни ўрганишда ўзбек адабиётшунослиги жиддий муваффақиятларга эришди. Айниқса ўзбек адабиётининг туркий халқлар адабиёти билан ўзаро алоқаларини ўрганишга оид тадқиқотлар бу борадаги муҳим ишлардан саналади. Афсуски, узлуксиз адабий таълим тизимида қардош халқлар адабиётини ўқитиш муаммоси илмий жиҳатдан махсус тадқиқ қилинмаган.

“Биз, - деган эди президентимиз И.А. Каримов 1995 йил 20 майда Қозоғистонда Ўзбекистон кунларининг тантанали очилиши маросимида сўзлаган нутқида – қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар ва ўзбеклар, шу гўзал диёримизда яшаётган барча кўп сонли миллатлар ва элатлар тақдир тақозаси билан аҳил бўлиб яшашга, дўст бўлиб яшашга, хонадонларимизни, фарзандларимизни урушлардан, келишмовчиликлардан ва бир-бирига қарама қарши туришдан асраш учун, миннатдор авлодлар...”

Албатта адабиётлар ўзаро алоқалари муаммосининг мураккаблиги ва кўп қирралилиги умумий ўрта таълим тизимида қардош халқ адабиётини ўрганишда қатор вазифаларни олдимизга қўндаланг қўяди.

Адабий алоқаларни турли жиҳатдан ўрганиш мумкин. Ушбу тадқиқода қардош халқлар адабиётини ўқитишнинг шарт-шаройтлари, усуллари, тадқиқи адабий алоқаларни тарихий аспектда ўрганиш, уларнинг қонуният ва хусусиятларини, ривожланиш босқичларини кўрсатиб бериш билан боғлаб олиб борилди.

Қардош халқлар адабий алоқалари, бу халқларнинг ўзаро сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабатлари тарихи билан узвий боғлиқ.

Шунинг учун ҳам халқ оғзаки ижоди ва қадимги адабий ёдгорликларнинг муштарак хусусиятлари қардош халқларнинг сўз санъати умумий мотивлар ривожига ва тенденциялар халқ оғзаки ижоди ва илк адабий ёдгорликлар намуналари таҳлил мисолида ёртилиши асослидир.

Маълумки, ўзбек, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, қирғиз, тожик халқлари бир заминда қўшни бўлиб яшаб келади. А. Тўқай айтганидек: Бу дўстлик илдизлари асрлар қиридадир.

Ўрхон-Энасой ёзувлари ва М. Қашқарий “Девони”га эътибор билан қаралса, ҳозиргача тилларимизда бир хилда ишлатилиб келатган мақол ва маталларни кўриш мумкин.

Дарҳақиқат қардош халқлар адабиёти қондошлик муносабатлари қабилаларнинг генетик умумийлигига асосланадики, бу қабилалар кейинроқ қардош халқлар асосини ташкил этган.

Марказий Осиё халқлари орасида оммалашган “Тўрўғли”, “Алпомиш”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Тоҳир ва Зухра”, “Сайфулмалик” каби дostonлар, Хўжа Насриддин ҳақидаги латифалар, эртаклар фикримиз далилидир.

Ғ. Ғулом таъкидлаганидек, Юсуф хос Хожибнинг “Қутадғу билик” дostonи туркий халқлар учун улкан аҳамиятга эга. Унда ўзбек қозоқ, татарлар орасида ҳозир ҳам мавжуд ибора ва мақолларни кўриш мумкин.

Қардош халқлар адабиёти ва халқ оғзаки ижодининг кўплаб намуналарида тарихий тақдирлар умумийлиги, миллий манфатлар бирлиги воқеаликнинг бадиий идроки ўхшашлигини кўриш мумкин.

I боб. Қардош халқлар адабиётини ўқитиш-таълимий муаммо сифатида

I.1. Қардош халқлар фольклоринининг типологик хусусиятлари

Узлуксиз таълим тизимида, хусусан унинг юқори босқичи бўлган олий таълим тизимида қардош халқлар адабиётини типологик асосда ўрганиш ўзига хос долзарб тадқиқот усулларида бўлиб, турдош ижодий жараён ва адабий-назарий қарашлар моҳиятини англашда муҳим аҳамият касб этади. Бадиий асарларни типологик усулда ўрганиш компаратизм (грекча таққослаш) дейилади. Компаратизм усули – фольклор ва ёзма адабиётнинг ички хусусиятларини таққослашдир. Адабиётшунос олимлар барча халқларнинг фольклори ва миллий адабиётидаги сюжетлар билан образларнинг келиб чиқиш тарихи бир. Бундай қарашларда турли халқларда кенг тарқалган мифологик сюжетларнинг илдизи бир бўлса-да, лекин айирим анъанавий сюжетлар талқинида ҳам, мазмунида ҳам тафовутлар борлиги ҳисобга олинмаган.

Компаратизм усули XIX асрнинг биринчи чорагида Европа адабиётшунос олимлари томонидан илмий истеъмолга киритилади. Жумладан, Германияда И. Гердер, Россияда Ф.И. Буслаевларнинг таққослашга оид тадқиқот ишлари алоҳида эътиборга лойиқ. Айниқса, А.Н. Веселовскийнинг “Тарихий поэтика” асари типологик тадқиқот усулининг ёрқин намунаси бўлиб ҳисобланади.

XX асрнинг бошларида Н.И. Конрадъ, В.М. Жирмунский, В. Пропп ва бошқа олимлар ҳам илмий тадқиқотларида компаратизм усулини кенг қўллаганлар. Улар сюжет ва мотивларнинг ўхшашлигини фақат ўзлаштириш натижаси демасдан, типологик хусусиятлари ҳисобида ҳам исботлайдилар. Ўхшаш образлар, сюжетлар, миллий бадиий тасвирнинг ўзига хослиги билан боғлиқ айрим белгилар халқлар орасидаги боғланишини шакллантириш асосида юзага келмаслигини балки халқларнинг турумш тарзи, ижтимоий сиёсий тарихи, вазиятлар натижасида ҳам бир-биридан мустақил бир типдаги, ғоявий-бадиий юксак асарлар пайдо бўлиши мумкин деган хулосани илгари суради.

Бизнинг фикримизча, даврнинг бирлиги ғоянинг бирлиги деган концепцияни юзага келтиради. Демак, тенг ижтимоий-сиёсий формацияда яшаган халқларнинг тарихи турмушидаги бадиий сўз саънатида ўхшаш образлар, сюжетлар ва мотивлар учраб туради.

Таққослаш усули мазмунига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Тарихий-генетик таққослаш.
2. Тарихий-типологик таққослаш.
3. Халқаро маданий алоқаларига оид таққослаш.

Таққослаш усули қиёсланаётган халқ тарихининг яқинлиги ва улар ижтимоий тарақиёти натижаси деб тушунилмоғи мақсадга мувофиқдир.

Туркий халқлар фольклорига оид қорақалпоқ халқ достони “Шаръяр” билан қозоқ халқ достони “Мунлик-Зорлик” достонини шу усулда ўрганиш ижобий натижа бериши шубҳасиздир. Бир хил шаклда яратилган ҳар иккала асарни тарихий-генетик жиҳатдан таққослаш асосида уларнинг сюжет воқеалари, адабий қаҳрамонларнинг руҳий олами, характер хусусиятлари ва мотивларининг ўхшашлиги масалалари туради. Мазкур достонлардаги яратувчи халқ миллий руҳияти талқини тадқиқ орқали улардан ҳар бирининг фақат ўша халққа тегишли мерос эканлиги исботланади. “Шаръяр” достонида қорақалпоқ халқининг миллий психологик урф-одатлари, турумш тарзи белгилари аниқ намоён бўлса, “Мунлик-Зорлик” достонида қозоқ халқига тегишли миллий мотивлар, психологик элементлар ўзининг чуқур аксини топган. Бундан қатъи назар, фольклор асарларида у қайси халқники бўлишига қарамай, умумийлик сифатлари индивидуаллик сифатларга нисбатан босим бўлади. “Шаҳриёр” ҳам, “Мунглик-Зорлик” ҳам бундан ҳоли эмас. Фольклор асарларидаги образлар талқинидаги умумийлик уларнинг индивидуалигига зид келмайди. Қолаверса, оғизаки ижодга мансуб ҳамма тимсоллар ҳам ўхшаш характерга эга эмас.

Тарихий-генетик таққослаш усули кўпроқ аниқ бир жуғрофий ҳудудда яшовчи халқларнинг эпик асарларини тадқиқ қилишда яхши самара беради. Масалан, туркий тилдаги халқларнинг, ёки славян халқларининг

фольклорини ўз гуруҳи ичида ўрганиш орқали уларнинг генетик келиб чиқишини аниқлаш мумкин.

“Шаръяр” ва “Мунглик-Зорлик” дostonларини қорақалпоқ ва қозоқ халқ дostonларидаги ўхшаш образлар, сюжетлар, мотивлар билан тарихий-типологик таҳлил қилиш уларнинг бир хил ижтимоий-сиёсий формация маҳсули сифатидаги ўзига хос хусусиятларини аниқлашга имкон беради.

“Шаръяр” дostonидаги Шаръяр, “Мунглик-Зорлик” дostonидаги Зорлик образлари рус халқ эртагидаги Гвидон образи кўп жиҳатлари билан ўхшаш келади. Ёки “Шаръяр”, “Мунглик-Зорлик” дostonлари ўзининг мазмуни, ғоясида айрим жойларда биздан узоқда яшовчи, генетик яқинликка эга бўлмаган турклардаги “Дилбрукеш”, осетин халқининг “Мис минорадаги жез қиз”, “Салтан подша ҳақида эртақ” ларнинг мазмуни, образлар таркиби ва сюжети мотивлари билан ўхшаш келиши фикримизнинг исботидир. “Шаръяр”, “Мунглик-Зорлик” дostonларидаги мифологик элементларнинг кўплиги уларнинг келиб чиқишини аниқлашга ёрдам бериши аниқ. Кўпчилик фольклорист олимлар мифологик эпосларни умумийлик тизимининг меваси деб ҳисоблайди. Жумладан, Е.М. Мелетинский мифологик асарларнинг асосида ибтидоий идеологик синкретизм – бадий санъатнинг ҳали бўлинмаган эмбрионал шакллари – дин, табиат ва жамият ҳақидаги ибтидоий тушунчалар туради деб ҳисоблайди.

1.2. Миллий мактабларда адабий алоқаларни ўрганиш усуллари

Адабий таълим тизимида тарихий ва заманавий адабий алоқаларни ўрганиш таълимий жиҳатидан ҳам, тарбиявий моҳиятига кўра ҳам, алоҳида долзарблик касб этади. Заманавий адабиёт ўқитиш методикаси фанининг вазифаси янгиланаётган таълим мазмуни асосларини ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг таълим субъекти бўлиши билан боғлиқ фаолиятининг янги тамонларини белгилашдан иборат. Бу вазифани хал қилишнинг самарали йўлларида бири – қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганишда Республикамизнинг Умумий ўрта таълим тизимида Қардош Халқлар адабиётини қиёсий ўрганиш адабиётнинг сўз санъати сифатидаги умум

инсоний моҳиятини англашга, байналминаллик руҳида тарбиялашга ёрдам беради. Қардош халқлар адабиётининг “иҳоталанмаганликнинг” характери хусусида тасаввурларни шакллантиради, турли халқлар адабиётининг муштарак жиҳатларини чуқурроқ англаши имкониятини беради, бошқа халқлар адабиётига ҳурматни тарбиялайди.

Фикримизга, қардош халқлар адабиётини ўқитишда адабий алоқалар ва адабий ўлкашунослик намуналарини ўрганиш самародорлигини оширишнинг муҳим шarti – ўқувчиларнинг билиш ва ижодий фаоллигини ошириш. Билимларни фаол ўзлаштиришни талаб қиладиган иш усулларини танлаш, ўқувчиларнинг мустақил изланишларига қаратилган савол ва топшириқлар, ижодий ёзма ишларни ташкил қилиш, замонавий таълим методларини кўргазмали воситаларни кенг қўллашдир.

Тадқиқ қилинаётган муаммо икки жиҳатга эга: 1) таълим мазмунини белгилаш; 2) ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини (билимларни муваффақиятли ўзлаштариш ва ноъмалум кўникма, малакаларни шакллантиришга кўмаклашадиган усуллар)ни белгилаш. Шундан келиб чиқиб, мазкур тадқиқотга қўйидаги вазифаларни ҳал қилиш кўзда тутилади:

1. Адабиёт дарсларида қардош халқлар адабиётини ўқитишнинг ўзига хослигини очиб бериш.

2. Дарс ва дарсдан ташқари ишлар тизимига қардош халқлар адабиётидан киритилиши мумкин бўлган материаллар ҳажми ва улардан фойдаланишнинг асосий талабларини белгилаш.

3. Амалдаги дастур, дарсликлар таҳлили асосида, қардош халқлар адабиётига доир мавзулар бўйича адабий таълимнинг методик шакл ва усулларини кўрсатиш, амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотда қўйидаги методлардан фойдаланилди:

- 1) таълимга оид давлат қонунлари ва меъёрий ҳужжатларни ўрганиш;
- 2) амалдаги дастур ва дарсликлар таҳлили.
- 3) Қардош халқлар адабиётни ўқитиш юзасидан илғор тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш;

4) Педагогик эксперимент.

Адабий алоқалар масаласи адабиётшуносларни ҳам қуйидан буён кизиқтириб келади. Жумладан, К. Қурамбоевнинг ўзбек-туркман, Э. Каримовнинг ўзбек-рус адабий алоқаларига доир тадқиқотлари муаммони филологик аспектда ўрганишга қаратилган мазкур ишларда бир адабиётда бошқа халқ мавзуси, бир миллат адибларининг ўзга миллат китобхонлари томонидан эъзоз топиши, адабий анъаналар тарихи, адабиётларнинг ўзаро таъсири масалалари анча кенг ёритилган.

Адабий алоқаларга доир адабиётшуносликка оид асарлар таҳлили умумий ўрта таълим мактабларнинг адабиёт дарсларида қардош халқлар адабиётини ўрганиш бўйича ҳам бой материал беради. Энг аввало, ўқувчиларга адабий алоқаларнинг юзага келиши учун объектив тарихи шароитларни кўрсатиб бериш, кейин уларнинг намоён бўлиш шаклларини ўрганиш лозим.

Адабиёт дарсларида қардош халқлар адабиёти намуналари асосида адабиётларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижаларини кўрсатиб бериш муҳим. Шундагина бошқа миллат адабий тажрибасини ўзлаштириш қай йўсинда амалга ошишини ўқувчилар аниқ тасаввур қиладилар. Ўқувчиларга адабий таъсир ғоялар ва адибларнинг ижодий услубини механик тарзда кўчириш эмас, балки бадиий тасвир метод ва усулларни такомиллаштиришига қаратилишини етказиш қардош халқлар адабиётини қиёсий ўргатишнинг муҳим жиҳатидир.

Адабий таълим жараёнида ўқувчилар диққати фақат адабиётлар ўргатишдаги конкрет алоқаларга қаратилмаслиги лозим. Қардош халқлар адабиётини қиёсий типологик тамойил асосида ўрганишда адабиётлардаги конкрет тарихий вазифалар бирлигидан келиб чиқиш зарур. Айнан қардош халқлар босиб ўтган тарихи йўлнинг бирлиги, ижтимоий ҳаёт шароитларидаги ўхшашлик, эстетик мақсадлар бирлиги, тасвирланган характерлар яқинлиги, асосий конфликт ва сюжет ўхшашлиги, кенг маънода бадиий тилнинг умумийлигини белгилайди.

Қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганишда узвийлик тамойилига қаратилган таълимий-тарбиявий аҳамиятига оид факт ва маълумотлар илимийлик тамойилига мослашмоғи зарур билим билан таништиришни талаб қилади.

Ўқув матни юзасидан тузиладиган савол ва топшириқлар тизимида қардош халқлар адабий алоқаларини ўрганишни мустаҳкамлаш ва мустақил ишлашга қаратилган топшириқларни ҳам киритиш лозим.

Муаммо юзасидан олиб борилган изланишлар натижасида қўйидаги камчиликларга йўл қўйилиши аниқланди: Қардош халқлар адабиёти намуналарининг таълимий-тарбиявий аҳамиятига етарлича баҳо бермаслик, ўқитувчиларнинг бу масала бўйича ишларида тизимлилик мавжуд эмаслиги, ушбу материалларни ўрганишда ўқувчиларнинг билиш ва ижодий фаоллиги, мустақил ишларини ривожлантиришга эътиборининг етарли эмаслиги ва ҳакоза.

Қардош халқлар адабиётини ўрганишда адабий алоқаларга оид факт ва маълумотлар илимийлик тамойилига мослашмоғи зарур билим билан таништиришни талаб қилади.

Ўқув материални танлашда ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари эътиборига олиниши, узвийлик таъминланганлиги керак.

Миллий ва қардош халқлар адабиётини ўқитишни мувофиқлаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчининг илмий – назарий тайёргарлиги иш муваффақиятини таъминловчи муҳим омиллардир, таълим берувчи эксперимент давомида дарслар тизимида қўйидаги материаллар киритилди:

- бир миллат адибларининг бошқа миллат маданияти, адабиётига муносабатига оид маълумотлар;
- адабиётларнинг бир-бирига ва айрим адиблар ижодига ижобий таъсирига оид мисоллар;
- адабиётларнинг ижтимоий-тарихий ривожланишидаги ўхшаш шароитлар туфайли юзага келган ғоявий-бадиий умумийлик.

Тажрибалар қардош халқлар адабиёти ўртасидаги адабий алоқаларга оид материаллардан умумий ва монографик мавзуларни ўрганишда фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Умумий мавзулар таҳлиliga бундай материалларни киритиш қардош халқлар адабиётидаги муштаракликни кўрсатиб беришга хизмат қилади.

Қардош халқлар адабиёти материалларини монографик тарзда ўрганиш мавзуга қизиқиш уйғотишга, ёзувчи шахси ва асарларини чуқур идрок қилиш, қардош адабиётларнинг бир-бири ривожига таъсирини англашига яқиндан ёрдам беради. Бунга таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда Бердах, Ч. Айтматов, Р. Ҳамзатов, қозоқ мактабларида Ғ. Ғулом, Б. Кербобоев, туркман мактабларида Абай, Ойбек, қирғиз мактабларида Миртемир, Ў. Сулаймонов, қорақалпоқ мактабларида М. Авезов, А. Ориповлар ижодини ўрганиш бой материал беради. Қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганишга доир тажриба жараёнида иш шакллари ва методлари ўқувчиларнинг мустақил билиш фаоллигини оширишга қаратилиб, дарс мақсади ўрганилаётган материал характери, ўқувчиларнинг билим савияси, ўқитувчининг зарур адабиётлар билан “қуролланганлиги”га кўра белгиланди.

Тажриба синфларида қардош халқлар адабиётининг қиёсий таҳлиliga оид материаллар ўқитувчи ҳикояси ёш маърузаси, (репродуктив ва эвристик) суҳбат, ўқувчилар ахбороти ва маърузалари ёрдамида дарснинг умумий мазмунига киритилди.

Синфдан-синфга ўқувчиларнинг қиёсий таҳлил малакалари ортиши билан ўқитувчининг ҳикояси ва маърузалари ўқувчилар ахбороти ҳисобига қисқариб борди.

Ўқувчиларга миллий адабиёт орқали таниш ходисалар ҳақида сўз борганда суҳбат методи ўзини оқлайди. Жамланган билимларни янги вазиятда қайта англаш ўқувчиларнинг янги билимлар олишига имкон беради.

Ўқувчиларнинг ахборот ва маърузалари боғланиши нутқни ўстириш китоб устида мустақил ишлаш, синфдошлари олдида сўзлаш кўникмаларининг ривожига хизмат қилади. Биз тажриба олиб борган Тошкент шаҳар Юнсобод туманидаги – мактабнинг 7 “А” синфи ўқувчиларига таниқли қорақалпоқ шоири Бердақнинг “Халқ учун” шеъри юзасидан ахборот ва маърузалар тайёрлаш топширилганда ўзбек ва қорақалпоқ халқлари тарихининг муштараклигига алоҳида эътибор берилиши маълум бўлди. Қардош халқлар адабиётини ўрганиш жараёнида билим фаоллигини ошириш ўқувчиларнинг адабий-назарий тушунчаларини кенгайтиришгагина эмас, дунёқарашини бойитишга ҳам ёрдам беради.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги таълим қозоқ тилида олиб бориладиган – мактабнинг 8-синфида Ўзбекистон Қаҳрамони А.Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеъри юзасидан мант билан таништирилгач, турлича фикрлар баён қилиниб, улардан энг тўғриси танлаш ва асослаш топшириғининг берилиши ўқувчиларда шоир ижодига ҳам, Ватан мавзусига ҳам катта қизиқиш туғдирди. Янги материални идрок этиш мақсадига қаратилган фикрлар илюрализми, ёзма иш усуллари лисоний кўргазмалилик ўқувчиларнинг мавзуни ўзлаштиришларида катта самара берди.

Қардош халқлар адабий алоқаларига оид билимларни мустаҳкамлашда ҳар хил шакл ва мазмундаги мустақил ишлардан фойдаланиш яхши натижалар бериши тадқиқот давомида ўз тасдиғини топди. Тадқиқот мавзуси бўйича олиб борган тажриба ишлари давомида: Алишер Навоий, Ғафур Ғулом, Абдулла Орипов, Абай, Мухтор Аvezов, Собит Муқанов, Чингиз Айтматов, Маҳтумқули, Берди Кербобоев, Бердақ каби шоир ва ёзувчилар асарларининг қиёсий таҳлили мисолида уларнинг ижодий қиёфасини қайта яратиш;

- А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, М. Аvezовнинг “Абай йўли”, Маҳтумқулининг “Кунларим”, Бердақнинг “Халқ учун”, шунингдек

“Алпомиш”, “Манас” асарлари сюжети, тил ва услубидаги ўхшашлик тафовутни очиб бериш;

- “Ўткан кунлар”, романидаги Отабек, “Абай йўли” эпопеясидаги Абай, “Оқ кема” қиссасидаги Мўмин чол образларини қиёсий таҳлил қилиш орқали ҳар бир адабиётнинг миллий хусусиятларини аниқлаш;

- Қардош адабиётлар ривожига бошқа миллат адибларининг ўрнини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилди;

Мазкур асарлар юзасидан ўтказилган иншолар ўқувчиларни дарсда ўрганилганларни шунчаки қайта яратиш эмас, балки фикрлашда давом этиши, керакли манбалардан фойдаланиш, мустақил хулосалар чиқаришга ундайди.

Тажриба синфларида дарсга тайёргарлик чоғида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини, дарсда фаол фикрлашини рағбатланишга қаратилган усуллардан фойдаланилади. Шундай адабий алоқаларга оид репродуктив суҳбат асосидаги биринчи дарс ўқувчиларнинг миллий адабиётлар бўйича билимларини тиклашга қаратилди. Хусусан Юнусобод туманидаги мактабнинг 6-синфида Ғ. Ғуломнинг “Шум бола” Қибрай туманидаги - мактабнинг 9-синфида М. Авезовнинг “Абай йўли” Зомин туманидаги – мактабнинг 7-синфида Ч.Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” Қарақалпоқистоннинг Нукус шаҳридаги – мактабнинг 8-синфида Бердақнинг “Халқ учун” Тўрткўл туманидаги – мактабнинг 8-синфида Б. Кербобоевнинг “Дадил қадам” асарлари мисолида ўқувчиларнинг миллий адабиётларга хос хусусиятлар аниқланди. Ҳар бир мавзу бўйича 2-3 манба асосида тайёрланган ўқувчилар ахбороти тингланди. Натижалар қўлланилган қиёсий таҳлил методининг афзалликларини тасдиқлади. Тажриба синфларида ўқувчиларнинг адабий алоқаларига адабиётларнинг миллий ва муштарак хусусиятларига бўлган қизиқишлари ортди.

Бизни қизиқтириятган масала бўйича синфдан ташқари ишларни ташкил қилишда қўйидаги мақсадлар кўзланди:

- ўқувчиларнинг қардош халқлар адабиётига миллий ва муштарак хусусиятлари юзасидан билимларини кенгайтириш;
- ўқувчиларнинг қардош халқлар адабиётига бўлган қизиқишларини ошириш;
- ўқувчиларнинг библиография, маъруза, ахборот, тақриз, асарлар таҳлилига оид кўникма ва малакалари ривожига кўмаклашиши;
- ўқувчиларда қардош халқлар адабиёти воситасида байналминаллик, ватанпарварлик каби ижобий фазилатларни камол топтириш;

Синфдан ташқари машғулот ва оммавий тадбирлар муваффақияти кўп жихатдан пухта тайёргарлик кўришга, аввало, ўқувчиларнинг адабиётга оид билим ва тушунчаларини сўровнама, суҳбат, китобхон кундаликлари ёрдамида аввалдан аниқлаб олишга боғлиқ. Тайёргарлик жараёнида қардош халқлар адабиётини тарғиб қилишнинг барча воситалари: радио эшиттириш, телекўрсатув, бадиий фильмлар намойиши, маслаҳат, кўргазмали ташвиқот каби иш турлари ўқувчиларнинг муаммога бўлган қизиқишини орттиради.

Кўринадикки, умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганиш таълим-тарбия жараёнини фаоллаштириш ўқувчиларни ғоявий, адабий-эстетик жихатидан тарбиялаш вазифасини ҳал этишда катта имкониятларга эга. Қардош халқлар адабиёти материалларини муваффақиятли ўзлаштириш қўйидагича қатор дидактик тамойиларга амал қилишни кўзда тутати: илмийлик, ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, узвийлик, кўргазмалилик.

1.3. Қардош халқлар адабиётини ўқитишда эстетик тарбия ва идрок

Эстетик тарбия келажаги буюк давлат фуқаролари камолотида улкан аҳамият касб этади. Эстетик тарбияга болаликда, аввало, мактабда асос солинади. Кенг маънода эстетик тарбия бутун таълим-тарбия жараёнини қамраб олади. Хусусан адабиёт дарсликларида эстетик туйғулар, идеаллар, эстетик дид тарбияланади.

Эстетик тарбия воситалари тизимида қардош халқлар адабиёти муҳим ўрин тутати.

Қардош халқлар адабиёти ўқувчилар учун воқеаликдаги гўзалликни англаш, инсон ҳиссиётига муносабат ва хатти-ҳаракат гўзаллигига ошно бўлишнинг қудратли омилидир. Қардош халқлар адабиётининг энг сара асарлари ўқувчиларда байналминаллик, ватанпарварлик, дўстлик каби юксак инсоний фазилатларни тарбиялаш учун катта имкониятлар беради.

Афсуски, адабиёт дарсларида қардош халқлар адабиётини ўқитишга етарлича эътибор берилмаяпти.

Қардош халқлар адабиёти намуналари билан танишиш эпизодик характерда бўлиб, ҳамма вақт ҳам муваффақиятли бўлавермайдиган таржималар уларнинг эстетик қимматини камайтириб юбормоқда. Қардош халқлар адабиётининг тарбиявий имкониятлари маънавий маъноси билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш билан чекланиб, ўқувчиларнинг ҳисий тарбияси эътибордан четда қолмоқда. Бадиий асарнинг эстетик жиҳатларига ўқувчи эътибори тортилмаяпти, бусиз болада бадиий асар ва ёзувчи маҳоратини тўғри баҳолаш малакаларини шакллантириш мумкин эмас.

Қардош халқлар адабиётига бўлган бундай муносабат амалдаги дастур ва дарсликларда ўқувчиларнинг бу вазифага йўналтирилмаслиги билан боғлиқ. Педагогика ва методика соҳасида ўқувчиларни қардош халқлар адабиёти воситасида тарбиялаш муаммосига бағишланган махсус тадқиқотлар деярли йўқ, ўқитувчилар тажрибаси етарли даражада умумлаштирилмаган. Адабиёт дарсларида эстетик тарбияга оид мавжуд мақола, тадқиқот, ўқув-методик қўлланмаларда воқеаликка онгли эстетик муносабатни ривожлантириш, эстетик қарашлар, бадиий дид масаласи, асар таҳлили ва мустақил фикрлашни шакллантириш каби турли муаммолар ёритилади. Айрим ишларда адабиёт дарсларининг ўқувчиларга эстетик таъсирини кучайтиришнинг аниқ йўллари ва усуллари ўз ифодасини топган. Бироқ бадиий асарлар, айниқса қардош халқлар адабиётини эстетик идрок этишни ривожлантиришга оид масалалар замонавий педагогика фанида етарлича ўрганилмаган.

Кўп ҳолларда бу масалалар жуда муҳим икки омил: эстетик объект (бадий адабиёт) нинг ўзига хослиги ва уни ўқувчилар идрок этишининг ўзига хослигини (бунга сабаблар кўп ва улар ҳам тадқиқот предмети бўлмаган) ҳисобга олмасдан ўрганилган.

Ўқувчиларни эстетик тарбиялашда бадий адабиётнинг роли унинг санъат сифатидаги ўзига хослиги билан белгиланади. Санъатнинг инсонга таъсири ўзига хослиги шундаки, санъат нафақат санъат соҳасини эстетик идрок этиш, балки воқеаликдаги асарда акс этган ё инсон онгида юзага келган барча ходисаларга эстетик муносабат билдириш қобилиятини ҳам шакллантирди.

Бадий асар ёзувчининг ҳаётий кузатишлари, эътиқоди, фикрлари, кечинма ва туйғуларининг эстетик бирлигидир. Фикр ва туйғуларнинг бу “қоришмаси” бадий образларнинг жонли матоси, конкрет ҳиссий, яхлит ҳаёт манзарасига жо бўлиб, китобхон ақли, туйғулари ва иродасига таъсир этади. Бу компонентларнинг эстетик таъсири қанчалик юқори бўлса, унинг самараси ҳам шунчалик юксак бўлади.

Бу таъсирнинг ўзига хослиги шундаки, у кечинмалар жараёнида амалга ошади. Бадий асар айнан кечинмалар орқали китобхоннинг қарашлари, эътиқоди, маънавиятига таъсир этади, фикрлаш доирасини кенгайтиради, таассуротини чуқурлаштиради, воқеалидаги ходисаларнинг маънавий ва эстетик мазмуни, ўзаро алоқасини теранроқ англашга кўмаклашади.

Маълум қарашлар, шахснинг фуқаролик ва мънавий сифатларини шакллантириш – адабий эстетик тарбиянинг охириги натижаси. У бадий асарнинг ғоявий-эстетик тўлақонлигига бевосита боғлиқ бўлади.

Табийики, китобхон идроки унинг умумий ривожланиши даражаси (фикрлаш доираси, эстетик туйғулари ривожланганлиги) га боғлиқ. У турли кишиларда турлича бўлади.

Ўқувчининг идрокига ёш ва миллий хусусиятлар ҳам таъсир этади. Боланинг бадий асарни идрок этиш тўғрилиқ, бадий тўқиманинг реаллигига соддалик ва ишониш билан ажралиб туради. Улғайган сари

унинг ҳаётий тажрибаси ортади, умумий фикрлаш доираси кенгаяди, бадиий асарни идрок қилиш даражаси ўзгаради.

Қардош халқлар адабиёти эстетик тарбиянинг қудратли омилига айланиши учун унга санъат асари сифатида қараш, ўқувчиларга эстетик таъсир имкониятларини санъатнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш, бунда ўқувчиларнинг ёши ва миллий хусусиятларини эътиборга олиш талаб қилинади.

7-8 – синфда ўқувчиларнинг болаликдан ўспиринликка ўтиш даврида шахсий сифатлари мустаҳкамланади, маънавий ва эстетик идеали шаклланади, ҳаётга тийрак кўз билан қарай бошлайди. Шулар ҳаммаси адабиёт дарсларида эстетик тарбия жараёнини фавқулодда масъулятили вазифага айлантиради.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида 7-8 синф ўқувчиларининг ҳаётида бадиий, жумладан, қардош халқлар адабиётининг тутган ўрнини аниқлашга ҳаракат қилнди, улар ўқийдиган китоблар доираси, ўқувчи қизиқишлари, қардош халқлар адабиёти билан мулоқаат шароитларида, ўспирин ва қизлар, шаҳар ва қишлоқ мактаб ўқувчилари китобхонлик қизиқишларида тафовут бор – йўқлигини аниқлаш эътибор қаратилди.

7-8 синф ўқувчилари ўқийдиган қардош халқлар адабиёти намуналари хилма-хил: мумтоз адабиёт, халқ оғизаки ижоди, илмий-фантастик асарлар, мемуар ва бошқалар. Уларнинг ичида етакчи ўринни замонавий саргузашт ва детектив адабиёти эгаллайди.

Қардош халқлар адабиёти билан ўқувчилар таржималари орқали танишади, ўзбек тилида ўқувчилар асосан дарсликлардан ўрин олган асарларни ўқийди. Улар ҳам асосан, шеърлар ёки эпик асарлардан парчалар бўлиб, кўп ҳолларда мослаштирилган бўлади.

Ўзбек тилидаги асарларни идрок этиш мантиқий ва эмоционал асосларга эга мураккаб жараён, китобхонлик идрокининг эмоционал томони – қаҳрамонлар қисматига тақдирдошлик, уларнинг кечинмаларини қалбдан

ҳис этиш, ҳаётий ҳамдардлик, ҳаёлан муаллиф тасвирлаган воқеаларда иштирок этишдир.

Асарни тушуниш ҳақида сўз борар экан, гап шунчаки интеллектуал тушуниш – яъни гап нимада эканини тушуниш ҳақида эмас, балки ёзувчи ғоясини тушуна олиш, ўрганилган асарнинг бадиий мазмунини англаш ҳақида боради.

Бу борада ўқувчиларга тавсия қилинадиган саволлар ва уларга жавобларни биз учта гуруҳ бўйича таснифладик:

1.Ўқувчиларнинг ҳиссий таъсирланиши ва ўқиган асарларининг мазмунини тушуниши, адабий қаҳрамонларнинг характер хусусиятларини аниқлаш имконини берадиган саволлар: (Ўқилган асар сизга ёқдими? Ёзувчи унда нима ҳақида ҳикоя қилади ва ҳақозо;).

2.Муаллифнинг асарда тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати, мутолаа натижасида китобхонларда туғиладиган фикрнинг мулоҳазалар, ҳис-туйғуларни аниқлашга қаратилган саволлар: (асар сизда қандай кайфият уйғатади? Унда қандай туйғулар ифодаланган ва ҳақозо;).

3.Муаллифнинг бадиий маҳорати ва ўқувчиларнинг китобхонлик кузатувчанлигини аниқлашга қаратилган саволлар: (Ёзувчи асарда қандай бадиий тил воситаларидан фойдаланади? Асарда қувонч, шодлик ва ғам туйғулари қайси сўзлар ёрдамида ифодаланади ва ҳақозо;).

Саволлар синфда ва синфдан ташқари ўқиш учун дастурдан ташқари бериладиган асарларга нисбатан ҳам берилиши мумкин.

Олинган натижалар таълим қозоқ, қирғиз, туркман, қароқалпоқ тилларида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилидаги асарларни дастлабки идрок этиш даражаси пастлигидан далолат беради.

Бадиий адабиётнинг барча намуналари ҳам ўқувчиларнинг идрок қилишлари учун бир хил қўлай эмас: эпик асарлар осонроқ идрок этилса, лирик шеърларни идрок қилиш анча мураккаблик туғдиради.

Воқеалар ривожда муҳим роль ўйнаган эпизодлар ўқувчиларда энг кўп таассурот уйғотади ва эсда сақланиб қолади.

Ўқувчилар у ёки бу эпизодни тавсиф бўйича тасаввур қилишда қийналади ё тўлиқсиз тасаввур қилади. Ҳамма вақт ҳам ўзга миллат болалари ўзбек тилида тасвирланган асар воқеаларига муаллиф муносабатини аниқлаш ва асослашни мустақил уддалай олмайди.

Ўқувчилар ўз жавобларида ёзувчининг характерларни очиб бериш, айниқса, уларнинг ташқи қиёфаси, кийим-боши, кечинмаларини тасвирлашига алоҳида эътибор қаратади. Аммо таҳлилда тилнинг тасвирий ифода воситалари (ғоявий-образли мазмуни) етарлича англаб етилмайди. Кўпчилик ўқувчилар гўзалликни, бадий сўзнинг аниқлиги ва таъсирчанлигини ҳис этмайди, шеър жарангига диққат қаратмайди.

Бадий асарни баҳолаётиб, ўқувчилар одатда, бир, баъзан иккита мотивни илгари суради. Китобни эстетик баҳолашда устивор мотив унинг тушунарлилигидир. Бошқача айтганда, асар бўлгани учун ёқади.

Аксари ҳолларда ўқувчиларга адабий қаҳрамон характери билан боғлиқ мотив (қаҳрамон ёққани учун асар ёқди) ни илгари суради. Баъзида “тасвир сифати” мотиви ҳам учрайди, бироқ уни камчилик ўқувчилар тилга олади ва у англаб етилмайди. Истисно тарзида асарни эстетик баҳолашда икки мотив (1 ва 2, 1 ва 3) кузатилади.

Кузатишлар ва тажриба материаллари ўзбек тилидаги бадий адабиётни идрок этишга таъсир қиладиган асосий омилларни аниқлаш ва идрок қилиш билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этиш йўллари белгилаш имконини беради.

Булар:

1. Бадий матн ўзга тиллилиги. Бадий асарда барча фикр, туйғу, образлар сўз билан ифодаланади. У китобхонда шу сўз билан я8417261яяяе0йтилган предмет ва ҳодисалар, образларни ассоциация бўйича ҳосил қилади. Ўқувчилар (ўзга миллат болалари) ўзбек тилидаги адабий матнни ўзлари учун она тили бўлмаган тилда идрок этади. Уларнинг фаол луғат бойлиги ҳамиша ҳам ўқиган асарнинг мазмунини тўлақонли тушуниш имконини бермайди. Масалан, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ўқувчиси А.

Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ёки “Меҳробдан чаён” романларидаги ўзбек миллати менталитети билан боғлиқ ҳолатлар тасвирини ўзбек ўқувчилари даражасида тушуниб етмаслиги табиий. Буни бошқа миллат адибларининг асарлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Тажрибалар шуни кўрсатадики, нотўғри тушунилган сўз ёки сўз бирикмаси ноаниқ ахборот ташиш билан, охир-оқибатда нотўғри тасаввурларга олиб келади.

Айрим ўқувчиларда фикрлаш бир тилли характерда бўлиб, ўзбекча нутқ таржима орқалигина тушунилади. Шу сабабли бошқа тилдаги асарни ўқишда фикрлаш фаолияти тасаввурларни қайта яратиш эмас, балки ўқилган асарнинг мазмунини англашга қаратилган бўлади. Тушунарсиз сўз ва бирикмаларнинг англанишиши ўқувчилар диққатини тўла банд қилади. Натижада ҳис-туйғу уйғотиш жараёни анча секинлашади.

Ўқилганларни талаб даражасида идрок этиш учун зарур сўз ва ибораларни тушуниш ва ўзлаштириш изчил луғат ишини талаб қилади.

Дарслик ва мажмуаларда ўқувчиларнинг фаол ва пасив луғати ҳажми ва характери ҳисобга олинмоғи керак, луғат ва грамматик материал аста-секин мураккаблашиб бориши, ўзлаштирилаётган сўзлар такрорланиши лозим, ўқувчиларда ўзбекча нутқ шаклланишини тезлатадиган материал етарли даражада ва миқдорда бўлиши керак.

2.Ўқувчилар ҳаётий тажрибасининг ўзига хослиги. Бадий асарни идрок этиш қийинчилиги фақатгина ҳаётий тажриба камчилигида эмас, балки қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман ўқувчиларнинг ўзбек тилида мутотлаа қилиши билан ҳам боғлиқ.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, ўқувчиларнинг ўзга тилдан қилинган таржима асарларини идрок қилишлари билан боғлиқ шахсий тажрибасини бойитишда ўқитувчи сўзи, суҳбат, матнни шарҳлаб ўқиш, бадий материал устида ишлаш муҳим ўрин тутди.

Психологлар таъкидлашига, ўқувчиларда аввал эгалланган тажрибага асосланган ассоциациялар бирданига юзага келмайди, бундай алоқани

ўрнатиш учун ўқувчининг шахсий тажрибасини фаоллаштириш, бу уларга маълум эканини ўз вақтида эслатиш лозим.

Қардош халқлар адабиёти бўйича синфдан ташқари тадбирлар: синфдан ташқари ўқиш ва тўғарак иши ўқувчиларнинг китобхонлик тажрибаси ортишига кўмаклашади.

Кўринадики, мустақил мутолаанинг таълимий роли ортиб боради. Шу боис мумтоз ва замонавий адабиётнинг яхши асарларини синфдан ташқари ўқишга тавсия қилиш зарур. Бу рўйхатга адабиёт дарсларида айрим парчалари ўрганилган асарларни ҳам киритиш лозим. Бадиий асарларни идрок қилиш маданиятини ошириш, билим ва тасаввурларни бойитиш билан бирга ўқувчиларнинг кечинма ва таассуротларини бойитиш, кузатувчанлигини ривожлантириш, бунда нафақат бадиий адабиёт, балки бутун атроф-муҳит воситаларидан фойдаланиш муҳимдир. Яхши ташкил этилган, мактабда синфдан ташқари ишлар яхши самара бериши мумкин. Ташқи оламдан эгалланган таассурот ва ҳисий кечинмалар ўқувчилар учун бадиий образларни идрок этишда муҳим аҳамият касб этади.

3.Китобхонлик маданияти даражаси. Китоб ўқиш маданияти адабий қаҳрамонлар қиёфасини тасаввур қилиш ва англашдан ташкил топади.

Изланишлар давомида аниқландики, ўқувчилар тасаввурини ривожлантиришнинг самарали метод ва усуллари ифодали ўқиш, ўқитувчи сўзи, матн устида ишлаш кабилар саналади. Бунга ўқитишдаги ёрқинлик, кўргазмалилик, бошқа санъат турларини жалб қилиш кўмаклашади. Ўқувчилар тасаввурини ривожлантириш ишлари тизимли тарзда олиб борилиши лозим.

Бадиий образларни бевосита тўлақонли идрок қилишнинг муҳим шартларидан бири матннинг барча элементлари, бадиий тасвир билан боғлиқ унсурларини аниқлашдир.

Қардош халқлар адабиёти намуналарини қиёсий таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, бадиий тасвир унсурлари ҳам китобхонга

бир хил таъсир кучига эга эмас, улардан кўпчилиги сезилмай қолади, ўқувчилар диққатини уларга махсус қаратиш талаб қилинади.

Ҳар бир асар тилининг ўзига хослиги (поэтик тилнинг луғавий-фразеологик ва интонацион-ритмик воситалари) англаш ўз-ўзидан осон кечмайди. Афсуски, амалиётда бадиий асар устида ишлаш мутолаа ва ўқилганларни қайта ҳикоялаш билан чекланиб қолмоқда.

Миллий мактаблар учун адабий материални танлаш адабиёт ўқитиш методикаси фанининг оғриқли нуқталаридан биридир. Ўқувчиларнинг қардош халқлар адабиётига муносабатларини ўрганиб, ҳар қандай китоб ҳам уларнинг фикр ва туйғуларига таъсир этавермаслиги ва воқеликка эстетик муносабатини шакллантира олмаслигини кўрдик. Бу нафақат асарни, воқеликни идрок этиш сифати, балки асарнинг ўзи, яъни у қандай эстетик тассурот қолдира олишига ҳам боғлиқ.

Ўқувчиларнинг қардош халқлар адабиётини турли сабабларга кўра чекланган ҳажмда ўқишлари сабабли, улар ўқийдиган асарларнинг ҳаммаси педагогик жиҳатдан фойдали бўлиши муҳим. Бизнингча мутолаа учун асар танлашга қуйидагича учта мезон асосида ёндашилса ижобий натижа беради: а) ғоявий-эстетик тўлақонлилик; б) тушунарлилик; в) ўқувчиларнинг китобхонлик қизиқшларига мослик.

Асарларни танлаш ва баҳолашда ўқувчиларнинг қардош халқлар адабиётига муносабатининг ўзига хослиги, айти пайтда адабиётнинг санъат сифатида ўзига хослигидан келиб чиқилиши зарур. Бу эса қуйидаги тамойилларни тақоза этади;

1.Бадиийлик тамойили: асар мазмунинг ички бирлиги ва унинг поэтик ифодалилиги. Бадиийликнинг бу шартлари адабий-танқидий, эстетикага оид ишларни ўрганиш асосида белгиланади.

Асли бадиий асарда ҳаётни яхши билиш ва тушуниш, юксак эстетик идеал ёзувчининг бадиий маҳорати билан уйғунлашиб кетади.

2.Тушунарлилик тамойили: биринчидан, маълум эстетик мазмунни идрок этиш учун зарур бўлган билим ва тасаввурларнинг маълум даражасига

йўналтирилганлик; иккинчидан, асар тилини идрок қилишда тил имкониятларини ҳисобга олиш. Асарнинг тушунарлилик даражаси примитив тарзда, энг қолоқ ўқувчиларга мўлжаллаб танланмаслиги лозимлигини назардан қочирмаслик лозим. Бунда ўқувчи ўқитувчи ёрдамида бартараф эта оладиган айрим қийинчиликлар ҳам ҳисобга олинди.

Бадиий асарни чуқур идрок этиш масаласи, яъни сўз ортида поэтик образни, образ ортида тасвирланган воқеа-ҳодисаларга муаллифнинг баҳосини кўра билиш тақозо қилинади. Ўқувчиларнинг эстетик тажрибаси камлиги боис бадиий асарни идрок қилишга ўқитувчи томонидан йўналтирилиши лозим. Асарни бевосита идрок этишни ташкил этиш кўп бор такрорлаш, асарни турли жиҳатдан таҳлил қилиш, ниҳоят бошқа асарлар ва ўқувчининг шахсий тажрибаси билан қиёслашни ўз ичига оладиган мақсадли ва изчил иш олиб борилиши лозим. Миллий мактабларда бу иш ўзбек тилини ўрганиш билан уйғунлашиб кетади.

Бадиий асарларни фаол ва чуқур идрок этишда қўйидагиларга эътиборни қаратилади: ўқувчиларни идрок этишга тайёрлаш, асарни бевосита эмоционал идрок этиш; асар мутолаасидан кейинги, унинг ғоявий мазмуни, бадиий хусусиятлари, образлари, ёзувчи маҳоратини англаш имконини берадиган ишлар.

Асарни чуқур идрок этишда китобхоннинг ҳаётий тажрибаси муҳим ўрин тутди. Асардаги воқеа, ҳодисалар, ҳиссиётлар китобхонга таниш бўлгандагина уни идрок қилиш енгиллашади. Шу сабабли ўқитувчи асарни ўқишдан олдин янги материал ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибасига қай даражада мутаносиблиги, қандай ҳиссиётлар уйғотиш мумкинлигини ҳисобга олиши, уларнинг билим ва тасаввурларини фаолаштириши лозим.

Ўқувчи онгидаги тасаввурлар билан ҳиссий идрок ва ақлий идрокнинг алоқаси бўлиши табиий. Бу алоқани амалга ошираётиб, биринчи ҳолатда, ўқувчиларда ўқиладиган асардагига ҳамоҳанг кайфиятни шакллантириш муҳим. Иккинчи ҳолатда, ўқувчиларни тайёрлаш уларга асар мазмунини

тушунтиришда кўмаклашадиган кўшимча маълумотларни етказишдан иборат.

Бу алоқани амалга оширишда ўқувчиларнинг шахсий таассуротларига таянган ҳолдаги, тасаввурларини фаоллаштирадиган суҳбат, ўқитувчи сўзи, ўша давр, турмуш асарда акс этган воқеалар, ёзувчи яшаган давр билан боғлиқ маълумотлар каби ўзига хос таянч сифатидаги кўргазмали материаллардан фойдаланиш ижобий ёрдам беради. Асар билан бевосита мулоқот мутолаа жараёнида амалга ошади.

Бироқ ҳар қандай мутолаа ҳам идрок фаоллашувига кўмаклашавермайди. Бадиий адабиёт хусусиятларига мос келадиган – ифодали ўқишгина идрокни фаоллаштира олади.

Ўқишнинг ифодалилиги шарти бадиий асарнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Шу боис матнни ўқишда нафақат тўғри талаффуз, балки қаҳрамонлар туйғу ва кечинмаларини, муаллифнинг тасвирланаётган воқеа-ходисаларга муносабати, унда матндаги ички нигоҳ билан кўра олиш зарур бўлган барча ҳолатларни аниқлаш муҳим.

Кузатишларимизга қараганда, ифодали ўқишга тайёргарлик, ҳиссий мутолаа ўқувчиларга кучли таъсир ўтказиб, асарга жонли қизиқиш уйғотади. Бундан ташқари, у яна бир муҳим вазифани бажаради, яъни амалда тўғри ва ифодали ўқишга ўргатишнинг биринчи босқичи саналади.

Ўқувчиларга мутолаа натижасида асардаги образларни қайта яратишда кўмаклашиш учун ўқитувчи такрор ўқиш жараёнида асар мазмунига кўшимча изоҳлар киритиши ёки айрим сўзлар маъносини аниқлаштириши, яъни шарҳлаб ўқишдан фойдаланиши мумкин.

Шарҳлаб ўқиш ва суҳбат методларини аралаш қўллаш билан текстуал таҳлил таъминланади ва у асарни чуқурроқ тушуниш имконини беради.

Бадиий асарни ҳиссий идрок қилиш қанчалик юқори даражага кўтарилмасин, уни тўлиқ ва янада чуқурроқ англаш учун махсус ўрганиш, матнни такрор таҳлил қилиш, мазмунини умумлаштириш талаб қилинади.

Бадий асарларнинг ғоявий мазмуни, образлари, сюжети, тили, композицион тузилиши билан боғлиқ ёзувчи маҳоратини аниқлашда мутолаадан кейинги суҳбат ва махсус топшириқлар бўйича ўқувчиларнинг мустақил ишлари яхши ёрдам беради. Ўқувчилар олдига саволлар қўйиш билан, ўқитувчи суҳбат жараёнида уларни гўё матн бўйлаб етаклайди, муаллиф нима ҳақида сўзлаётганини “кўриш”, эшитиш ва тушунишга йўллайди.

Ўқувчиларга бериладиган саволларни қўйидагича таснифлаш мумкин:

1.Қайта яратиш характеридаги саволлар: 1) асардаги фактип жиҳатлари ва воқеаларнинг ундаги сабабий алоқаларини ойдинлаштирувчи саволлар; 2) ўқувчиларнинг бадий матн ҳақидаги тасаввурлари, алоҳида сўз ва бирикмалар мазмунини аниқлаштиришга қаратилган саволлар.

2.Таҳлилий фикрлашга қаратилган саволлар: 1) асарнинг турли қирралари: қаҳрамоннинг характери, персонажларнинг ўзаро муносабатлари, асарнинг ғоявий йўналиши, композицияси ва бадий тил воситаларини очиқ берадиган саволлар; 2) муаллифнинг асардаги воқеа-ходисалар муносабатига оид саволлар; 3) асар қаҳрамонларига ўқувчиларнинг шахсий баҳосини аниқлашга қаратилган саволлар.

Барча гуруҳлар оид саволлар биргаликда берилади ва асар таҳлил орқали мазмунини ўзлаштиришни кўзда тутди. Айнан шу шаройтда улар нафақат матнни ҳиссий идрок қилиш, балки асарнинг ғоявий, бадий бойлигини тушуниш даражасига кўтарилади.

Саволлар мантиқан ўзаро боғланиши, бир-биридан келиб чиқиши лозим. Бу фақат мазмунни ўзлаштириш даражасини аниқлаш эмас, балки ўқувчиларнинг асар ғоявий-бадий хусусиятларини, ёзувчи маҳоратини, аниқлаш учун ҳам зарур.

Саволларнинг қўйилиш кетма-кетлиги бадий адабиётнинг санъат сифатида ўзига хослигидан келиб чиқади. Унда барча фикр, ҳиссиёт, муаллиф баҳолари образларда ифода этилади. Ўқувчилар қаҳрамонлар характерини фарқлаб улгурмасдан , уларга тегишли баҳо бермасдан туриб,

асар мазмунига оид савол бериш ярамайди. Фақат шундан кейингина суҳбат давомида ёзувчи нимани ижобий баҳолагаш, нималарни фош этгани, коралагани, нимани қимматли деб билгани, китобхонни нимага чорлашини аниқлаш мумкин бўлади. Айни пайтда фиктип материал ўзлаштирилишини, ўқувчиларнинг мавзу юзасидан билимларини аниқламай туриб, асардаги образлар ҳақида савол бериш мумкин эмас. Асарнинг бадиий тил хусусиятларини аниқлашга оид саволларни мазмунга оид саволлар билан бирга бериш мақсадга мувофиқдир.

Асарни дастлабки идрок этиш саволларга жавоб бериш, топшириқлар устида ишлаш билан чуқурлашади:

Тажриба-синов ишлари жараёнида баджий матн устида ишлашга доир топшириқларнинг қўйидагича ранг-баранг турлари кўриб чиқилди: 1) ўқувчилар тасаввурини ривожлантиришга оид топшириқлар; 2) ўқилган матн юзасидан режа тузиш; 3) бадиий матнни қайта ҳикоя қилиб бериш; 4) поэтик сўзга эътиборни қаратадиган топшириқлар; 5) бошқа асарлар билан қиёслаш имконини берадиган топшириқлар; 6) қардош халқлар адабиёти поэтикаси табиатини англашга қаратилган топшириқлар; 7) тасвирий материал: асарга иллюстрациялар ва рассомлар асарларига репродукциялар билан ишлаш.

Асарни дастлабки идрок этиш саволларга жавоб бериш, топшириқлар устида ишлаш билан чуқурлашади:

Тажриба-синов ишлари жараёнида бадиий матн устида ишлашга доир топшириқларнинг қўйидагича ранг-баранг турлари кўриб чиқилди: 1) ўқувчилар тасаввурини ривожлантиришга оид топшириқлар; 2) ўқилган матн юзасидан режа тузиш; 3) бадиий матнни қайта ҳикоя қилиб бериш; 4) поэтик сўзга эътиборни қаратадиган топшириқлар; 5) бошқа асарлар билан қиёслаш имконини берадиган топшириқлар; 6) қардош халқлар адабиёти поэтикаси табиатини англашга қаратилган топшириқлар; 7) тасвирий материал: асарга иллюстрациялар ва рассомлар асарларига репродукциялар билан ишлаш.

Амалиётда бу иш методлари ва усуллари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, яхлит тизимни ташкил этади, бадиий асарни унинг мазмун ва шакл бирлигида идрок этишини гугурҳлаштиришга қаратилади.

Табиийки бадиий асарларни ўрганиш усул ва методлари, Н.А. Рибникова ҳақи таъкидлаганидек, матн табиати билан белгиланади.

Ўқувчиларнинг таассуротлари ва қизиқишларини сўндирмаслик учун дарслар бир хил бўлмаслиги керак.

II боб. Миллий мактабларда қардош халқлар адабиётни қиёсий ўқитиш мазмуни

II.1. Миллий мактабларда қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганиш

Қардош халқлар адабиёти мисолида адабий алоқалар, миллий адабиётларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бир-бирини бойитишини ўрганиш умумий ўрта адабий таълим тизимида кўп қиррали ва мураккаб жараён ҳисобланади. Миллий адабиётлар ўртасида тарихан шаклланган алоқалар, турли халқлар оғзаки поэтик ижоди анъаналарининг ўзаро таъсири, типологик яқинлик каби адабий ҳодисалар адабиётшуносликда атрофлича ўрганилади. У мактаб адабий курси доирасидан ҳам четда қолмаслиги лозим.

Адабиётларнинг ўзаро алоқаларига доир конкрет олимлар таҳлилида ўқувчиларга қардош халқлар адабиётлари яқинлашуви, уларнинг миллий ўзига хослиги инкор этилмаслиги, балки уларнинг бойиб бориши ва раўнақига хизмат қилишини ўқувчиларга ҳаётий мисоллар воситасида ишонарли тарзда кўрсатиб бериш керак.

Миллий мактаб ўқувчилари адабий алоқаларни қардош халқлар адабиёти намуналарини ўрганиш давомида ўзлаштиради. Бир-бирига яқин адабиёт намуналарини ўрганиш ўқувчилар маданий савияси юксалиши, ғоявий эстетик ва мустақил фикрлаш доираси кенгайиши, миллий ва қардош халқлар адабиётларини идрок этишга кенг имкониятлар яратади.

Қардош халқлар адабиётини ўрганиш бадий асарларни образли-хиссий идрок қилиш, маънавий-эстетик анъаналардаги тафовутлар билан боғлиқ психологик тўсиқни бартараф этиш билан ҳам боғлиқ.

Кундалик амалиётда адабиёт ўқитувчилари айрим асарларга баҳо беришда ўқувчиларнинг таҳлил қилинаётган асар сюжетини нотўғри идрок этиши, субъектив ва чалкаш фикрлар юритишига тез-тез дуч келади. Айрим ҳолларда хатолар иккита миллий адабиётда персонажларни тавсифлашнинг анъанавий усуллари мос келмаслиги билан боғлиқ бўлса, маънавий-ахлоқий тасаввурлардаги миллий тафовутлар адабий қаҳрамонлар характери ёки бутунича асар сюжетини нотўғри баҳолашга олиб келади.

Ўзга миллатнинг сўз саънати ҳодисаларини тўғри идрок қилишга ўргатиш учун ўқувчиларнинг миллий адабиётдаги ўзига хосликларни ўзлаштиришларига эришиш, уларнинг эстетик тасаввури ва бадий дидини шакллантирадиган барча омилларни ҳисобга олиш зарур.

Қардош халқлар адабиётни идрок этиш учун зарур бўлган адабий - эстетик малакаларни тарбиялаш ва китобхонлик маданиятини шакллантиришнинг амалий воситаси бўлган адабий таҳлилга қардош халқлар адабиётларининг ўзаро алоқаларига оид омилларни жалб қилиш, миллий адабиётларнинг муштарак жиҳатларини қиёслаш ижобий самара беради.

Миллий адабиётни ўрганиш давомида мавжуд билим ва малакаларга таяниш – “миллий субъектизмни” бартараф этиш вазифасининг бир қисми қардош халқлар адабиёти асарлари сюжетини чуқур, эстетик тўлақонли идрок этиш янада кенг асосга – китобхонлик маданияти; тил сезгиси, ўқувчиларда миллий маданият базасида шакллантириладиган эстетик кўникмаларнинг бутун комплексини назар тутаяди.

Бу вазифаларни амалий ҳал этиш адабиёт ўқитишда ҳаёт ва кураш йўли пухта ўйланган методик тизимни талаб қилади.

Ўқувчиларда қардош халқларнинг тарихий тақдири ва ғоявий интилишлари умумийлиги ҳақидаги тасаввурларни қуйи синфлардан

шакллантириб бориш лозим. Шундагина кейинги синфларда ўқувчилар миллий адабиётларнинг бадиий ўзига хослигини англаб ета бошлайдилар.

Адабий таълимда фольклор асарларини ўрганиш алоҳида ўрин тутуади. Сўз санъатининг бирламчи асоси - халқ оғзаки ижоди ўқувчилар онгида шаклланаётган эстетик тасаввур ва адабий билимларнинг зарурий дастлабки бўғини саналади. Қардош халқлар фольклори билан танишув ўқувчини ўзга миллат эстетик тасаввурлари доирасига олиб киради.

Қардош халқ мақоллари, эртаклари билан танишув, уларнинг услубий хусусиятларини диққат билан ўрганиш бадиий асар матндаги сўзга диққат билан муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантиришга, кейинроқ йирик адиблар асарларнинг услубий ўзига хослигини яхшироқ англаб етишига ёрдам беради. Шунга кўра, халқ оғзаки ижоди билан танишув ўзга миллат адабиётини идрок этиш кўникмаларини шакллантиришда муҳим босқич саналади.

Қардош халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари ва чўпчакларини миллий халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари ва чўпчаклари билан қиёслаш уларни эстетик идрок қилишни осонлаштиради. Бундай қиёслаш икки халқнинг ҳаётий тажрибаси, маънавий идеаллари ўхшашлиги ҳақида дастлабки ва анча ёрқин тасаввурни шакллантиради.

Маъно ва мазмунига кўра ўзаро яқин, баъзида бир хил мақоллар ҳамма халқларда мавжуд. Масалан, ўзбек халқ мақоллари “Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада”, “қизим сенга айтман, келиним сен эшит”, “Қари билганни, пари билмас”, қозоқ халқ мақоллари “Ананың көңілі балада, баланың көңілі далада”, “Қызым саған айтамын, келінім сен тыңда”, “Кәрі білгенді, пері білмес”, қирғиз халқ мақоллари “Эненин көөнү балада, баланын көөнү талаада”, “Қызым, сага айтамын, келиним, сен ук”, “Қары билгенин, пери билбейт” туркман халқ мақоллари “Энәнің говнү балада, баланың говнү далада”, “Тызым саңа айдайын, гелним сен диңле”, “Тарры биленини, пери билмез” айнан шу жиҳатидан эътиборга лойиқ.

Мақол мазмунига кўра яхлит, миниатюралар бадий асар эканини унутмаслик лозим. Мақоллар алоҳида ритмик қурилиши, кўпинча қофияга эгаллиги, баъзида таржимаси қийин ибора, шева ва эскирган сўзлар ишлатилиши билан ажралиб туради. Ғализ, малакасиз таржима мақолнинг сўз ифодаси ўзига хослигини, унинг бадий мафтункорлигини барбод қилади.

Мазмунан ўхшаш мақолларни қиёслаб, ўқувчилар уларнинг бадий шаклида ҳам умумийликни кўра билади: мақол доимо ифодали, қисқа, жарангдор, аниқ топилган сўз ва оҳанг туфайли ғоят ихчам. Кўплаб мақоллар икки қисмли қурилишга эга бўлиб, қаршилантиришга мос келади. Масалан, “Яхши топиб гапиради ёмон қошиб гапиради”.

Бундай мақолларда ўқувчилар асосий образли – мазмунли юкламани олган антонимларни енгил ажратади: толиб-қошиб.

Мақол ва маталлар билан танишув ўқувчилар учун бадий асар таҳлилининг ўзига хос модели бўлиб хизмат қилади: элементар тарзда бўлса-да, сўзнинг ифода ва тасвирий имкониятларини ўрганиш кўникмаларини шакллантиради.

5-7 синфларда ўқувчилар у ёки бу қардош халқ адабининг ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир айрим фактлар билан (масалан, О. Ёқубовнинг Қозоғистонда туғилгани, М. Авезовнинг Тошкентда ўқигани каби) танишса, 7-9 синф ўқувчилари эътиборига шу алоқалар натижасида юзага келган асарларнинг умуминсоний моҳияти тақдим этилади. Юқори синфларда ижтимоий – тарихий шароитларда миллий адабиётларда ривождаги умумий тенденцияларнинг шаклланиши, бадий таржима ва унинг аҳамияти, адабиётларнинг ўзга миллат образлари ва мотивлари билан бир-бирини ўзаро бойитиш қабилар ўрганилади.

Ўлкашунослик характеридаги адабий маълумотларнинг ўқувчилар қизиқишини орттириши шубҳасиз. Бироқ шунинг ўзи етарли эмас. Юқори синф ўқувчилари адабий алоқаларига доир маълумотлар ўрганар экан, маълум ахборотни оддий ўзлаштиришдан тадқиқот, таҳлил, кейин эса

ўрганилганларни умумлаштиришга ўтади. Ўқувчини у ёки бу қардош халқ адабининг миллий (қozoқ, ўзбек, қирғиз ва ҳ.) санъати, адабиётига, шу адабиётнинг яратувчиси бўлган халқ тақдирига қизиқиши, ҳурмати ҳақида далолат берадиган мисоллар билан таништиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунда ўқувчилар олдига ижодий, тадқиқий характердаги саволлар қўйилиши лозим. Масалан, ўзбек халқининг турмуши, маънавий-ахлоқий анъаналари А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида қандай акс этирилган? “Қирққиз” достони матнидан қорақалпоқ халқининг миллий урф-одатлари тасвирланган ўринларни топинг ва ҳ.

Миллий адабиётлар турли даврларда ва турли даражада ўзаро ҳамкорлик қилиб келган. Шу боис ҳар бир мактабда миллий адабиётининг ўзига хослиги ва унинг қардош халқлар адабиёти билан алоқалари хусусиятидан келиб чиқиб адабий алоқаларни ўрганишнинг тегишли йўли ва шакллари топиш лозим.

Бу алоқалар шакллари хилма-хиллигига қарамай ўқувчиларни маълум таснифга мос келади. Айрим ҳолларда қардош халқлар адабиётини ўрганишда адибларнинг ўқувчилар она диёри, турмуши, ижоди билан таништириш ижобий самара беради.

Бошқа бир ҳолларда типологик характердаги маълумотлар (ғоя ва мавзу жиҳатдан яқинлик, бадиий шакллардаги параллеллар, ўхшашликлар ва ш.к.) ёрдамга келади.

Бунда мумтоз адабиёт намуналари ва фольклордаги умумийликлар алоҳида аҳамият касб этади.

Қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганишда масаланинг тўғри ечими адабий алоқалар соҳасидаги филологик тадқиқотларни ҳисобга олгандагина топилиши мумкин. Муаммога илмий ёндошувгина уни тўғри англашга ёрдам беради. Бундай қиёслашларда эстетик мезонлар умумтарихий ва умуммафкуравий ҳолатлар соясида қолиб кетмайди.

Қардош халқлар адабиётига доир миллий ва умуминсоний хусусиятларни тўғри англашда бадиий таржима муҳим ўрин тутаяди. Шунинг учун ҳам

бадий таржимани ҳар иккала адабиётнинг муштарак ва фарқли жиҳатларини ўрганишнинг органик синтезидир, дейиш мумкин.

Миллий мактаб ўқитувчиси олдида истеъдодли таржимон олдидаги каби шарафли вазифа туради. Бу ёзувчи ижодини ўқувчилар учун яқин ва тушунарли қилиш айти пайтда ўрганилаётган асарнинг бутун миллий характери, бадий нафосатини етказиб бериш, билан белгиланади.

Ўқувчиларга йирик асарларнинг миллий тилга таржималари ҳақида тушунча бериш уларнинг дунёқарашини кенгайтиради. Бадий таржима – адабий алоқаларга оид ҳодиса. Бироқ таржиманинг сайланмалиги, нима учун таржимон айнан шу асарнинг танланиши объектив омилларга боғлиқ. Булар адабиётларнинг типологик яқинлиги, ижтимоий муаммолари бирлиги ва шу кабилардир.

Мактабда қардош халқлар адабиётини ўқитишда ўқувчиларнинг миллий адабиётни ўрганиши давомида ўзлаштирган билим ва малакаларига таяниш тақозо қилинади.

Ушбу ишда қардош халқлар адабиётини ўқитишни мувофиқлаштириш йўллари ҳақида фақат битта йўналиш – ўқувчиларининг миллий адабиётни ўрганиш давомида эгалаган билим ва малакаларига таяниш назарда тутилади.

Миллий мактабларнинг адабиёт фани дастури ва дарсликларидан ўзбек адабиёти асарлари, адибларнинг таржимаи ҳоли анчагина кенг ўрин олган. Адабиёт дастурлари таҳлили кўрсатадики, уларда айнан бир хил адиблар ижоди баъзан яқин ва ҳатто айнан бир хил мавзудаги асарлари мисолида ўрганилади.

5-7 синфларда адибларнинг таржимаи ҳолини алоҳида ўрганиш кўзда тутилган; 8-9 синфларда эса ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди биргаликда шарҳлаб ўрганилади.

Қардош халқлар адиблари таржимаи ҳоли ва ижодини ўрганишнинг зарурий шарти миллий ва қардош халқлар адабиётини ўқитишни мувофиқлаштириш, дастур материаллари миллий адабиётда ўзлаштирилган

билим ва малакалар қардош халқлар адабиётидаги ўхшаш материални ўрганиш учун асос бўладиган тарзда жойлаштиришдир.

Миллий адабиёт дастурида қардош халқлар адибларидан Ч. Айтматов, Бердак, Абай, Махтумқулиларнинг асарлари таржималари орқали турли таълим босқичларида ўрганилади. Бу асарларни давлат тилида ўрганишда ўқувчиларнинг улар билан таржима орқали таниш эканлиги ҳисобга олиниши лозим. Ўқувчиларнинг асосий мазмундан хабардорлиги луғат ишига, асарни чуқурроқ англаш, ўқувчилар боғланишли нутқига эътибор қаратишга имкон яратади.

Ўзбек ва миллий адабиёт курсида дастур бўйича
қардош халқлар адабиёти асарларини қиёсий ўрганиш

Синфлар	Соатлар микдори	Синфда ўрганиш учун	Синфдан ташқари ўрганиш учун
Ўзбек мактабларида			
VI	2	Абай, <i>Насихатлари</i>	
VII	1	Махтумқули “ <i>Адолат яхши</i> ”	
IX	4	Ч.Айтматов“ <i>Асрга татиғу-лик кун</i> ”	
Қозоқ мактабларида			
V	1	Ойбек. “Қир элида”	“Манаснинг болалик чоғи”
V	1	Ғ.Ғулом “Қозоқ элининг тўйига”	
V	2	Ч.Айтматов “Эрта келган турналар”	
V	2	А. Орипов “Қозоқлар”, “Шоир”	
VI	1	Ўзбек халқ эртагиси “Торвузнинг уч донаги”	

VI	1	Қорақалпоқ халқ эпоси “Қирққиз”	
VI	1	Қирғиз халқ эпоси “Манас” хақида қисқача маълумот.	
VI	1	Туркман халқ эртаги “Бировга ўра қазисанг ўзинг тушасанг”	
VII	1	О. Ёқубов “Эр бошига кун туғса”	
VII	1	Н. Фозилов “Алп одам”	
VII	1	Т.Сатылғанов. Шеърлари	
VII	1	Т. Жумамуротов “Қозоқ дўсттимга”	
VIII	1	А. Тоқамбоев “Қозоқ халқига”	
VIII	1	Уйғун “Қиш”	
VIII	1	Миртемир “Абай ота”, “Сени болалигим, мен кўрдим”	
VIII	1	И.Юсупов “Шарқ йўловчи- сига”	
IX	1	А.Навоий“Садди-Исканда- рий”, “Лайли-Мажнун”, “Фарход ва Ширин”	
IX	1	Мақтумқули “ Мехмон”, “Ёр керак”, “Тенг бўлмас”	
IX	1	Бердақ “Бўлган эмас”, “Яхшироқ”, “Бу замонда”	

Қорақалпоқ мактабларида			
V	4	Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин”	
V	3	Ғ. Ғулом “Шум бола”	
VI	2	Махтумқули. “Бўларсан”, “Туркманнинг”	
VI	2	Ойбек. “Болалик”	
Туркман адабиёти			
V	3	А. Навоий “Фарҳод ва Ширин”	
V	3	А. Орипов. Шеърлари	
V	2	Бердақ “Болам”	
V	2	Абай. Шеърлари	
VI	3	Хоким ота “Боқирғоний китоби”	

Эслатма: Қорақалпоқ мактабларининг 8-9-синфларида қорақалпоқ адабиёти фани учун такомиллаштирилган дастур синовдан ўтаётганлиги сабабли мазкур синфларда қардош халқлар адабиёти асарларининг ўрганилиши ҳақида тўхталмадик.

Қардош халқ адабиёти асарларини ўрганиш амалда ўзаро боғланмаган, мувофиқлаштирилмаган тарзда амалга оширилади. Ҳолбуки миллий ва қардош халқлар адабиёти асарлари қиёслаб ўрганилса адабий билимларнинг ўзлаштирилишида муайян изчиликка, дарсларнинг бир-бирларини тўлдиришига эришиш мумкин.

Бунга ўзбек халқининг буюк шоири А. Навоий ҳаёти ва ижодий фаолияти мавзуси мисол бўла олади.

А. Навоий ижоди ўзбек мактабларида бошланғич синфлардан, қозоқ мактабларида 9-синфда, қирғиз мактабларида – синфларида, қорақалпоқ

мактабларида – синфларида ва туркман мактабларида – 5-синфда ўрганилади. А. Навоий асарларидан ташқари таржимаи ҳоли ўқувчиларга шоир яшаган давр, тарихий шароит, ўша даврдаги урф-одатлар, халқнинг турмуш тарзи ҳақида ёрқинроқ тасаввур беришга хизмат қилади.

Қозоқ мактабларининг 9-синфида шоир таржимаи ҳоли қисқача маълумот берилиб, сўнгра ғазал ва рубоийларини ўрганишга киришилади. Ғазал ва рубоийларнинг мазмун – моҳиятини ўқитувчи шарҳлаб беради. Шоирнинг “Ҳамса”сидаги асарларини синфдан ташқари кўзда тутилади.

Қозоқ ўқувчиларининг А. Навоий билан кейинги учрашуви 9-синфда “Ҳамса” даги асарларни ўрганиш орқали давом этади. Бунда унинг чуқур фалсафий маъноси, ундаги мураккаб туйғу: қувонч ва ғам, самийлик ва исён ҳақида маълумот берилади. Шоир асарлари символикасини изоҳлашга шошмаслик керак. Мазкур асарлар таҳлилида уларни ўқиганда тасаввурда ҳосил бўладиган манзара ва улар уйғотган кайфиятга эътибор қаратилади. Бунда қуйидагича савол-топшириқлардан фойдаланиш – қардош халқ адабиёти намуналаридаги миллий ва умуминсоний масаларни англашга яқиндан ёрдам беради.

А. Навоий ижодини ўрганишда ўша даврдаги қардош халқлар учун типик ҳолатлар, шоир тақдирининг ундан кейин яшаган Абай, Бердақ, Махтумқули каби ўз даврнинг илғор кишилар тақдирига ўхшашлигига урғу берилади.

Ўқитувчи А. Навоий ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги ҳикоясидан кейин ўқувчиларга миллий адабиёт дарсларида мумтоз адабиёт намуналари юзасидан ўрганганларини эслаш таклиф қилади.

Қардош халқлар адабиёти барча миллий мактабларда 5-синфдан бошлаб ўрганилади.

Бу қардош халқлар адабиётига доир дарсларда ўқувчиларнинг миллий адабиётдан ўзлаштирган билимларини ҳисобга олиш заруриятини белгилайди.

Айнан шу фанлараро алоқалар қардош халқ адабиётини ўқитиш даражасини ортиши, уни ўрганишнинг муоммали, характерда бўлиши, ўқувчилар фикрлаш доираси кенгайишига кўмаклашади.

Қардош халқлар адиблари асарларини ўрганишда республикалар билан ижодий алоқалар ва уларни кенгайтириш имкониятларига таяниш мақсадга мувофиқ. Масалан, Ойбекнинг “Навоий” романи ҳақида гапираётиб, унинг қозоқ тилига, Махтумқули “Пандномалари” таҳлилида унинг ўзбек тилига таржима қилингани ҳақида қизиқарли мисоллар келтириш мумкин.

Дарс жараёнида ўқувчиларда фаол ақлий фаолият эҳтиёжини келтириб чиқарадиган омилларни қиёслаш йўллари топиш муҳим. Бунда қардош халқлар адибларининг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш бой материал беради. Масалан, Ойбек ижодини ўрганишда М. Авезов ҳақида эслаш мумкин. Уларнинг ҳар иккиси қаламига мансуб “Навоий” ва “Абай йўли” романлари мисолида халқларимиз тарихидаги муштарак хусусиятлар тўғрисида диққатга сазовор маълумотлар келтириш ўқувчилар қизиқишини орттиради.

Республикаимиз мактабларида Ғ. Ғулом ҳақида суҳбатдан олдин қозоқ, қирғиз, қарақалпоқ, туркман, рус шоирларининг у ҳақидаги мисраларини эслаш ўқувчиларнинг шоир ижоди ҳақидаги тасавурни бойитади. Қардош халқлар адабиёти асарлари таҳлили давомида ғоявий-бадний йўналишдаги ўзаро алоқадорликни кўрсатиш жуда муҳим.

А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи Республикадаги барча миллий мактабларда қисқартилиб ўрганилади. Асар ва унинг муаллифи ҳақида ўқувчиларда тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш учун уларга романнинг ғоявий-бадний хусусиятлари юзасидан тушунча бериш, композицион тузилиши савол-топшириқлар ёрдамида уларни асар бадний сюжет ива таҳлилига йўналтириш ижобий натижа беради.

Қозоқ мактабларида А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, М. Авезовнинг “Абай йўли”, қарақалпоқ мактабларида Т. Қалепбергеновнинг “Қарақалпоқнома”, туркман мактабларида Б. Кербобоевнинг “Дадил қадам”

романларини ўрганиш тажрибаси бу борада қўл келади. Масалан, таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда ёзувчи ижодини ўрганиш таълимий-тарбиявий мақсадига кўра мураккаб ва масъулиятли жараён бўлиб ҳисобланади. Аслида, шу қутлуғ заминда туғилиб ўсган қозоқ , қирғиз, туркман, қарақалпоқ фарзандлари учун ўзбек адабиёти мутлақо бегона эмас. Лекин ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий-руҳий хусусиятлари, турмуш тарзи, урф-одатлари бўлгани каби миллий адабиётларнинг ҳам ўзига хослиги бўлиши табиий. Мана шу ўзига хосликни ўқувчиларга ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди мисолида етказиш ўқитувчига бой материал беради.

Қуйида биз қозоқ мактабларида А. Қодирий ҳаёти ва ижодини ўрганишга оид бир соатлик дарснинг намунавий ишланмасини келтирамиз:

I. Дарснинг мақсади: ўқувчиларни буюк ўзбек ёзувчиси ва унинг шоҳ асари орқали қардош халқлар адабиётининг юксак намуналари мисолида ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий маданияти билан таништириш. Ёзувчи яшаган давр ҳақида маълумот бериш ва ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришга эришиш.

II. Дарснинг методи: суҳбат, маъруза.

III. Дарснинг бориши:

1. А. Қодирий ҳақида адибларнинг фикрлари.
2. А. Қодирий ҳақида қисқача маълумот.
3. Ёзувчи ижодининг бошланиши.
4. “Ўткан кунлар” – биринчи ўзбек романи.
5. “Меҳробдан чаён” романида Қўқон хонлиги давридаги муҳит тасвири.

VI. Дарснинг жиҳози:

6. А. Қодирийнинг портрети.
7. Адибнинг ҳаёти ва ижодига доир хронологик жадвал.
8. Ёзувчининг оила давраидаги сурати.
9. “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” китоблари.

Ўқитувчи дарс бошлашдан аввал А. Қодирий яшаган давр ва адибнинг ижодий фаолиятига оид саволлар билан мурожаат қилади:

1. Адиб яшаган давр тўғрисида нималарни биласиз?
2. Адабиётшунослар А. Қодирий ижодига қандай баҳо берган?

Бундай саволлар орқали ўқувчиларнинг янги ўтиладиган дарсда нималарга эътибор беришига ишора қилинади. Шунингдек, ўқувчиларнинг адиб яшаган даврдаги ижтимоий ҳаёт тўғрисида мустақил фикр юрита олишига имконият яратилади.

Ўзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги суҳбатдан олдин Е. Э. Бертельс, Ойбек ва М. Авезовларнинг А. Қодирий ижодига берган баҳолари ўқитувчи томонидан ўқиб берилади:

“Дунёда бешта, яъни француз, рус, инглиз, олмон (немис) ва ҳинд романчилик мактаблари бор эди. А. Қодирий олтинчи мактаб – ўзбек романчилиги мактабини яратди”.

Е. Э. Бертельс

“А. Қодирийнинг прозаси, биринчи навбатда, ғоятда ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Қодирийнинг тилидан у халқнинг бой ва ажойиб тилини ғоятда яхши билганлиги яққол сезилади. Унинг романлари ана шундай гўзал тил билан ёзилган. У туғма эпик ёзувчи, кенг ўламдаги мастер, юксак маънодаги реалист санъаткор эди”.

Ойбек

“Абдулла Қодирий (Жулқунбой) романлари пайдо бўлиши билан гўё текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай бўлди. Унинг асарларини Қурмонғози ёки Чайковский куйларини тинглагандай, дам олиб, мириқиб, гашт қилиб ўқийди киши”.

М. Авезов

Ўқитувчи А. Қодирийнинг ҳаёти ва ижодига доир хронологик жадвални шундан сўнг намоиш этади.

Асосий саналар	Адибнинг ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар
----------------	---

1894 йил 10 апрел	Тошкент “Садан” шахрида туғилди.
1913-1914 йиллар	“Туркистон” газетасида илк мақолаларини эълон қилди.
1914 йил	“Бахтсиз куёв”, “Жувонбоз” каби асарлари яратилди.
1918 йил	Тошкентдаги эски шаҳар озуқа комбинатининг котиби вазифасида ишлади.
1922 йил	“Ўткан кунлар” романи ёзилди.
1920-1923 йиллар	“Муштум” журналининг ташкилотчиларидан ва таҳрир ҳайъати аъзоларидан бири бўлди.
1925 йил	Москвада В. Брюсов номидаги Адабиёт институтида ўқиди.
1928 йил	“Меҳробдан чаён” романи ёзилди.
1934 йил	“Обид кетмон” қиссаси ёзилди.
1937 йил	Ҳибсга олинди.
1938 йил 4 октябр	Отиб ўлдирилди.

Бадий сўз устаси А. Қодирийнинг ҳаёти ва ижодий йўли ғоятда машаққатли кечади. Ёзувчи ижодининг бошланиши ўтган асрнинг бошларида, яъни жадидчилик ҳаракати даври билан боғлиқ. Адиб ўша даврда илм-фан ва маърифат тарғиботчисига айланди. Элнинг мустақиллигини орзу қилди ва шу озодлик учун курашади.

Бўяев 9-10 ёшларида Зангиота маҳалласида Мулла Олим домладан сабоқ олади. Абдулланинг зеҳни ўткир бўлганлиги учун бир неча йилга мўлжалланган дарсни бир йилда ўзлаштиради. Сўнг Мирлар маҳалласидаги Юсухон домладан таълим олади. У охириги таҳсил олган жойи 7-сон рус-тузем мактабини 1912 йилнинг баҳорида битиради.

Абдулла Қодирийнинг илк ижодий фаолияти 1913-14 йиллардан бошланган. 1914 йил 1 апрелда унинг илк мақоласи “Садои Туркистон” газетасида “Янги масжид ва мактаб” сарлавҳаси билан босилиб чиқади.

А. Қодирий биринчи жаҳон уруши даврида (1914-1915) Тошкентлик бир савдогар қўлида приказчик бўлиб ишлайди. Хўжайиннинг иши тўхтаб қолгач, у ҳам ишдан кетади. Мана шу йилларда у ўзбек адабиётининг таракқиёти учун астойдил курашади ва жаҳидчилик ҳаракатига қўшилади. У Тошкентдаги Эски шаҳар озуқа комитетининг котиби, “Озиқ-овқат ишлари” рўзномасининг муҳаррири (1919), “Муштум” журналининг ташкилотчиларидан бири бўлди. Москвада В.Брюсов номли адабиётшунослик институтида ўқиди.

Дарс давомида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун қуйидагича савол-жавоб ўтказиш ўқувчилар фаоллигини оширади.

Ўқитувчи: А. Қодирий қайси асарлари билан ўзбек адабиётида романчилик жанрига асос солди?

Ўқувчи: А. Қодирий ўзининг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” асарлари билан ўзбек адабиётида тарихий романчилик жанрига асос солди.

Ўқитувчи: А. Қодирий асарларини ҳар хил таҳаллуслар билан яратган. Сизлар адибнинг таҳаллусларидан қайсиларини биласиз?

Ўқувчи: А. Қодирий асарларини турлича таҳаллулар билан эълон қилган. Жумладан, Жулқунбой, Думбилнисо, Думбул, Мирзо Соврин, Шилғай, Бойқут ва ҳакоза.

Ўқитувчи: Ёзувчи романларида ўзбек халқи маънавиятига хос қандай хусусиятлар тўғрисида сўз боради?

Ўқувчи: “Ўткан кунлар” романида ота – ўғил, қайнота – келин, қайнона – келин муносабатлари, “Меҳробдан чаён” романида чин дўстлик, диёнат, ишонч, бағрикенглик, халқ тақдири, юрт фаровонлиги учун қуюнчаклик юксак пафос билан қуйланади.

Дарс охирида ўтилган мавзу қисқача хулосаланади ҳамда уйга вазифа берилади.

“Ўткан кунлар” романи устида ишлашдан олдин ўқувчиларга қўйидаги саволлар билан мурожаат қилиш мумкин:

1. Қандай асарлар роман дейилади?
2. Психологик (тарихий, мемуар) романнинг ўзига хослиги нимада?
3. Романларда қаҳрамонларнинг ички дунёсини очиб беришда ёзувчи қандай бадиий тасвир воситаларидан фойдаланади?

Шу хилдаги савол-топшириқлар орқали ўқувчиларнинг роман, жумладан, тарихий романнинг жанрий хусусиятлари ҳақида билганлари ёдга олинади.

Кўринадикки, қардош халқлар адабиётини чуқур ўрганиш учун миллий мактабларнинг адабиёт дарсларида олинган билимларга таяниш ижобий натижа беради. Бу эса ўқувчиларга турли миллат ёзувчилари ижодидаги уйғунликни ишонарли тарзда кўрсатиб бериш имконини яратади.

Қардош халқлар адабиётини ўқитишда қиёслаш

Адабиётшуносликда қардош адабиётлар тилларнинг тарихий қардошлиги, минтақавий гуруҳлар бўйича олиб қаралади.

Ўхшаш тарихий шароитларда ривожланаётган тарихий тақдири, тили яқин бўлган адабиётлар, хусусан ўзбек ва қозоқ адабиётини ўрганишда “адабий алоқаларни ўрганишнинг минтақавий аспекти жуда самарали бўлиши мумкин. Зеро, қатор шароитларга кўра адабий алоқалар бу ўринда алоҳида интенсивлиги билан намоён бўлади”.

Ўзбек ва қозоқ адабиёти ўзига хос миллий адабиётлар сифатида ривожланиб, асрлар давомида шарқ халқлари адабиёти билан ҳам, ўзаро бири бири билан ҳам яқин алоқада бўлган. Бу мураккаб илдизлари халқларнинг узок ўтмишига бориб тақаладиган жараён адабиётларда номаълум маънода ёритилган.

Миллий алоқаларнинг ўзаро ҳамкорлиги турли шаклларда намоён бўлади. И.Б. Жупокаева қуйидаги асосий шаклларни ажратади: таъсир, таржима, ўзлаштириш, тақлид, стилизация, образли анология. Ҳозирги шароитларда, - аниқлаштиради олима, - “миллий бадиий тажрибани идрок этиш янада мураккаблашиб, чуқурлашиб бормоқда. У энди ўзлаштириш,

тақлид ва бошқа адабий таъсирнинг содда шакллари орқали эмас, балки идрок этилаётган натижани “кўчириш”, бошқа адабиётнинг бадиий ютуқларини ижодий англаш бўлиб амалга ошади”¹.

Ўзбек ва қозоқ адабиёти ўзаро алоқаларининг энг муҳим таркибий қисми таъсир бўлиб, у ривожланиб, янги қирра, хусусиятлар касб этган. Ҳозирда “таъсир” терминининг маъноси кенгайган. Уни “ижодий ўзлаштириш” тушунчаси билан алмаштириш мумкин. Бир адиб томонидан бошқасининг тажрибаси ижодий ўзлаштирилиши адабиётнинг ёки алоҳида адибнинг миллий ўзига хослигини камайтирмайди, балки илғор бадиий тажрибани ўз вазифаларига мослаб қўллаш ва англашни билдиради. Ҳозирда ўзбек ва қозоқ адабиётлари ўзаро таъсири шу йўсинда амалга оширилмоқда.

Бадиий адабиётни ўзаро таржима қилиш ўзбек-қозоқ адабий алоқаларнинг яна бир шакли. Аҳамиятига кўра биринчи даражаси аҳамиятига эга бўлган адабий алоқалар воситаси сифатида таржима ва ижодий ўзаро таъсир шакли сифатида таржимани фарқлаши лозим, бунда у адабий ривожланишнинг миллий санъатнинг ғоявий-эстетик имкониятларини кенгайтириши, миллий тилни бойитиш, рассом бўғинини ишлаб чиқиш, унинг шакли устида ишлаш каби муҳим вазифаларига хизмат қилади. Ўзаро таржималар орқали икки қардош халқ асарларидан бахро оламин.

Адабий танқид ҳам ўзаро алоқаларнинг фаол шакли. Адабиётшунослар миллий қобикқа ўралиб қолмай, қардош адабиётларда кечаётган жараёнларни диққат билан кузатади.

Ўзаро таъсирнинг амалий шакли бир халқ адиби бошқа қардош халқ тарихи, турмуши, характерини акс эттиради. Бу билан адиблар ўз китобхонининг маънавий дунёсини бойитади, халқлараро дўстликни мустаҳкамлайди.

Ўзбек ва қозоқ адабиётлари ўзаро таъсири ўзига хос хусусиятларга эга. Улардан бири ҳар икки халқ адабиётида шеърининг устунлигидир.

¹ Жупокаева И.Б. Пробл. творч. взаимо действия. соврем. литератур.М., 1963, стр. 165

Шеърятнинг етакчи роли қардош адабиётларда наср ва драматургия жанрларига таъсир ўтказди. Бу жанрлар алоҳида лирик оҳанг, поэтик ифодалилиқ ва образлилиқ касб этиб, ўзига хослиқ бахш этади.

Марказий Осиё ва Қозоғистон халқларининг маданий алоқалари қадим ўтмишга бориб тақалади. Этник ва ҳудудий яқинлиқ, ўзга ерлиқ босқинчиларга қарши биргалиқдаги кураш бу халқлар тарихий тақдири умумийлигини белгилаб берган.

Маълумки XV аср ўрталаригача ўзбек ва қозоқлар яқин мулоқатда бўлиб яшаган. Олтин Ўрда тугатилгандан кейин ҳам алоқалар давом этган.

XX аср бошларида чоризмга қарши кураш бу халқларни янада жипслаштирган.

Собиқ Шўро даврида миллий давлатчилиқ баҳонасида улар ўртасида чегаралар ўтказилса-да, икки биродар халқни бир-биридан ажрата олмади.

Ҳозир ҳам Ўзбекистонда қозоқ тилида таълим бериладиган мактаблар борлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўзбеклар ва қозоқларнинг кўп асрлиқ ўзаро алоқалари уларнинг маданияти, аввало, оғзаки ижодида ўз аксини топган.

Ўзбек ва қозоқ халқ оғзаки ижодининг кенг тарқалган жанрларидан бири мақол ва маталлар кўп жиҳатидан ўхшаш ва умумий қонунлар бўйича қурилгандир.

Масалан, ҳар икки халқ фольклорида ички қофия билан боғланган мақол ва маталлар кўп учрайди.

Айрим ўзбек ва қозоқ мақоллари мазмунан яқин бўлиб, фақат тил хусусиятларига кўра фарқланади:

Ўзбекларда қозоқ тилидан ўзлашган мақоллар бўлгани каби, қозқоларда ўзбек тилидан ўзлашган мақоллар мавжуд:

Ўзбек ва қозоқ халқ оғзаки ижоди ўзаро таъсири халқ эртакларида, айниқса, яққол кўринади. Ялмоғиз, аждаҳо каби ёвуз кучлар ҳар икки халқ эртакларида кўп учрайди.

Ўзбеклар ва қозоқларда майиши эртақлар кенг тарқалган. Уларнинг машҳур қаҳрамони – Алдар кўса кўшни халқларда ҳам учрайди. Ўзбекларда машҳур Хўжа Насриддин ҳам қозоқларга яхши таниш.

Маросим кўшиқлари ўзбекларда “Ёр-ёр”, қозоқларда “Жар-жар” ҳам ўзбек ва қозоқлар удумлари ўхшашлигидан далолатдир.

Ўзбек ва қозоқ халқларининг фаҳри – эпос халқ тарихи, орзу-истаклари билан чамбарчас боғлиқ. Улардаги ўхшашлик ҳам маданий ва бадий кадриятлар ўзаро ўзлаштирилгани натижасидир. Алпомиш, Гўруғли ҳақидаги дostonлар умумий ифодасини топган.

Шарқ халқлари адабиётига буюк Навоийнинг таъсири ниҳоятда катта. Қозоқлар Навоийни яхши билишади.

Навоий ижоди Абайда катта таассурот уйғотган. Навоий ва Абай шеърларидаги ўхшашлик шубҳасиз.

Қозоқ адабиётининг Шарқ, жумладан ўзбек адабиёти билан алоқалари кенгайишида катта ўрин тутди.

Ораз, Шади Жангиров, Ахилбек Сабалов, Жусупбек Шайхисламов, Максим Калтаев, Сердали Мирвалиев, Иляс Манкин, Машҳур Жусуп Копеев, Турмагамбет Изтлеу ўзбек классиклари ижодни катта қизиқиш билан ўрганган, қозоқ тилига таржима қилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан маърифатпарварлик ғоялари кенг тарқалди. Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар, Абай Қўнонбоев, Иброй Алтинсоринлар ижодида бу ғоялар ўзининг чуқур ифодасини топди.

Ўзбек ва қозоқ адабиётлари ўзаро ҳамкорлиги тарихини ўрганиш бу жараён хусусийдан умумийга тамойили бўйича борганини кўрсатади: икки адабиётнинг стихияли ўзаро алоқалари аста-секин қонуният тусини олди, бунга сабаб қардош халқларнинг иқтисодий ва маданий алоқалари ривожланиши бўлади. Ўзбек ва қозоқ адабиётини қадимдан адабий жараёнлар умумийлиги яқинлаштириб келган, натижада ўхшаш мавзу, сюжет ва образлар яратилган.

Шундай қилиб, ўзбек ва қозоқ адабиёти алоқалар кўп қиррали, хилма-хиллиги, узоқ давом этган мураккаб жараён натижаси бўлиб, бу алоқалар тарихини ўрганиш қардош халқлар адабиётини ўқитишда икки қардош адабиётнинг қонуният ва ўзига хосликларини аниқлашга ёрдам беради.

Таржима – нафақат адабиётнинг иши, у муҳим сиёсий ва маданий аҳамиятига эга. Шу боис бу соҳага алоҳида эътибор қаратилади.

А. Қаҳҳор ёзади: “Ўзбек адабиётининг бошқа халқлар адабиёти билан узвий алоқасида ўзаро таржималардаги ижодий ҳамкорлик масаласи алоҳида аҳамият касб этади”...¹

Ўзбек муаллифлари асарларини қозоқ тилига ёзма таржима қилиш ўтган асрнинг 30-йилларида бошланди. Асосан кичик ҳикоялар ва поэтик асарлар таржима қилинган. Қизиғи шундаки, қозоқ тилидаги адабиётлар Тошкентда чоп этилган. Булар А. Қаҳҳор ҳикоялари (Исҳак ўғли Даниял таржимаси, 1934) ва Ғайратийнинг “Давр амри” (1935) повести эди. Кейинроқ Олма-отада Ҳ. Олимжоннинг “Туллаган ўлка”, А. Уморийнинг “Истак” шеърлари босилиб чиқди («Әдебиет жопс искусство» 1940? №12).

Етакчи ўзбек ва қозоқ адибларининг шахсий ижодий мулоқатлари, адабиёт декадалари, бир тилдан бошқасига бевосита таржима 2-жаҳон урушидан кейинги йилларда таржима жиддий фаоллашувига сабаб бўлди. Айнан шу даврда Абай, М. Авезов асарлари, Жамбул шеърлари, Г. Мустафин, С. Бегалин, Г. Мусрепов насри, Г. Орманов шеърляти ўзбек тилига ўгирилиб, Ўзбекистонда кенг шухрат қозонди.

Ўз навбатида, қозоқ тилига ўзбек классик шеърят дурдоналари – Навоий асарлари Ойбек, Ш. Рашидов, А. Мухтор романлари, А. Қаҳҳор асарлари, Уйғун, Зулфия, Миртемир шеърлари таржима қилинди. Ҳаётни реалистик тасвирлаши, низолар кескинлиги, образлар типиклиги, юксак бадиийлиги ва маънавий йўналганлиги билан китобхон эътиборини қозонган асарлар икки халқ бойлигига айланди.

Айниқса шеърят кўп таржима қилингани диққатга сазовор.

¹ 2-Собиқ иттифоқи ёзувчилари съезди. Стенография ҳисобати. М., 1966, 272 б.

Кейинчалик насрий асарлар ҳам етакчи ўринларга даъвогар бўлди. 60-йилларда “Шоҳи сўзана” ва “Оғрик тишлар” (А. Қахҳор) каби драматик асарлар ҳам таржима қилинди. Ўзбек пьесалари тўплами чоп этилгани Қозоғистон маданий ҳаётида йирик воқеа сифатида эътироф этилди.

Таржима – умумий адабий маданиятнинг бир қисми, шу боис таржимага карашлар, таржима қилинажак асарларни танлаш тамойиллари, айрим таржималарнинг услубий хусусиятлари унинг характерини белгилайди. Таржима сифати: таржимон маҳорати ва таржима қилинаётган асарнинг ғоявий-бадий даражаси каби иккита омил билан белгиланади.

Т. Жароков, Т. Утебаев, Т. Молдағалиевлар Ғ. Ғуломнинг кўплаб асарларини таржима қилишди. Олма-отада 1957 ва 1965 йилларда чоп этилган. Ғ. Ғуломнинг икки шеърий тўплами унинг ижоди Қозоғистонда оммалашувида муҳим омил бўлди.

Ойбек асарлари қозоқ тилига жадал таржима қилинди. 1964 йилда Давлат мукофоти сазовор бўлган “Навоий” романини А. Сулейманов 1949 йилда қозоқ тилига таржима қилди.

60-йилларда эса “Қутлуғ қон” романи қозоқ тилида дунё юзини кўрди (таржимон К. Мухаметжанов).

Шунингдек, Ойбекнинг “Болалик” повести, “Буюк кун келди”, “Навоий” шеърий тўпламалари (Ж. Нажмуддинов, 1962), “Покистон болалари ҳаётидан” китобидан айрим асарлари (1962, 1963) ва бошқа қозоқ китобхонлари мулкига айланди.

“Ўзбек халқ мақоллари” (М. Нурматов ва Ж. Сарибоев), “Ўзбек халқ эртаклари” (С. Таншбаев, Ақилди Алиджон) тўпламлари ўзбек фольклорига қизиқишидан далолат.

Болалар адабиёти соҳасида ҳам қозоқ таржимонлари катта ишлар қилишган. Болалар учун ҳикоялар тўплами – “Адир ҳавосис”, А. Мухторнинг “Баврош”, Қ. Мухаммадийнинг “Домбра” ва болалар учун аталган бошқа шеърлари фикримиз далилидир.

Қозоқ адабиёти асосчиси Абай Қўнонбоев ижоди Ўзбекистонда кенг шуҳрат қозонган. 1945 йилда ўзбек тилида нашр қилинган. Миртемир ва Уйғун таржимасидаги асарлар тўплами хилма-хил мавзудаги шеърларни ўз ичига олди.

50-йилларда М. Авезов асарлари таржима қилинди. “Абай” ва “Абай йўли” романлари ўзбек тилига Зумрад таржима қилди. Бу қозоқчадан ўзбекчага таржима қилинган илк насрий асарлар экани диққатга молик.

Адибнинг “Қараш-қараш” (катта ёшдаги болалар учун ҳикоялар тўплами) 1962 йилда Тошкентда чоп этилди.

Ғабиден Мустафиннинг “Шиғоноқ”, “Миллионер” ва “Қарағнда” романлари ўзбек тилида китобхонларга тақдим этилган. “Қарағанда романини таржима қилган Н. Фозилов қозоқ тилини яам_яеааммал билгани диққатга сазовор.

Қозоқ шеъриятдан таржималар ўзбек таржима бадиий адабиётида салмоқли ўрин тутади. Ғ. Ғулом, Уйғун, Миртемир, Зулфия, Шуҳрат, Ж. Жабборов, Султон Холбск, Туроб Тўла, Н. Фозиловлар қозоқ шоирларининг шеър ва достонларини таржима қилган.

Айрим таржимонлар маълум жанр, муаллифларни таржима қилишга ихтисослашган. Абай асарларини Миртемир ва Шуҳрат; Ғ. Орманов, Ғ. Шодини – Ю. Шомансуров, Ж. Жабборов; А. Таджибаевни – Туроб Тўла, Зулфия, Ғ. Ғулом муваффақиятли таржима қилган.

Қозоқ тилидан ўзбек, ўзбек тилидан қозоқ тилига таржималар икки қардош халқ бадиий адабиётининг энг яхши асарлари билан алмашувга, ўзбек-қозоқ адабий алоқалари мустаҳкамланишига хизмат қилгани шубҳасиз. Бадиий таржима миллий адабиётлар ривожига, халқлар ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишига ижобий таъсир этиб, байналминал маданият шаклланишига кўмаклашади.

Миллий адабиётларни айрим адиблар ижодини қиёсий ўрганиш қардош халқлар адабиётини ўқитишнинг долзарб муаммоларидан бири. Бу муаммо

В.И. Жирмунский, Н.К. Гудзий, И.Г. Жупокаева, Г.И. Ломидзе, М.О. Ауэзов, Е.В. Лизунова ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Н.К. Гудзий фикрича, “ўзига хос услубий ва жанр хусусиятларини сақлагани ҳолда реализм методи асосида ривожланаётган миллий адабиётларни қиёсий –типологик ўрганиш ҳар бир адабиётнинг миллий ўзига хослиги. Шунингдек сифатини ўрганиш имконини беради”.¹

Турли миллий адабиётларни чуқур қиёсий таҳлили алоҳида адиблар ижод хусусиятларини ҳар томонлама ўрганишини кўзда тутди.

Қиёсий ўрганишда унутмаслик лозимки, миллий маданиятлар яқинлашуви миллий ўзига хосликларни мутлақо инкор этмайди. Таҷриба кўрастadiки, миллий маданият шакллари диалектик ривожланиб, байналминал, умуминсоний қирраларни тобора касб этиб боради.

Ўзбек ва қозoқ адабиётлари ҳам ўзарo, ҳам бошқа қардош халқлар адабиёти билан узвий боғлиқ, бу ҳoлат уларнинг ривожланишига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шу билан бирга, уларнинг ҳар қайсиси ўз миллий анъана ва хусусиятларига эга. Бунга катта аҳамият берган М. Авезов ёзади: “Қардош адабиётларни қиёсий ўрганишда ҳар бир халқнинг маънавий бойлиги ўзига хосликлари мавжудлигини ёдда тутиш лозим”.²

Айрим адиблар ижодини қиёсий ўрганишда ҳам кўплаб умумийликлар кўзга ташланади: Буни Ҳ.Ҳ. Ниёзий ва Сакен Сейфуллиннинг ижодий биографияси мисолида кўриш мумкин.

Ҳар икки адибнинг дастлабки асарлари жонажон ўлка гўзаллиги, садоқат, севгини тараннум этади, улар халқ лирикаси анъаналарида ёритилган. Ҳамзанинг “Миллий қўшиқлар” тўпламидан жой олган илк шеърлари ва Сакеннинг “Ёз тунида”, “Жонажон адир”, “Сўнмас севги” каби шеърлари шундай.

Ҳамза ва Сакен ижодидаги ғоявий умумийлик шоирлар маърифатпарварлик характерида шеърлар ёза бошлаган даврда айниқса, улар

¹ Гудзий Н.К. Сравнит. изуч. литератур в рус. науке. М., 1961, стр. 79.

² М. Авезов Мысли разных лет. Алм. 1961. 279 б.

Муқимий ва Фурқат, Абай ва И. Алтинсарин бадиий тажрибасини ўзлаштирганида яққол кузатилади.

1916 йил воқеалари Ҳамза ва Сакен дуниёқарашига катта таъсир ўтказди. Туркистон тарихидаги бу муҳим пала – қўзғолонга муносабатини Сакен “Қийин йўл, оғир ўтиш” автобиографик романида, Ҳамза “Салом айт”, “Соғиндим” каби шеърларида баён этган.

Ўтган асрнинг 50-йилларида ўзбек ва қозоқ адабиётида шеърят, драматургия билан бир каторда роман жанри ҳам муваффақиятли ривожланди.

Ўзбек адабиётида А. Қаҳҳорнинг “Қўшчинор чироқлари”, Ойбекнинг “Олтин войидан шабодалар”, Ш. Рашидовнинг “Ғолиблар”, “Бўрондан кучли”, А. Мухторнинг “Опа - сингиллар” ва бошқа романлар муҳим ўрин эгалаган бўлса, қозоқ ёзувчиларининг йирик зафарлари С. Мукановнинг “Ҳаёт мактаби”, “Сирдарё”, “Бўтакўз”, “Шифонак”, “Қарағанда”, З. Шошқиннинг “Темиртау” каби романлари билан боғлиқ.

Тарихий роман ўзбек ва қозоқ адабиётлари учун янги ҳодиса эди. Унинг асосчилари Ойбек ва Мухтор Ауезов, ўз адабиётларида биринчи бўлиб, тарихий шахслар, ўзбек ва қозоқ адабиёти асосчилари Навоий ва Абай образларини яратишга киришди. Романлар деярли бир пайтда чоп этилди: “Абай” – 1942, “Навоий” – 1944.

Навоий ижоди Ойбекни анча олдин қизиқтирган, 1937 йилда ёзилган “Навоий” достонида шоир образига асосий чизгилар берилганди, поэма роман ёзиш олдидан бир бош репетиция эди гўё.

М. Авезов ҳам Абай ижодини анча олдиндан ўрганган. Қатор танқидий мақолалар ва “Абай” трагедияси (Л. Соболев билан ҳам муаллифликда, 1941) бундан далолатдир.

Тарихий роман 40-йиллар бошида кенг тарқалгани бежиз эмас. Ўзбек ва қозоқ адабиёти “Навоий” ва “Абай” романларидан олдин ҳам йирик тарихий асарларга эга эди (С. Муканов “Бўтакўз” ва С. Айний “Қуллар”). Бироқ тарихий шахсларга бағишланган асарлар йўқ эди.

Ойбек ва М. Аvezов битта вазифани ҳал этиш ижобий қаҳрамон образини яратиш билан чекланмади. Ҳар иккиси ҳам буюк инсонлар образини ҳаққоний акс эттириш зарурлигини яхши тушунарди. Адиблар қаҳрамонларининг илғор ғоялар, адолат учун курашини акс эттирди. Айнан шу мураккаб кўриш жараёнида муаллифлар Навоий ва Абайнинг кўп қиррали характерини очиб бера олди.

Икки романни бирлаштирадиган яна бир жиҳати Ойбек ва М. Аvezов ўтмишининг асосий муаммоларини замонавийлик позициясидан ҳал этганидир.

“Навоий” ва “Абай” романлари – оригинал, ўзига хос, мавзуси, муаллиф ғоясига кўра ўхшаш, бироқ услуби, баён қилиш интонациялари хилма-хилиги билан фарқ қиладиган романлар.

Навоий ва Абай образлари қиёси ҳам алоҳида қизиқиш уйғотади.

Бу икки образни фикрлар, ғоялар бирлиги яқинлаштиради. Абай ҳам Навоий каби феодалларга, жоҳилларга қарши курашишига тўғри келади. Бу икки образ яқинлик манбаини ижтимоий ҳаёт, қаҳрамонлар яшаган даврдан излаш лозим.

Навоий ўз дўсти Ҳ. Байқаро атрофидаги жоҳиллар билан курашса “Абай” романида асосий низо Абай ва унинг отаси Қўнонбой ўратсида кечади. “Абай” романида қаҳрамон умр бўйи курашган идеалар кенг планда берилса, “Навоий”да улар асар композициясининг ўзида жонланган.

Навоий ва Абайни чуқур ақл, мақсадга интилувчанлик, юксак маънавият, ижтимоий-сиёсий қарашлар яқинлаштиради.

Ойбек ва М. Аvezов ҳам ўз қаҳрамонларини динамик ривожланишида кўрсатади, уларнинг халқ иши учун курашчига айланишини босқичма-босқич ёритиб беради.

Навоий ҳам Абай ҳам ўз даврининг етук шоир ва мутафаккиридир. Улар сиймосини яратишда уларнинг ижодини ёритиши жиддий рол ўйнайди.

Пейзажчи Ойбек палитраси ранглариа бой. У контраст усулидан моҳарана фойдаланади. Табиат манзаралари, ажойиб боғлар, Боиқаро

саройининг улуғворлиги қашшоқлар кулбалари билан қарши қўйилади. Ойбекнинг пейзажлари нафақат воқеа жойи ва вақтини тавсифлайди, балки қаҳрамонларнинг типик қирралари, ўзаро муносабатларини ёритишга хизмат қилади.

М. Аvezов да пейзаж элементлари фасллар, қаҳрамонлар образлари, қўшиқ билан қиёсланади. Муаллиф фольклор унга хос бўлган поэтик ўхшатишлар, метафоралардан унумли фойдаланади.

Ойбек ва М. Аvezов романлари ёрқин, образли тилда яратилган. Она тили имкониятларидан кенг фойдаланиб, адиблар даврнинг тарихий колоритини моҳирона қайта яратади, қаҳрамонлари дунёкараши, характерларини очиб беради.

Бу икки роман ҳақида Г. Мусреповнинг: “Бу романларнинг яратилиши, шубҳасиз, ўзбек ва қозоқ адабиётини яқинлаштиради. М. Аvezов ва Ойбек нафақат юксак бадиий асарлар, балки қозоқлар ва ўзбеклар тарихи ҳақида роман яратди. “Абай”ни ўзбек, “Навоий”ни қозоқ тилида ўқиган икки республика халқи уларни тарихан боғлаб турган ўтмишдаги гуманистлар маънавий меросидаги озодлик учун кураш йўлларини излашдаги умумийликни чуқурак тушунади”¹ деган сўзларига асосланиб уларнинг қийматини белгилаш жоиз бўлди.

Ўзбек-қозоқ адабий алоқалари асосий муаммоларини ишлаб чиқишда Ғ. Ғулом ва С. Муканов ижодини қиёслаш катта қизиқиш уйғотади. Бу икки адиб ижоди икки адабиётнинг тикланиши ва ривожиддаги кўп жиҳатидан ўхшаш жараёни акс эттиради.

Ғ. Ғулом ижодида Қозоғистон мавзуси кенг ўрин эгаллайди. “Қозоқ халқига” шеърида шоир икки халқ ўртасидаги дўстликни тараннум этади. Қардош қозоқ халқига чексиз муҳаббати ҳақида сўзлар экан Ғ. Ғулом унинг истеъдодли ўғлонларига қойил қолади. Кумиш овози ва Жамбул домбираси тараши уни лол этади.

¹ Каратаев Н. Первая казахская эпопея. – сборник статей о каз лит-ре. стр. 172.

Ўзининг кўплаб ўзбек ижодкорлари, айниқса, Ғ. Ғулом билан дўстлиги ҳақида С. Муканов илиқлик билан “Ўзбек биродарларимга” шеърини битади.

Ғ. Ғулом ва С. Муканов лирикаси юксак пафос ва оптимистик руҳ билан суғорилган: уларнинг лирик қаҳрамонлари бутун вужуди билан келажакка интилади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ғ. Ғулом ва С. Муканов поэзияси ватанпарварлик руҳида бўлиб, фашизмга қарши мардона курашаётган юртдошлари жасоратини мадҳ этади. Ғ. Ғуломнинг “Сен етим эмассан”, “Вақт”, “Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак” шеърлари хорижда ҳам шуҳрат қозонди.

С. Мукановнинг “Аэмасдан ур”, “Фашизмга ўлим”, “Мен ҳам қурол олдим”, “Ғалаба майи” шеърлари ҳам суронли йилларнинг қаҳрамонлик руҳи билан суғорилган.

Ғ. Ғулом ва С. Муканов ижодида тинчлик мавзуси алоҳида ўрин тутди. Ғ. Ғуломнинг “Биз тинчлик учун”, “Тинчлик марҳияси”, “Тинчлик минбаридан”, “Инсоният байрами”, “Бу сенинг имзонг” каби шеърлари бунга мисол бўла олади.

Ғ. Ғулом ва С. Муканов ижодида энг оммавий мавзу – халқлар дўстлиги, Мукановнинг “Н. Островскийга”, “Рус тили”, “Шеърят марсиаси”, “Тула, Украина”, “Ўзбек биродарларимга”, Литва ҳақидаги турукм шеърлари, Ғ. Ғуломнинг “Қозоқ халқининг буюк байрами”, “Буюк пойтахт” каби шеърлари бунга далил бўла олади.

Бошқа кўплаб шоирлар каби Ғ. Ғулом ва С. Муканов асарлари ўзбек ва қозоқ адабиётининг XX асрдаги тарихий ривожланишида умумийликларни акс эттиради.

Ғ. Ғуломнинг “Қозоқ халқининг буюк байрами” шеърида қозоқга “улкан”, “қутлов”, “туғ”, “яйлов”, “томир” каби сўзларнинг қўлланиши лирик қаҳрамоннинг образини очиб беришга хизмат қилади.

Қозоқларнинг миллий характерига чуқур кириб бора олган шоир “Олматанинг олмасидай қон тилинган юзлари; Олтой буркин қинғир қўйган, қошлари, қундузлари”, “Сариғ мойдай * ғоз ўмровли қизлари” мисраларида миллий қирраларни акс эттирган ўхшатишлардан моҳирона фойдалана олади.

Ўзбек ва қозоқ адибларининг айрим асарларини қиёслаш кўрсатадики, уларнинг ижодида умумийлик кўп, бу умумийлик қардош халқларнинг тарихий, ижтимоий, маданий ривожланишига асосланади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон адабиётлари ўзаро алоқаларининг мустақамланиши адибларнинг сермахсул шахсий мулоқатлари, фикр алмашувлари, ижодий тажриба билан ўртоқлашишлари ва ўзаро ўрганишлари натижасидир.

Ўзбек ва қозоқ адабиётлари ижодий ўзаро алоқаларининг ўзига хос шакли бир халқ адибларининг бошқаси ҳақида асарлар яратишидир.

Халқ ҳаёти ҳақида асарлар яратар экан, ёзувчилар ўз китобхонининг маънавий дунёсини бойитади, уни бошқа халқнинг миллий маданияти билан таништиради, қардош халқлар ўртасидаги дўстликни мустақамлайди, айни пайтда ўз ижодий тажрибасини бойитади. Ўзбек халқи унинг ажойиб табиатига бағишланган, дўстлик ҳақида битилган қозоқ адибларининг 40 дан зиёд шеърий асари бунга ёрқин мисолдир. Уларда ўзбек халқининг ҳаёти, меҳнати акс эттирилади.

Истеъдодли қозоқ шоири А. Таджибаев ижодида байналминаллик сезиларли ўрин тутади. Унинг Навоий таваллуди 500 йиллигига бағишланган “Ўртоқ Навоий” да (1948) бунга яққол кўриш мумкин. “Навоий орзулари рўёбга ошди, шу сабабли, орадан бир неча юз йил ўтса ҳам, шоир Навоийга ўз ўртоғи, қаламкош оғаси, сўз санъатига қарашларига кўра маслакдоши сифатида мурожаат этади”.¹

70-йиллар қозоқ шеъриятида “ўзбек” мавзуси айниқса жадал ривожланди: М. Халимжонованинг “Дугонамга”, К. Шонгитбаевнинг “Дўстим

¹ Очерки истории казахской литературы. стр. 544.

Миртемирга”, М. Иштаровнинг “Дўстлик”, С. Мукановнинг “Менинг республикам”, Ж. Молдағалиевнинг “Тошкент билан учрашув”, Г. Усмановнинг “Дўстлик қўшиғи” ва “Қардошлик” шеърларини мисол келтириш мумкин. Д. Абиловнинг “Ўзбек – менинг биродарим”, Т. Жароковнинг “Ўзбекистонда”, Ж. Сиздиқовнинг “Қандош ўзбек халқига”, С. Жиенбаевнинг “Оғам ўзбекка”, Б. Исхаковнинг “Ўзбек халқига” каби кўплаб асарларида козоқ халқининг ўзбек биродарига муҳаббати акс этади. Р. Нурпеисов “Дўст сўзлари” шеърида Ўзбекистонни “Қандош, юракка яқин ўлка” сифатида мадҳ этади:

Салом сенга, Ўзбекистон, гуллар диёри!

Салом сенга, Ўзбекистон, шеърлар диёри!

Салом сенга, энг қадрдон,

Дилга яқин, Ўзбекистон

Муаллиф Жамбул қўшиқлари ўзбеклар орасида ўзбек шоирларининг шеърлари козоқлар орасида бўлгани каби машҳурлигини айтади.

“Қандош ўзбек халқига” шеърида Жамал Сиздиқов ўзбек заминини зўр кўтаринкилик билан мадҳ этади. У ажойиб боғлар, лол қолдирувчи атиргуллар, булбул наволари, гўзал шаҳарлар: Самарқанд, Бухоро, Фарғонадан лол қолади.

Буркут Исхаковнинг “Ўзбек халқига” ва Улуғбекка бағишланган “Зулматда чакнаган юлдуз” шеърлари ҳам эътиборга лойиқ.

Қозоғистонда Ғ. Ғулом ижоди жуда оммалашган. Қозоқ шоирлари А. Таджибаев, С. Муканов, К. Шонгитбаев, Ж. Сиздиқов, С. Мауленов ва б. Ғ. Ғулом образини акс эттирган, унинг поэтик сўз кучини очиб берадиган шеърлар ёздилар. Г. Камрбеков “Қўш юрак”, “Дилужон”, Г. Ормановнинг “Ўртоқ”, “Ҳаёт қўшиғи”, Д. Абиловнинг “Ғафур Ғулом”, “Яхши қўшни, яхши дўст” шеърлари шулар жумласидан. Д. Абиловнинг “Ўз оғам - ўзбегим” шеъри лиризм ва самимияти билан ажралиб туради.

Икки халқ дўстлигини тараннум этган шеърлар ҳам анчагина. А. Токмагамбетов овози шоирлар ҳам орасида ажралиб туради. “Ўртоқ”

кўшиғида ўзбек ва қозоқ дўстлигини турли образли қиёслашлар билан шарафлайди.

Ўзбек мавзусига қозоқ адиблари ҳам мурожаат этади. М. Авезов, З. Шошкин, Б. Момишўғли, С. Муканов асарларида буни кўришимиз мумкин.

“Қозоғистонлик солдат” романида Ғабит Мусрепов Самад Абдуллаев образини яратади. Унда барча кишиларга хос бўлган душманга нафрат, ватанга мухаббат каби байналминаллик билан фақат қардош халқ фарзанди – ўзбекка хос яккалик, миллийлик уйғунлашиб кетади. Қувноқ, сўзга чечан самадни дўстлари “Насриддин” деб аташади. Асарнинг бош қаҳрамони Қайргалининг “Самад ёнингда бўлса, жанг қилиш ҳам осон, ўлим ҳам кўрқинчли эмас” деган сўзларининг ўзи ҳам асарнинг қимматини кўрсатиб туради.

Ўзбек мавзуси қозоқ адиблари ижодини янги образлар, сюжетлар, тасвирий воситалар билан бойитиб, уларнинг ёзувчилик луғатини янги атамалар билан тўлдиради.

Ўз навбатида, ўзбек адабиётида қардош қозоқ халқи ҳаёти, унинг ўзбек халқи билан минг йиллик алоқалари ҳақида кўплаб насрий ва шеърий асарлар яратилган. Ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб, қозоқ мавзусига кўп ўрганган Карим Аҳмадий яратган Жамбул образи, шоирнинг муваффақияти эди.

Қозоқ халқининг турмуши, маданиятини, меҳмондўстлиги, очик кўнгиллилиги, шаҳар, тоғ ва қирлари гўзаллигини М. Шайхзода “Жамбул”, Ю. Ҳамдам “Икки шеър”, Н. Нарзуллаев “Менинг Қозоғистоним”, О. Исмаилов “Мен ҳам Қозоғистон ўғлиман” каби шеърларида ҳаққоний акс эттира олган.

Қардош адабиётлар яқинлашувида адабий танқиднинг роли муҳим М. Авезов ҳам танқидчи, ҳам адабиётшунослар қардош халқлар адабиётини ўрганишлари лозимлигини таъкидлаган эди.

Қозоғистон ва Ўзбекистон адабий танқидчиларининг узвий алоқлари ўз натижасини берди, албатта. Ўзбек адабиётининг “ички” ишларига аралашар

экан, қозоқ адиб ва мунаққидлари: 1) ўз бадиий тажрибасини ўзбек адабиёти ютуқлари билан бойитади; 2) ўзбек адабиётшунослиги ривожига ўз хиссасини қўшади; 3) ўзбек адиблари ижодини Қозоғистонда тарғиб қилади.

Икки қардош адабиёт ўзаро алоқаларида мунтазам ўтказиб келинган санъат ва маданият ўн кунликлари (декадалари) ҳам катта ўрин тутди.

Шундай қилиб, ўзбек ва қозоқ адабиётининг ривожига адабий алоқалар катта аҳамият касб этади. Бу алоқалар ҳар икки республика ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгач, янада долзарб аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

II.2. Қозоқ-қирғиз адабий алоқаларининг айрим муаммолари

XIX асрда яшаган етук қозоқ маърифатпарвар олими Чокан Валиханов қирғиз тили ва халқ оғзаки ижодига катта қизиқиш билан ёндашган. Айнан у XIX асрнинг 2-ярмида қозоқ-қирғиз адабий алоқалари тарихининг илк саҳифасини битган. Қирғиз халқ дурдонаси – “Манас” қаҳрамонлик эпосининг илк кашфиётчиси ва тадқиқотчиси сифатида унинг хизматлари айниқса каттадир. У қирғиз халқининг ҳаёти, тарихи ва маданиятини ўрганиш учун жуда кўп ишлар қилади. Шунинг учун ҳам қирғизлар уни ҳақли равишда ўзларининг ҳам биринчи маърифатпарвар олими деб билади.

1856 йилда чор ҳукумати Қирғизистонинг табиий шароитини ўрганиш учун М.М. Хоментовский бошчилигида ҳарбий-илмий экспедиция ташкил қилади. Унинг таркибида Ч. Валиханов ҳам бор эди. Экспедиция май-июнь ойлари давомида олиб борилади.

1857 йилда Ч. Валиханов яна Қирғизистонга сафар қилади. Бу сафар олим қирғизлар ҳаётига оид бой материаллар тўплаш билан бирга, “Манас” қаҳрамонлик достонини илк бор ёзиб олади. Олим “Кукатойхонинг ўлими ва маъракалари” номли қизиқарли бир парчасини рус тилига таржима қилиб, достонни тарихий-адабий таҳлил қилади.

“Манас” ҳақидаги илк маълумотни унинг “Иссиққўлга сафар кундалиги”дан ўқиймиз.

“Кундалик” муаллифи қирғиз халқи ҳақида кўплаб этнографик маълумотлар, ривоятлар, афсоналар, мақолалар, бахши ва оқинлар билан суҳбатларни ёзиб олади. У ёзади: “26 май куни бир қирғиз билан учрашдим. У “Манас” достонини билади. Достон тили сўзлашув тилига қараганда анча тушунарли. Манас афсонасининг қаҳромани - жасур нўғай паҳлавони”. Унинг бутун ҳаёти муштлашув ва гўзалларни ахтариш билан ўтади. Фикрлаши у қадар шарқона эмас, у кўпинча отасини қийинчи, молларини ҳайдаб кетади, унга кўпол муомалада бўлади. Бу-ғалати. Умуман, барча кўчманчилар қарамликни ҳурмат қилади, оқсоқолларга эътибор билан қарайди”. Кейин достон сюжети қисқача баён қилинади. Бироқ матн берилмайди. Юқорида айтилганидек, Ч. Валиханов достондан парча ёзиб олган, холос. Бу парчанинг қирғизча матнини академик А.Х. Маргулан 1964 йили охиридагина архивлардан топа билди.

Ўз “Кундалик” ида Ч. Валиханов “Манас” достонини тавсифлашга илк уринишни амалга ошириб, бош қаҳрамонга баҳо беради. Асарнинг батафсил таҳлилини “Қирғизлар ҳақида ёзувлар” илмий асаридан топамиз.

“Ёзувлар” қирғиз халқи тарихига оид маълумотлар, тарихий ривоятлар, қирғизларнинг тарқалиши, иқтисодиёти, маиший турмуши, анъана ва урф-одатлари, тили ва адабиётига оид манбаларини ўз ичига олади. Улар жуда катта аҳамиятига эга бўлиб, шарқшунослик фанига қўшилган улкан ҳиссадир. Иссиқкўлнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ривоятнинг ўзи катта илмий қизиқиш уйғотади. У қирғизларнинг яхлит фольклор асари саналади.

“Қирғизлар ҳақида ёзувлар”да “Манас” ҳақида унинг тарихий манбалари, бош қаҳрамон образи, қозоқ ва қирғиз халқларининг дўстлиги ҳақидаги маълумотлар кенг ўрин эгаллаган. Валиханов ёзади: “Манас” қирғиз халқининг ягона романтик асари. Гарчи бу эпик сага, кейинроқ тузатиш ва киритмаларга учрасаларда, унинг сюжети ёки асоси, албатта, бу дашт эпосига фавқулодда муҳаббат ва ҳурматга қараганда, қирғиз халқининг аний хотираларига эга”.¹

¹ Валиханов Ш.И. Собр. соч. В5. Т. Т. 1. А., 1961, стр. 352.

“Манасда” козоқ ва қирғизлар нўғайлар билан умумий манфатга кўра боғлиқ бўлган алоҳида халқ сифатида таништирилади. Уларнинг муносабатлари ғавқулодда дўстона, ҳатто кандошларга: нўғайлар ва қайсоқлар бирлик даврини олтин аср деб атайди. Ҳар бир ривоят бошида “Нўғай ва қозоқлар бахтли дамларда . . .” деб сўз бошланади.¹

“Ёзувларда”, “Манас” достонига умумий баҳо берилади. “Шубҳа йўкки”, - деб ёзади у, - “Манас” қирғизларнинг шеърӣй шаклдаги асосӣй ва эҳтимол ягона асари, халқ даҳоси ижоди. “Манас” бу – қомус, халқнинг барча эртақ, қисса, ривоят, географик, динӣй ва ақлий билимлари ва маънавий тушунчаларининг жами . . . Манас – бутун халқнинг асари, кўп йиллик меҳнатлар меваси”².

“Манас”га “Джунгория ҳақида очерклар”да янада тўлиқ баҳо берилади.

Унда муаллиф яна достоннинг қисқача мазмунини келтиради, Манас ва унинг шахси, келиб чиқиши, “Ўжар ва ҳисийётли дашт одами” сифатидаги образи ҳақида кўп гапиради.

Ч. Валиханов “Қирғизлар ҳақида ёзувлар”нинг, “Қиммат баҳо лисон” бўлимида қирғиз халқ шеърӣятини уч турга бўлиб таснифлайди. 1-турга эртақлар ва “халқнинг келиб чиқиши ва машҳур қабила бошлиқлари ҳаётидан ажойиб воқеалар”ни киритиди ва эртақларга сюжет ва композицион жиҳатидан тавсиф беради.

Қирғиз халқ шеърӣятининг 2-турига “Қабилаларнинг урушлари, баҳодирлар жасорати ҳақида эпик ҳикояларни” киритади, уларни достонлар ёки “қаҳрамонлик сагалари” тури деб атайди ва огоҳлантиради. Улардан асл халқники ва қайсоқлардан ўзлаштирилганларни фарқлаш керак.

“Фикримизча, - ёзади муаллиф, - достон энг янги қўшимча ва ўзгартишларга учраган. Эҳтимол, унинг прозаик намуналар бир яхлитликка номланиши ҳам анча кейинги пайтдаги ишдир. “Манас” яхлит кўринишга эга бўлган кўплаб алоҳида эпизодлардан ташкил топган”.³

¹ Ўша ерда. стр. 362.

² Ўша ерда. стр. 367.

³ Ўша ерда. стр. 420.

Ш. Валиханов эпик шеърый асарларда шеър тузилишига оид фикрлари катта қизиқиш уйғотади. “Эпик асар, - деб ёзади у, - ўлчам ва қофияга эга. Шеър тузилиши нозиклиги қиёслар оҳангдошлигидадир”. Шу иккилик қофия ортидан қувиб, улар ажбатовур содда ўхшатишлар қилади, мақсад фақат метрология талабини қондириш. Масалан, Кўкатоёхон таъзими ҳақида кўшиқнинг бошланиши:

Элтин эрдин киши экан,
Ата (ли) юртнин боши экан. яъни
Олтин эгарнинг қоши экан.
Бутун юртнинг боши экан.
Кўк дуноннин басыбар,
Кўкатоё хоннин асы бар. яъни.
Кўк дўнаннынг боши бор,
Кўкатоё (хон)нинг оши бор.

Бу ўринда Олтин эр (олтин эгар) ва кўк дунон сўзлари фақат ата (ли) юрт Кўкатоё хон сўзларига оҳангдошлик учун эслатилади.¹

Ч. Валиханов “Манас” дан парча ёзиб олиб ва таҳлил қилиб улкан илмий кашфиёт қилди.

А. Маргуланнинг ёзишича, Ч. Валиханов “Манас” эпосини илк марта кадет корпусида ўқиётганида эшитган. “Манас” билан танишиш учун унда имкон бор эди. У ўша даврда Омскка келган катта юз қозоқлари билан кўп учрашади. Иккинчидан, Ч. Валиханов халқ оғзаки ижодига алоҳида қизиқиш билдириб, унинг намуналарини тўплаб юрган пайт эди. Маргуланнинг фикрича, Ч. Валиханов “Манас” ҳақида илк бор Фринель ёзувларидан (1845) ўқиган. Шу тахлит у “Манас” билан танишишга тайёрланган.

Собик иттифок даврида “Манас” эпоси бўйича биринчи фундаментал тадқиқот М.О. Ауёзов қаламига тегишли. У Ч. Валихановдан кейин дунё

¹ Ўша ерда. стр. 367.

китобхонларини “Манас” билан таништириб, буюк маърифатпарвар ишини давом эттирди. Қозоқ олими туфайли “Манас” нафақат Қирғизистон, балки бошқа республикаларда ҳам ўрганила бошлади.

1923-1928 йилларда Ленинград ДУ таҳсил кўрган М. Аvezов турк филологияси (қозоқшунослик) кафедраси аспиранти сифатида кўлёзма билан танишиш учун юборилади. Унга ёрдам бериш сўралади.

30-йиллардаёқ “Манас” ҳақида рус ва қозоқ тилларида бир неча мақола чоп этилади. Булар орасида “Қирғиз халқининг буюк эпоси “Манас”га кириш”, “Манас – қирғиз қаҳрамонлик достони”, “Манас бахшилари ва ернинг тингловчилар муҳити” қабиларни кўрсатиш мумкин.

М. Аvezов мақолаларига маълум даражада бир ёқламалик хос эди, буниники “Қирғиз ва қозоқ фольклори энг нодир ёдгорликлари”да кўриш мумкин. Бу мақолада М. Аvezов акад. Радловнинг қирғиз фольклори фақат эпос, қозоқ фольклори фақат лирикадан иборатлиги ҳақидаги фикрига қарши фикр билдиради. У замонавий фан қирғиз ва қозоқ фольклори эпос, лирика ва кўплаб жанрларга бирдек эга эканини таъкидлайди. Бу халқлар фольклорида сифат тафавут ҳақида масала қўйилиши мумкинлигини билдиради. М. Аvezов фикрича, “Манас” ўлчамларига кўра шеърят уммони, у бирданига яралмаган, катталашиб сюжети кенгайиб борган. Эпос давомида кўплаб авлодларнинг ижодий иштироки маҳсули сифатида юзага келган.

М. Аvezов “Манас”ни тадқиқ қилиб, ўз мақолаларида уни Шарқ ва Ғарб эпик асарлари: юнонларнинг “Илиада ва Одиссея”, роман халқларининг “Роланд ҳақида қўшиқ”, “Нибслунглар”и, форс “Шоҳнома”си, фин “Калевала”си, мўғул “Тесериада”си, ҳинд “Маҳобҳарата”си ва рус эпослари билан қиёслайди. М. Аvezов бу асарларнинг кўпчилигини рус тилида ўқигани боис, уларни услуб ва образли поэтик қиёслашга уринмай, балки сюжети, баён услуби кўрастиш линияси, персонажлар тасвири билан яқинлигини таъкидлайди.

Кўринадики, М. Аvezов “Манас”га умуман юқори баҳо берган ҳолда унинг ғоявий-бадий қиммати ҳақида салбий фикр билдирганлиги ўша давр мафкураси билан боғлиқ.

30-йилларда “Манас”нинг биргина Сағимбой варианты билан ишлаган М. Аvezов 40-йилларга келиб уни бошқа вариантлари билан қиёслаш имконига эга бўлди.

У 50-йилларда “Манас”га бағишланган барча конференцияларда иштирок этиб, “Манас”ни турли ғайри илмий фикрлардан ҳимоя қилади. “Манас”нинг халқ бойлиги эканини, уни қайта тиклаш зарурлигини уқтиради.

Шу тариқа М. Аvezов қардош Қирғизистон адабиётшунослик фанига улкан ҳисса қўша олди.

Ч. Валиханов ва М. Аvezов анъаналарини К.Д. Жумалиев муносиб давом эттирди. У оғзаки ижод орқали халқ ҳаёти, тарихи, маданияти ва ш.к. ҳақида билиб олиш мумкинлиги, фольклор, айниқса эпос, асрлар оша кўплаб ижтимоий фармациялардан ўтиб, уларнинг таъсирини ҳис этишини таъкидлайди. Эпоснинг дастлабки варианты халқ парварлик бўлгани, у кейин ўзгартирилиши мумкинлиги, бу халқ эрмаги эмас, давр талаби эканини билдиради. Академик К.Д. Жумалиевнинг назарий хулосалари қирғиз манасшунослари ишларида ўз аксини топади. К.Д. Жумалиев қардош халқлар эпосини қиёсий ўрганиш муоммаларини ҳам ўртага ташлайди, “Манас”ни қозоқ тилига таржима қилишда фаол қатнашади.

Таниқли қозоқ адабиётшуноси Е.С. Исмоилов Ўрта Осиё ва Қозоғистон ХОИ ни ўрганиш бўйича катта ишлар қилиб, муҳим хулосаларга келади.

Е.С. Исмоилов хулосасига кўра, эпос ҳамма вақт ҳам тарихий воқеаликни акс эттиравермайди. Қирғиз “Манас” ё қозоқ баходирлик эпосини асл тарихий воқеалар акси деб қараши тўғри эмас. Улкан тарихий ҳодисалар эпос ва халқ оғзаки ижодининг бошқа шоирлари асосий ғоясига туртки бўлиши, қандайдир сюжет мотивига асос бўлиши мумкин. Муаллиф қозоқ жиршы ва жырау ҳамда қирғиз жомакшу в верчилари ўртасида умумийлик кўплигини,

қозоқ оқинлари Жамбул, Кенен ва кўплаб бошқалар “Манас”ни яхши билгани ва ундан парчалар куйлаганини таъкидлайди.

Шундай қилиб, қозоқ олимлари “Манас”ни ўрганиш билан қирғиз адабиётшунослиги, унинг маънавий маданияти тарихига муносиб ҳисса қўшдилар ва икки қардош халқ дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилдилар.

Қардош халқлар адабиётларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрганиш уларнинг ривожланишини белгилаб берган умумийлик ва хусусийликни аниқлаш, айти пайтда улар ўртасидаги алоқалар кучайишига таъсир қилган омилларни билиб олиш имконини беради.

Қардош туркий халқларни кўп нарсалар бирлаштиради: табиий шароитларнинг бир хиллиги, тиллар қардошлиги, урф-одатлар ўхшашлиги ва ҳаказо. Уларнинг дўстлиги маданиятлар муштараклиги ва адабиётлар тараққиётида ўз ифодасини топади.

Туркий адабиётлар ҳамкорлигида асосий ўринни ўзаро бадиий таржималар эгаллайди, замондош адибларнинг ижодий алоқалари, ижодий тажриба алмашув, адабиёт ва санъат декадалари ҳам бу борада муҳим ўрин тутади. Дарҳақиқат туркий халқларнинг мавзунинг адабий алоқалари талай тадқиқотларнинг марказидан ўрин олган. Мазкур тадқиқотларда адабий адабий алоқалар турли жиҳатдан ўрганилади. Масалан, октябр тўнтаришигача қозоқ, қирғиз халқлари адабий алоқаларида асосий ўрин тутган ходисалар Ч. Валихановнинг қирғиз халқ оғзаки ижодига қизиқиши ва Тоголок Молдонинг Абайдан олган ижодий сабоғидир.

Ч. Валиханов қирғиз ривоятларини ички мазмунига кўра уч гуруҳга бўлади: 1. Қирғизларнинг келиб чиқиши ҳақида. 2. Генсологик, халқ турмуши акс этган. 3. Нўғай афсоналари. Олим қозоқ, ўзбек, қирғиз халқ ривоятларида катта ўхшашликларни қайд этади.

Тоголок Молдо (Баймбет Абдурахманов) қозоқ шеърляти, қозоқ оқинлари билан яхши таниш бўлган. Абайни унинг асарлари ва таржималари орқали билган.

Абайнинг И.А. Криловнинг “Эшак ва булбул” масали таржимасидан руҳланиб Молдо шу номли масал ёзган. Молдо масални янги сюжетлар билан бойитган, янги персонажлар киритган. И. Крилов масали ва Абай таржимасидаги 28 мисрани Молдо 98 тага етказди.

Абай ва Молдо ижодини қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики. Молдо табиат, йил фасллари ҳақидаги (Жойимгиндо, Қиш чилдаси) шеърларини Абай таъсирида ёзган.

Молдонинг 6 ва 8 мисрали (Жокши хатим, Манаптардин залимлиги ва бошқа) шеърлари Абайнинг (Бойы болган, Сегиз оёқ) шундай шеърлари шаклида битилган.

Қозоқ ва қирғиз адабиёти жараёни ва тикланиш жанрларида типологик ўхшашлик ва фарқ уларнинг негизи, халқ оғзаки ижодида-ёқ кўзга ташланади. Қолаверса, халқ оғзаки ижодининг мақол, матал каби жанрларида нафақат мазмун ва ғоя яқинлиги, балки сўзлар адекватлигини кўриш мумкин. Икки халқ эртаклари жанрлар хилма-хил бўлса-да, тематик, сюжет ўхшашлиги, қаҳрамонлар характеристикасида айрим умумий қирралар билан ажралиб туради.

Бу ўхшашлик айниқса эпос, маросим қўшиқлари, айтишув, мақол ва маталларида кузатилади, бу эса икки халқнинг қардошлиги тарихий илдизларнинг муштараклигидан далолатдир.

Бироқ қозоқ ва қирғиз халқ оғзаки ижоди ўз фарқли хусусиятларига ҳам эга бўлиб, булар ижобий қаҳрамон образини чизиш, маълум воқеа-ходисаларга баҳо бериш, табиат манзарасини беришда миллий бўёқларнинг танланиши, воқеликни поэтизациялашнинг тил ва бошқа воситалари танланишида намоён бўлади.

Қирғиз адабиёти ёзма анъаналарига эга бўлмаган. XX асрга келибгина, у кўп жанрли, профессионал адабиётга айланди.

Қиёсланаётган икки адабиётнинг XX асрдаги ривож турлича. Қозоқ адабиётида мавжуд демократик ёзма адабиёт анъаналари негизида поэзия ва

прозанинг янги жанрлари шаклланди (С. Кубаев, С. Торайгиров, М. Сералин ва б. шоирлари: С. Сейфуллин шеърлари).

Илк қирғиз ёзувчилари ижодида фольклор ва оқинлар шеърляти анъаналари кучли эди. Қирғиз адабиётида илк профессионал асар 1924 йилда А. Токомбаев томонидан яратилди.

Қозоқ ва қирғиз адабиёти миллий шакллари бир-бирини инкор этмайди, аксинча икки халқ образли фикрлаш шакллари ўзаро бойитади.

Қозоқ ва қирғиз адабиёти умумий мавзулари тарихнинг ўзи томонидан белгиланган. Улардан бири 1916 йил қўзғолани. У турлича ёритилди, бироқ унинг ёритилиши икки адабиётни яқинлаштиради.

Роман ва повесть - иккала адабиётида XX асрда юзага келган жанрлар.

20 – йилларда қозоқ адабиётида қатар повестида яратилди. “Йўл хотираси” (Б. Майлин), Айша (С. Сейфулин) ва бошқалар. Қирғиз тилидаги илк повесть - “Ажар” (К. Баядинов) ҳам шу кезлари олам юзини кўрди.

Қозоқ адабиётида хотин қизлар образлари галеряси кенгайди. 50-йиллар ўрталарида икки адабиётда икки гигант М. Авезов ва Ч. Айтматов ўз сўзини айтди...

М. Авезовнинг “Ёш авлод” ва Ч. Айтматовнинг “Алвидо, Гулсара” си ўртасида умумийлик кўп. Бироқ ҳар бири ўз миллий заминига эга.

Ч. Айтматовнинг “Жамила”сига “Оқ йўл” (Литературная газета. 1958 г. 23 октябрь) тилаган ҳам М. Авезов.

Ч. Айтматовнинг “Ҳимоясизлар тақдири” (1922) асари К. Баядиновнинг “Ажари” билан ғоявий-тематик умумийликка эга.

М. Авезов Т. Садикбековнинг “Бугуннинг одамлари” ва “Тоғлар орасида” романларига баҳо берар экан, айниқса, иккинчиси ҳақида илиқ сўзлар айтади, уни Шарқ адабиётида йирик воқеа деб атайди.

Ўзаро таржималар XX аср 30-йилларида бошланди. Қозоқ тилига Т. Садикбаевнинг юқоридаги икки романи, Ч. Айтматовнинг деярли барча повест ва романлари, таржима қилинди. С. Сеитов алоҳида тўпламда “Алтын

ишнор” К. Маликов, М. Ҳакимжанова – А. Кокомбаевни “Шеърлар” китоби орқали таништирди.

Қирғиз тилига Абай ва Жамбулнинг барча асрлари, М. Авезовнинг “Абай” ва “Абай йўли”, С. Муқановнинг “Ҳаёт мактаби” (1-2 китоб), “Ботакўз”и, “Қарағанда”си, Мустафиннинг “Қозоғистонлик солдат”и таржима қилинди.

Кўплаб таржималарда мазмун тамойилига амал қилинган. Муаллифнинг индивидуал услуби, миллий колорит, оригиналнинг конкрет-тарихий ва ижтимоий ўзига хослиги, бадиий шакл ўзига хослигини беришга ҳаракат қилинган.

Хулоса. Ч. Валиханов ва Абай қозоқ-қирғиз адабий алоқалари тарихида муҳим ўрин тутди.

Алоқалар материали икки адабиёт ривожига жараёни типологиясини ўрганиш учун асос бўлади.

Иккала адабиёт тикланиши ва ривожланишида айнан бир хил босқичлардан ўтди, уларнинг ҳақорлиги бунда катта роль ўйнади.

Ўзаро таржима масалалари кам ўрганилаган, бошқа қатор муаммоларга ҳам ечимини кутмоқда. Жумладан, миллий тематикани ўзлаштириш ва ишлаш муаммолари, фольклор алоқаларини янада чуқур ўрганиш ва ш.к.

XX асрнинг тарихи Абай даврига бориб тақалса-да, унинг ривожига 30-йиллардан бошланади. Шу даврда украин Т. Шевченко шеърлари, татар адабиёти намояндаси Абдулла Тўқай, тожик классики Абулқосим Лоҳутий шеърлари, шунингдек Шекспир, Гейни, Ремарк сингари дунё адабиётининг асарлари қозоқ китобхонларига таржима қилинди. Маълумки бадиий таржима кўпинча асарнинг асл нусхасини ўқимаган ва ўқий олмайдиган кишилар учун қилинади, лекин энг муҳими шундаки, бир халқ адабиёти асарларнинг бошқа халқ тилига таржима қилиниши асосида халқлар бир-бирлари билан танишадилар, бу эса адабиётларнинг гуллаб-яшнашига ва ғоявий тараққиётига сабаб бўлади.

20-йилларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон ёзувчилари татар, бошқирд, озарбойжон ёзувчиларнинг шеър ва ҳикояларини, драматик асарларини ўқиш, уларнинг энг яхши фазилатларини ўз миллий анъаналарига мос ҳолда ўзлаштириш йўлидан борадилар.

Ҳар бир ёзувчи бошқа талантли ёзувчилардан ўрганади. Ўзидан буюкроқ ёзувчининг ғоявий-эстетик тажрибалари ёш ёзувчиларнинг ижодий кучларини мустақил равишда ўсиш ва камол топишини тезлаштиради. Бу масалани Белинский ҳам кўп марта таъкидлаган эди: “... Буюк шоирнинг бошқа шоирларга бўлган таъсири бу шоир поэзиясининг бошқа шоир поэзиясида акс этишидан иборат эмас, балки шу бошқа шоирларнинг ўз қувватини ишга солишдан иборатдир: офтоб нури ҳам худди шундай – ер юзига тушганда , у ерга ўзидан қувват қўшмайди, балки ернинг ўзида бор қувватини ишга солади”.

Қардош халқлар адабиётининг ижодий таъсири натижасида 30-йилларнинг 2-яримида қозоқ адабиётида наср жадал ривожлана бори. Албатта, қозоқ романнавислиги йўқ жойда ҳосил бўлмади. Ижодий алоқалар М. Аvezов ижодий ва илмий меросида, унинг дунёни кўра билиши, тажрибаси, анъаналари, қозоқ адабиёти тарихи концепциясида катта ўрин тутади.

М. Аvezовнинг бутун ижодий йўли, унинг халқ афсоналари мотивлари асосида ёзган биринчи асари – “Енлик-Кебек” трагедиясидан, то халқлар ўртасидаги дўстликни ёритувчи “Ёш авлод” романигача қозоқ адабиётининг дунё ва қардош халқлар адабиёти билан алоқаларини кенгайтириш йўлида мураккаб ва сермахсул меҳнат билан кечди.

М. Аvezовнинг адабий алоқаларига муносабати унинг ижодий биографияси, шахси, бадиий маҳорати, илмий концепцияларига дахлдор бирмунча муҳим жиҳатларга эга. У қозоқ адабиётининг дунё адабиётлари билан дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун кўп изланди.

Адабиётлар қардошлиги М. Аvezовнинг адабий-бадий ва илмий ижодий фаолиятида кенг ижтимоий резонанс ва таъсирга эга бўлди. Бу ҳақида Чингиз Айтматов шундай деб ёзади: “Менимча, замонавий Ўрта Осиё бадий фикри ва қўшни халқлар бутун маънавий ҳаётига М. Аvezов ўз вақтида А.С. Пушкин рус маданиятига кўрсатгани каби таъсир эта олди. Катта санъаткорнинг китоблари хайратомуз кучга эга. Сен уларни очасан, улар эса – сени”.

Замондош ёзувчилар М. Аvezов ижодини аввало қozoқ халқи ҳаётининг бадий кашфиёти сифатида қабул қилишди. Николай Тихонов “Ажойиб эпопея (гап “Абай” эпопеяси ҳақида боради) бизга бутун бир янги дунёни ҳадя қилди”, - деса, К. Федин фақат М. Аuezов ўзининг қozoқ халқи ҳақидаги билимларни “Абай йўли” билан ёритганини эътироф этади.

Татар ёзувчиси ва олими Хатип Усманов, кўплаб миллий романлар яратилиши – “бу буюк қozoқнинг кучли таъсири натижаси” эканини таъкидлайди.

Ғарбнинг етук алломалари Анна Зегерс ва Альфريد Курелла, Шарқнинг йирик шоирлари Нозим Ҳикматова ва Файз Аҳмад Файз қozoқ классикидан лол қолганини яширмаганлар.

М. Аvezов, айниқса Ўрта Осиё ва Қozoғистонда адабий кучларни тўпловчи бўлиб, барча миллий адабиётлар равнақи ҳақида қайғуларди, улар учун умумий муаммоларни илгари суради.

Байналминаллик М. Аvezовнинг ғоявий позицияси бўлиб, у нафақат қozoқ, балки барча қардош халқлар маънавий ҳаёти ифодачисига айланади. М. Аvezов жаҳон адабиёти тарихини чуқур ўрганган ва қozoқ адабиётига оид тадқиқотларида унинг дунё адабий жараёнидаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ қилган.

М. Аvezов тадқиқотлари доирасига қадимги грек, Қадимги Рим, форс, араб адабиётлари қатори қардош халқлар: ўзбек, тожик, қароқалпоқ, туркман, қирғиз адабиётларини ҳам киритади.

М. Авезовнинг илмий-адабий асарларида Низомий, Навоий, Маҳтумкули катори кўплаб қардош халқлар адабиёти намоендалари исмларини учратиш мумкин.

Қозоқ адабиётининг Шарқ ва Ғарб адабиётлари билан ўтмиш ва ҳозирги алоқаларини ўрганишга интилиш, уни дунё адабиёти билан қиёслаш М. Авезовнинг шарқшунос олим сифатидаги хизмати эди.

Қардош адабиётлар ўзаро таъсирининг икки томонини фарқлайди. Ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман адабиётида муаммо ва қаҳромонларига кўра ўхшаш романларни қиёслаб, улар ўзаро таъсирсиз ёзилгани, бироқ илқи ғоявий алоқаси фавқуллодда бой эканини айтади.

М. Авезов қардош халқлар адабиёти ғоявий асослари бирлигини таъкидлар экан, адабиётлар ўзаро ҳамкорлиги ортиши билан миллий ўзига хослик йўқолмасилиги, аксинча, бойиб боришини айтади.

Ойбекнинг М. Авезов ижодига таъсири каби, М. Авезовнинг Ч. Айтматов ижодига таъсири хрестоматик мисолга айланиб улгуради. Маълумки, айнан М. Авезов унинг “Жамила” повестида психологик таҳлил маҳоратини кўра билди. Ч. Айтматов “Абай” билан танишгач, қўлига қалам олиш мстаги пайдо бўлган. Ч. Айтматов ёзишича М. Авезов мероси – “ўтмишнинг шундай эстетик оламики, усиз абадиятга етиб бўлмайди, инсоннинг чексиз табиийлигини англаб бўлмайди ... ” (Два мастера. “Литературная газета”. 1968 г. 4 сентябр).

Ч. Айтматов тақдири М. Авезовнинг Ўрта Осиё адабиётига таъсиридан далолат. Унинг тикланиши эса туркий тилдаги романчилик ривожини билан маълум маънода боғлиқ. М. Авезов Абдулла Қодирий ва Галимжон Ибрагимов насрий асарларининг ижодий аҳамияти ҳақида сўзлайди.

Озарбойжон ёзувчиси Меҳти Гусейининг гувоҳлик беришича, М. Авезов Г. Ибрагимов, С. Рагимов романлари ва Самад Вурғун шеърятини яхши кўрган. У М. Турсунзода, Ойбек, Кирей Мерген, А. Токонбаев, Т. Сидикбековлар билан таниш бўлган.

Ўзбек адабиётида ҳам қозоқ мавзуси XX асрнинг 30-йиллардаёқ пайдо бўлди. Шу даврда қозоқ мавзусига фақат алоҳида шоирлар мурожаат қилган бўлса, кейинги йилларда у етакчи адиблар ижодида дойими мавзуга айланди. Ғ. Ғулом, Ойбек, Уйғун, Миртемир, Шайхзода, Зулфия, Ҳ. Ғулом, Мирмуҳсим, А. Мухтор, Н. Фозилов ва бошқалар қоз_қ мавзусида юксак бадиий асарляе0р рьяя0ата олди.

Ғ. Ғуломнинг “Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларимнинг шеъри қозқо шоирлари шеърлари билан ҳамоҳанг: А. Токмагамбетов “Уч минг соқур отим”, С. Муқановнинг “Турксиб бирлашганда”, Г. Думановнинг “Халқа”, А. Табаевнинг “Ойнабулоқ” шеърлари фикримизни тасдиқлайди.

Қозоқ-ўзбек адабиёти алоқалари ривожига адиблар ўртасидаги шахсий алоқалар катта аҳамият касб этади. С. Сейфуллин, С. Аvezов, И. Жансугуров, С. Муқановлар билан А. Қодирий, Ғ. Ғулом, Ойбек ўртасида ўзаро ижодий муносабатлар ўрнатилди. Бу дўстликка С. Сейфуллин ва ҳамза асос солган эди. Кўплаб қозоқ шоирлари Ғ. Ғуломни устоз деб билса, С. Муқанов уни энг яқин дўсти санайди.

Ғ. Ғулом қозоқ дўстларига мактубида ёзади: “Қозоқ адабиёти ва унинг ажойиб арбоблари чексиз ҳайратланиш мумкин”.

Миртемирнинг “Менинг Қозоғистоним” шеъри, Султон Акбарийнинг Ғабит Мусреповга битган мисралари, Зулфиянинг “Юрак ҳамиша йўлда” шеърлар тўплами қозоқ халқига хурмат рамзидир. Қозоқ тўпроғи ҳақидаги хотираларни Зулфия “Кокчатоғ”, “Булутлар ўйини”, “Қармоқ” ва бошқа шеърларида акс эттиради.

Ойбек ёзади: ... Тошкентлик бой олиб кетган гўзал қозоқ қизи ва ўз суюқлисини халқ кўмагида озод қилган халқ оқини ҳақидаги ҳикоя менинг “Бахтигул ва Соғиндик” достонимни ёзишга илҳомлантирди.¹

Ойбек Қозоғистонда кўп бўлган. Унинг “Болалик” повести икки адабий ўртасида ижодий алоқалар ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

¹ Ўзбекистон маданияти. 1965. Январь.

Адиб, айниқса, қозоқ овули ҳаёти ва турмуш тарзини моҳирона тасвирлашга эришган.

Н. Ғозилов Туркистонда туғилган. Унинг “Оҳим” асари ўзбек ва қозоқ халқларининг кўп асрлик дўстлигига бағишланади. Асарда кўплаб қозоқ мақол-маталлари келтирилади: манов кирнинг остинда, минг кишининг тусини булгунча, бир кишининг исмини бил.

Муаммо юзасидан олиб борилган изланишлар натижасида шундай ҳулосага келиш мумкинки, халқлар ўртасида дўстлик ва биродарлик алоқаларини ўрнатиш, муттасил сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнимустаҳкамлаш учун кураш олиб бориш жамият тараққиётининг барча босқичларида илғор фикрли зиёлилар учун олий мақсад бўлиб келган. Жамият тарихида узлуксиз давом этиб келган интилишлар, курашлар, ўзгаришлар натижасида эски, тор, миллий қобикқа ўралиб қолган ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари ўрнини эгаллаш бошланган. Бу ҳодиса ўз-ўзидан инсонларнинг маънавий қиёфасига таъсир этади, бирон-бир халқ ўртасида пайдо бўлган энг яхши, энг илғор маънавий фазилатни тор доирадан чиқариб, умуминсоний анъанага айлантиради. Зотан, инсониятнинг софдил, илғор қисми доима ана шу умуминсоний фазилатларни кенг миқёсида ривожлантиришга, бинобарин жамиятда дўстлик, биродарлик алоқаларини мустаҳкамлашга интилиб келган.

Умуман адабиётлар ўз тараққиёти тарихида ўзаро бир-бири билан хилма-хил шакларда алоқада бўлганлар. Шунинг учун ҳам адабиётлар тарихини маълум маънода халқларнинг ўзаро алоқалари тарихидан иборат дейиш ҳам мумкин.

У турли даврда давом этиб, доимо бир-бирини бойитган, бир-бирининг тараққиётига таъсир кўрсатиб келган.

II.3. Ўзбек-туркман адабий алоқалари

“Девони луғати турк”, “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, “Қудатғу билиг”, “Қиссаи Рабғузӣй” каби ёзма ёдгорликлар, шунингдек, умумий сюжети ҳар бир халқда ўз миллий ифодасини топган “Тоҳир ва Зухра”, “Гўруғли”,

“Шоҳсанам ва Ғариб”, “Юсуф ва Зулайхо” каби халқ оғзаки ижоди намуналари туркий халқлар тарихий тақдирининг уйғунлиги ва ўзаро алоқларининг яқинлигидан далолат беради. Тарихий тақдири ва маънавий маданиятининг бирлиги қардош халқлар адабиёти дўстлигига хизмат қилади. М.К. Нурмуҳанмедов таъкидлаганидек, “номақбул тарихий шароитларга қарамасдан, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг етук даҳолари бири-бирига ўзаро таъсир ўтказган. Бу борада буюк олим, шоир ва мутафаккир Навоийнинг ўрни бениҳоя катта”.¹

Навоий асарлари туркман мусиқаси ва хонандалари томонидан халқ орасида кенг тарқалган, тингловчиларга катта ҳиссий таъсир кўрсатган. Буюк шоирнинг ғазаллари туркман бахшилари ижодида муҳим ўрин тутган. Шу туфайли Навоий образи ҳам туркман фольклорида кўп бор тилга олинади. Жумладан, “Мирали ва Султон Ҳусайн” ривоятида Мирали, яъни Навоийнинг инсонийлиги улуғланган.

Туркман халқи Навоийни ўз шоири сифатида қадрлаган. Унинг асарлари туркман мактабларида XIX асрлардаёқ кенг ўрганила бошланган. Туркман адабиётининг оқсоқоли Берди Кербобаев ёзади: “Туркман мактабларида асосий ўқув қўлланмаларидан бири Навоий лирикаси эди. Унинг “Ҳамса”сини ҳафталаб ўқир эдик. Шоир ғазаллари куй ва қўшиқларда янграган. Халқ бахшилари ўз ижроларини одатда Навоий ғазалларига басталанган қўшиқлар билан бошларди”.²

Туркман классик шоирлари Озодий, Маҳтумқули, Андалиб, Муллонафаслар маҳорати такомиллашувида Навоийнинг роли бениҳоя катта. XVIII – XIX асрда ижод қилган бу шоирлар Навоийни устозлари деб билган. Навоий ғазалларига муҳаммаслар битишган.

Навоийнинг илғор ғояларини давом эттирган Даулетмалид Озодий (XVIII) нинг “Озодий ўғитлари” асари яратилишида Саъдий, Шерозий, айниқса, Навоийнинг “Ҳайратул аброр” каби асарлари тurtки бўлган.

¹ Нурмуҳанмедов М. Нилвотворние истоки. (о роли братских литер-е в развитии каракалпакской лит-ри.). Звезда Восток. 1968. № 8. стр. 10

² Кербобаев Б. Мирали. Ашгабат. 1948. 36.

Озодий Навоийнинг илм ва тафаккур, адолат, тарбия, давлат амалдорлари ҳақидаги ғояларини ривожлантиради. Бу дostonларни ғоявий – мавзу умумийлигидан ташқари, ижтимоий муаммолар ечими тамойиллари ҳам яқинлаштиради. Бу тарихий-иқтисодий шароитлар, қолаверса, Озодийнинг Навоий поэтик дунёсини яхши билиши билан изоҳланади.

Шарқ классик шеъряти анъаналарини ўзлаштирган Озодийнинг ўғли Маҳтумқули ўз ижодида Навоийнинг инсонийлиги ва донолигини юксак нафас билан куйлайди. Маҳтумқули дунёқараши Навоий ижоди таъсирида шаклланди. Навоийнинг зулмга мурасасизлиги, адолатпарварлиги унинг учун ўрнатилган бўлгани туфайли айрим афоризмлари перефразаларини Маҳтумқули ижодида кўриш мумкин:

Навоийда: Инсон борки, инсонларнинг нақшидир.

Инсон борки, ҳайвон ундан яхшидир.

Маҳтумқулида: Инсон борки минг туман берсанг оз.

Инсон борки, еганига арзимас.

Маҳтумқули Навоий ғазалларидан илҳомланиб, ўхшаш мавзуларда дидактик характерда кўплаб асарлар яратади.

Ўзбек ва туркман адабиётида ғазаллари ва дostonлари билан машҳур Маҳтумқулининг замондоши Нурмуҳанмад Андалиб ижодига мансуб “Шоҳсанам в Ғариб”, “Тоҳир ва Зухра”, “Саятхон ва Ҳамро” дostonлари Хоразмда ўзбек ва туркман тилларида баравар куйланган. Андалиб ижоди ҳар икки халқ вакиллари учун тушунарли эди. Унинг ижодида зулм ва илоҳийликка нафрат, билим ва ҳунарга муҳаббат, олим ва шоирларга ҳурмат, бахтсиз ошиқларга ҳамдардлик ўз ифодасини топган.

Шоирнинг Навоийнинг кўплаб ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Жумладан, “Ул сарви гулрў келмади”, “Ўн саккиз ёшимдадир” каби ғазалларга боғланган мухаммаслари алоҳида эътиборга молик.

Навоий шеърятининг таъсири Андалиб ижодининг умумий ғоявий – мавзу йўналишида ҳам сезилади. Андалиб “Лайли ва Маҷнун” дostonида салафлари таҷрибасига таянади, бироқ янги давр – XVIII аср намунаси.

Унда шоир анъанавий сюжетни ўз даври илғор ғоялари нуқтаи назаридан ҳал этади.

Навоийда “Лайли ва Мажнун” – эпик асар бўлиб, маснавийда битилган, Андалибда эса наср ва назмда битилган, мухаммас, рубоий, маснавий каби жанрлардан фойдаланилган, халқ оғзаки ижодини анъаналари қўлланилган.

Андаилбнинг ғазал ва дostonлари, ўз навбатида, ўзбек шеърят ихлосмандлари орасида кенг тарқалди, ўзбек шоирларига таъсир этди. Фурқат ўзининг “Сайдинг қўябер сайёд” мусаддасини Андаилбнинг “Лайли ва Мажнуни” даги мухаммасидан илҳомланиб ёзган. Фурқатнинг бу мусаддаси Андашб мухаммаси билан ўзига хос айтишув эди.

Андаилб мухаммасидаги “Ол домини бўйнидан садпора экан менден” мисрасини Фурқат ўзгаришсиз келтиради. Бироқ ҳар икки шоир асари шакли, композицияси, сюжет ва психологик деталлари, сайёд ва ўлжа образлари талқинига кўра фарқ қилади. Фурқат Андашбнинг мухаммасидаги образлар сайёд ва сайдни сақлаб қолса-да, бу образларни кўзгудагидек акс эттирмаган. Фурқат шарқ шеърятидаги анъанавий образларни бошқача талқин қилади. Фурқат шеърида сайёд ва сайд реал қирраларга эга. Фурқат киноларидаги сайд – Саъдулла, сайёд эса уни ҳалок этган зулмкорлардир. Саъдулла реал тарихий шахс, Фурқатнинг дўсти. Улар мадрасада бирга ўқиган. Саъдулла – истеъдодли хонанда, Фурқат сатираларини ўқиб чиқишлар қилган. Бундан ғазабланган гумроҳлар унинг оёқ-қўлини боғлаб, дарёга ташлаганлар. Фурқат мусаддаси дўстининг ўлими муносабати билан ёзилган.

Демак, Фурқат шеърида бу реал воқеа, Саъдулланинг фожеали қисмати ҳақида боради. Андалиб образ “сайд” дан Мажнуннинг руҳий ҳолатини бериш учун фойдаланса, Фурқатда аллегорик образ инсонинг моҳиятидаги аҳволини ифода этади. Андалиб севгидан борини йўқотган Мажнуннинг азоб-уқубатини ифодаласа, Фурқат мусаддасида чуқур ижтимоий мазмун яширин.

Туркман шоири Муллонафас (XIX аср) лирикаси ҳам Низомий, Ғузулий ва Навоий шеървати таъсирида камол топган. Муллонафас Навоий анъаналарини туркман шеърватида давом эттирган шоирлардан бири бўлиб, Навоий ҳақида муҳаббат билан сўз юритади, унинг ғазалларига мухаммаслар боғлайди. “Тоҳир ва Зухра” достонида буюк Навоий асарларидан илҳом олади, унинг бадиий тасвир усулларини қўллайди ва ижодий ривожлантиради. Муллонафаснинг қатор ғазал ва мухаммаслари Навоий ғазалларига ўхшаш шаклда битилган. Бу таъсир айниқса бағишлов ва Навоий ғазалларига мухаммасларида аниқ кўзга ташланади. Масалан, Муллонафаснинг “гулим” радифли ғазали буюк ўзбек шоири ғазалига шаклан ўхшаш. Бироқ унга шоир кўплаб янгилик, ўзига хосликлар қирита олган. Муллонафас талқинида, гулим – Зухра, булбул эса – Тоҳир.

Навоий гул ва булбул образлари ёрдамида лирик қаҳрамоннинг ички ҳолатини ёритиб беради. Муллонафас шеърида бу образлар сақланиб, боғбон образи билан тўлдирилган. Ғазал сюжети, шакли дoston мазмунига моҳирона бўсиндирилган.

Муллонафаснинг “Тоҳир ва Зухра” достони ғоявий – мавзу жиҳатидан ўзбек классик шоири Сайёдийнинг (XVIII аср) шу номли достонига яқин. Умумийлик нафақат дostonлар сюжетида, балки шоирларнинг Тоҳир ва Зухра ҳақидаги машҳур шарқ афсоналаридан фойдаланганида ҳам кўринади. Бироқ уларнинг ҳар бири анъанавий мавзунини янгилаш ҳал қилади. Натижада, оригинал ва ўзига хос асарлар пайдо бўлади. Дostonларни қиёсий ўрганиш уларнинг ҳар бири муаллиф шахсининг кучли таъсирини акс эттирганини кўрсатади. Эски сюжетга асосланган ҳар бир дoston ўзгача ижтимоий – тарихий давр ва миллий муҳитни асқ эттиради. Муллонафаснинг “Тоҳир ва Зухра” си XIX аср адабий анъаналари руҳида яратилган. Шоир тасвирланаётган воқеаларни онгли равишда ўз даврига яқинлаштиради. Бош қаҳрамонлар тимсолида ўзини ва турмуш ўртоғини Бўстонтоғни тасвирлайди. Бобоҳон, Қоработир, Ҳасан-боғбон каби

образлар ҳам XIX асрнинг биринчи ярми туркман аслзодалари орасида ўз прототипларига эга.

Маҳтумқули, Андалиб, Муллонафас, Золилий, Калемна, Бобораҳим Машраб ижодини юксак қадрлаган. Машраб ғазалларидан руҳланган туркман шоирлари улар намунасида ўз лирик асарларини яратган, Машрабнинг поэтик усулларини ижодий ўзлаштирган, илғор ғояларини ривожлантирган.

Ўзбек шеърят ихлосмандлари Маҳтумқули ижодига катта қизиқиш билан қарайди. Унинг асарлари мавзуси ғавқулода хилма-хил: маънавийлик, дўстлик, севги, садоқат, кадр-қиммат, олижаноблик.

Ўзбекистонда XIX асрнинг охири XX аср бошларидаёқ Маҳтумқули шеърлари тўпланиб, девонлари тузилган. Унинг ғазал ва кўшиқлари шоир тириклик чоғидаёқ ўзбек халқи орасида машҳур бўлган. Шоир ғазаллари Хива ва Тошкент албографияларида бир неча бор нашр қилинган, “Туркистон вилояти газетаси” да эълон қилинган. Маҳтумқулининг бир неча тўплами Хоразмлик ҳаттотлар томонидан кўчирилган. ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида “Девони Маҳтумқули”, “Ғазалиёти Маҳтумқули”, “Маснавиёти Маҳтумқули”, “Ашъори Маҳтумқули” тўплamlари сақланмоқда.

Маҳтумқули Хивада Шерғозихон мадрасасида таҳсил олиб, ўзбек, тожик тилларини ўрганган, шу халқлар шоирлари ижоди билан танишган. Маҳтумқули Хива, Бухора, Самарқанд, Андижон, Қўқонда, Наманганда бўлган. Турди ва Увайсий каби машҳур шоирлар билан учрашган.

Навоий, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар туркман халқлари орасида машҳур бўлгани каби Маҳтумқули, Муллонафас, Калемна асарлари ўзбек китобхонларига яхши таниш ва қадрли.

Анча қадимдан шаклланиб улгурган адабий алоқалар XX асрда ҳам кенг ривож топиб, икки халқнинг маданий алоқалари мустаҳкамлигига хизмат қилади. Машҳур бахшилар Фозил шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислom шоир Маҳтумқулини ўз устози деб билган.

Ислом шоир ёшлигидан Махтумқули асарларини ижро этиб, улар таъсирида термалар битган. Туркменистонда бўлган маҳаллий шоирлар, айниқса Отаниёз билан дўстлашган. У билан Иоржўга борган. “Мен Отаниёз ижросидаги қўшиқларни тинглашни севардим, эслайди Ислом шоир” – бир ой давомида у билан саёҳат қилиб, туркманларнинг турмуши, одатларини ўргандим, улар орасида халқ дostonларини ижро этдим. Иоржў ва унинг атрофларида бир йилдан ортиқ вақт бўлдим. Отаниёздан Махтумқулининг бир неча қўшиғини ёзиб, ўрганиб олдим”. Ислом шоирнинг Отаниёз билан дўстлиги, Махтумқули асарларини билиши қардош халқлар шоирларининг адабий алоқаларига ёрқин далилдир. Кўплаб бахшилар Махтумқули асарларини ижро этган, ҳозир ҳам ижро этади. Махтумқулининг ажойиб асарлари ўзбек шоирлари учун * маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Миртемир ёзади: М. Шайхзода Махтумқулининг ватанпарварлик, садоқат, инсон ақли-заковати ҳақидаги шеърларидан ҳайратланади.

Ашқубатда Махтумқули таваллудининг 225 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда А. Мухтор шундай деган эди: “Сиз қатори биз ҳам ўзимизни Махтумқулининг ворислари дейишга ҳақлимиз. У Бухорода ўқигани ва кўп нарсани Навоийдан ўргангани учун эмас. У ўзбек халқининг ҳам ҳомийси бўлгани учун, биз шундай ўйлаймиз. Ўзбек биродорларингиз Махтумқули шеърларини қўшиқ қилиб айтади, бу қўшиқлар оғиздан оғизга кўчади, адир ва яйловларимиз узра таралади... Махтумқулининг номи қалбларимизда мангу яшаб қолади”.

Ўзбек ва туркман адабиётлари ўзаро ҳамкорлик тарихи, бу ижодий алоқалар кенгайиб, анъаналари бойиб боришидан далолат беради. Ҳар икки давлат истиқлолга эришганидан кейин бу алоқалар ўзгача тус олиб, ўзгача кўтаринкилик билан ривожланиб бориши шубҳасиз.

III боб. Қардош халқлар адабиётини педагогик технологиялар асосида ўқитиш

III.1. Ўқитиш жараёнида мультимедик технологияларни қўллаш

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” билан боғлиқ давлат сиёсатининг асосий мақсади узлуксиз таълим асосида фуқароларнинг шахсий, психофизиологик, интеллектуал ривожланиши даражасини оширишни таъминлашга қаратилган.

Фуқароларнинг узлуксиз билим олишини таъминлаш таълим тизимини ахборотлашри'е8я0иш билан я3звий боғлиқ. Таълим соҳасини ахборотлаштириш ва компьютерлаштиришнинг ҳар хил аспекти А.П. Ершов , В.В. Моханов, И.В. Роберт, В.С. Гершунский, А. Абдукодиров, ўқитиш жараёнида компьютер технологияларини қўллашнинг назарияси ва методологияси В.А. Кейман, Ю.С. Брановский, Н.В. Василенко, У. Бегимкулов асарларида атрофлича ўрганилган.

Ўқитишда ахборот технологиясининг янги йўналишларидан бири – интеллектуал ўқитиш системаларини қўлаш, ахборот ва компьютерлик малака маданиятини шакллантиришнинг асосий масалалари С.Ю. Карпова, Ш.Х. Курманалина В.Н. Каптелинин, О.М. Жусупалиев, С.Н. Лактионова изланишларида ўз аксини топган.

Айни пайтда дидактик ўқитиш системасини шакллантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири – мультимедик технологияларни ўқитиш жараёнида қўллашнинг назарий ва амалий дидактик масалалари Ю.Н. Егорова, Н.В. Клемешованинг, ўрта таълим мактабларида информатика, математикани ўқитишда мультимедияни қўлаш методи С.С. Кравцов ва Т.Г. Пискуноваларнинг тадқиқотларида чуқур ифодаланган.

Узлуксиз таълим тизими истиқболли йўналишларидан бири бўлган мультимедик технологияларни қўлаш бугунги куннинг асосий талаби ҳисобланаса-да, ҳозирги таълим тизимида ундан фойдаланиш қуйидаги сабабларга кўра талаб даражасида эмас.

1.Мультимедик технологияни педагогик жараёнда унумли қўллай оладиган ўқитувчилар етарли эмас. 2.Ўқув юртларининг моддий-техник базасини янги технологиялар жиҳозлаб туриши кераклиги ҳар доим ҳам

ҳисобга олинмайди. 3. Ўқув-методик ишлар ҳамisha ҳам юксак талаблар асосида олиб борилмайди.

Ҳозирги умумбашарий тараққиёт жараёнида ахборотлар оқимидан инсон учун керакли ахборотни саралаб, аниқ қўллай билиш бугунги таълим тизими олдидаги долзарб масалалардандир. Бу, айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг онгини ҳал хил ахборотлар билан заҳарлаб, ўй-фикрларини бўшлиқ ҳолда қолдирмасликнинг асосий шартларидан бири. Шунинг учун ёшларга сифатли билим, онгли тарбия берадиган ўқитувчиларни тайёрлаш, ўқитишда янги инновацион методларни қўллаш, ўқитишнинг янги технологияларини излаш; ўқувчини ахборотни таҳлил қилиш ва мультимедик технологияларни қўллашга ўргатиш ҳар бир ўқитувчининг диққат марказида бўлиши лозим.

Мультимедик технологияларнинг ривожиде видеотехника ва алоҳида компьютернинг тараққиёти натижасида амалга оширилмоқда.

“Мультимедиа” термини лотин тилининг “mubty” (кўп) “media” (ўрта) сўзларининг бирикмасидан ташкил топган, бўлиб “ахборотли ўқув” деган маънони англатади. Шунингдек, “ахборотли ўқув” тушунчасини аниқ бир доирада ахборот технологияларини қўллаш орқали ахборотни махсус узатиш ва тузатишга йўналтирилган жараён деб қабул қилиш ҳам мумкин.

Тадқиқотчи олимлар мультимедиа тушунчасига турлича таъриф берадилар. Масалан, бизнингча мультимедиа – ҳар хил типдаги ахборотни компьютер орқали узатишга мўлжалланган ва инсоннинг мультисенсорлик табиатига асосланган технология.

Мультимедиа – икки ва ундан ҳам кўп типдаги ахборотларни интерфаол тарзда бириктириш. (D. Little).

Мультимедиа – ҳар хил шаклда узатилган ахборотларни бириктиришга қаратилган компьютернинг аппарат ва дастурли воситалари тўплами. (D.H. Joonaassen).

И. Вернернинг фикрича, мультимедиа – “графика, гиперматн, товуш, анимация, видеоматълумотларни” қўллашга шароит яратадиган ахборот ва дастурли воситалар тўплами.

Бизнингча мультимедиа – компьютер графикаси, расмлар, ҳаракатдаги видеоахборотлар, анимация, матнлар, юқори сифатли товушлар билан иш олиб боришни таъминлайдиган интерфаол системадир.

Мультимедик технологиялар – ҳар хил типдаги маълумотларни тайёрлаш, тўғрилаш, умумлаштириш, узатиш ҳаракатларини ахборот ва дастурли жиҳозлардан фойдаланиш орқали амалга оширадиган воситалар, метод ва услублар тўпламидир.

Мультимедик дастурларнинг асосий функцияларидан бири – бошқаришни таъминлашга қаратилиши билан характерланади.

Мультимедик ҳосилалар – мультимедик воситалар ва махсус дастурли жиҳозлар ёрдамида тайёрланган ахборот.

Кўпчилик тадқиқотчилар “мультимедиа” ва “гипермедиа” тушунчаларини бир маънодаги сўзлар деб тушунади. Масалан, I. Brown “гипермедиа” мультимедианинг чизиқли бўлмаган ҳолда узатилган тўплами” деган фикр билдиради. Бизнинг фикримизча, мультимедиа – ҳар хил типдаги ахборотни умумлаштириб узатиш технологияси, гипермедиа – ҳар хил типдаги ахборотлардан бирининг иккинчиси билан алмашишини амалга оширувчи технология. Мультимедик ахборот турларини (матн, графика, анимация, товуш, видеоахборот ва ҳоказо) ўзаро боғлаш натижасида гипермедиа технологияси юзага келади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, дастурли ўқитиш методи билан берилган материалнинг 25, кўриш орқали 33, кўриш-эшитиш орқали 50, мультимедик интерфаол ўқитиш дастурлари ёрдамида берилган материалнинг 75 фоизи эсда сақланиб қолар экан.

Мультимедик технологиялар ва дастурли методларни ўқитишда қўллаш орасидаги тафовутни М. Кирмайэрнинг қуйидаги диаграммасидан кўриш мумкин.

Ўқитиш жараёнида қўлландиган мультимедиа технологиялари

№	Ўқитиш жараёнида	Мультимедик технологияларнинг ўқитиш	Мультимедик технологияларни қўллашдаги
---	------------------	--------------------------------------	--

	учрайдиган муаммолар	самарадорлигини орттириш имкониятлари	ютуқлар
1	Объектив мураккаб материалларни ўқитиш	Ўқув материални қисмларга бўлиб тадбиқ этиш	Ўқувчиларнинг ўқув материалга қизиқувчанлиги ортади
2	Тушунчанинг абстрактлиги, умумлаштириш, қиёслаш зарурлиги	Аниқ тушунчани шакллантириш, қиёслаш, умумлаштириш даврида иллюстрациялаш	Яккадан умумийликка бориши
3	Эксперимент ўтказишнинг мураккаб-лиги	Аудиторияларда ўтказиб бўлмайдиган тажрибаларни намойиш қилиш	Лаборатория хоналаридаги кўргазмали куролларнинг етишмовчилиги масаласи ечимини топиш
4	Тез ёки секин ўтадиган жараёнларда ўқитиш	Проекцион курулмалар ёрдамида табиатдаги жараёнларни кузатиш	Ғаройиботлар ва жараёнларни ўқитишда вақтдан унумли фойдаланиш
5	Объектнинг кўринмайдиган қисмидаги микро-жараёнларни кузатиш, тушунтириш	Коммуникацион курилмалар, Web-камералардан фойдаланиш	Кузатиш майдонининг чегарасини кенгайтириш
6	Асосий қонуниятларни техникада қўллашнинг кўпқирралиги	Табиатдаги қонуниятларнинг техникада қўлланилиши билан танишиш	Қонуниятларнинг сифатини, фаннинг техника ютуқларини видеоматериаллар билан тушунтириш

Мультимедианинг ажралмас қисми ҳисобланадиган лазерли дискларда ёзилган электрон энциклопедиялар, дарсликлар ва луғатлар ўқитиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Масалан, электрон луғатлар ҳар бир сўзнинг таржимасинигина эмас, шу билан бирга, унинг талаффузи намунасини ҳам ўз ичига олади.

Ўқитиш жараёнида жаҳоннинг атлас картаси, шаҳарлар картаси каби ҳар хил электрон картографияли системалар, онгни ривожлантиришга йўналтирилган ўйин шаклидаги дастурлар, зарур кўникмани шакллантиришга, малака оширишга асосланган тренажёр-дастурлар қўлланилмоқда.

Мультимедиа Интернет-технологиянинг ҳам ривожига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Интернетда видеоконференциялар ташкил қилишда товушли ва видео хабарнинг сифатини пасайтирмай узатиш, инсоннинг афтангорини компьютер мониторидан кўриб ўтириш мультимедианинг ютиғидир. Мультимедик технологиялар ёрдамида бугунги кунда ҳар бир киши ўзи ҳақида маълумотларни, фоторасмларни, ҳатто ўз овозини Интернет тармоғига улаш имкониятига эга.

Ўқитиш жараёнида мультимедиадан фойдаланиш билим беришнинг ҳар хил аспектларини ривожлантириши мумкин. Ахборотни қайта таёрлашнинг конгнетив, мотивация коммуникацион ва ўзлаштириш аспекти шулар жумласидандир.

Мультимедиа технологияларни бир ўқитиш тизими мазмуни ва методларига асосланган шароитда қўллаш фойдали. Мультимедик технологиялар ва ўқитиш методларнинг ўзаро боғлиқлиги бир хил бўлмайди. Яъни, бир мультимедик восита бир нечта ўқитиш методларини, аксинча, бир ўқитиш методида бир нечта мультимедик технологиялар тўпламини қўллаш мумкин.

III.2. Қардош халқлар адабиётини ўқитиш тамойиллари

Таълим ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва туркман тилларида олиб бориладиган ўрта мактабларда қардош халқлар адабиётининг юксак бадиий намуналари мисолида ўқувчиларни адабий-эстетик ва байналминал руҳда тарбиялаш адабиёт ўқитувчисининг қардош халқлар адабиётини ўзга миллат адабиёти сифатида изчил курс тарзида ўрганиш йўлга қўйилган бўлса-да, ўқув дастурларининг муайян қисмини ташкил этади.

Миллий мактабларда қардош халқлар адабиётини ўқитиш ва ўрганишнинг ўзига хос алоҳида методик тизимини эгаллашини тақоза этади.

Адабиёт ўқитиш бўйича турли тилдаги қўлланмалар, тадқиқотлар мавжуд бўлса да, қардош халқлар адабиётини ўқитишнинг илмий асосларига бағишланган махсус илмий ишлар яратилмаган.

Адабиёт дарсларида ўзга тилдаги бадиий матнларни ўрганишга доир асосий йўналишларнинг икки конструктив таснифи мавжуд. Биринчиси, акад. В.В. Голубков томонидан ишланиб, унда “адабий ўқиш”нинг қуйидагича уч асосий йўналиши кўрсатилади: 1) таълим-тарбиявий; 2) бадиий-эстетик; 3) мантикий-услубий.

Таснифнинг бошқа схемасини А.Н. Васильева рус бадиий матнини хорижий аудиторияда ўрганишнинг турли конструкцияларига нисбатан таклиф қилган. Муаллиф тил ўргатиш жараёнида бадиий асарга муносабатнинг қуйидагича тўрт асосий типини фарқлайди: 1) амалий-нутқий (ёки лисоний), асл эстетик ёндашувдан ҳоли муносабат; 2) экстралингвистик – асл эстетик ёндашувдан ҳоли муносабат; 3) экстралингвистик ва шу доирада эстетик (“адабиётшунослик”) муносабати; 4) лингво эстетик – стилистик муносабат.

Бу тасниф қизиқарли ва кўп жиҳатдан истиқболли кўринади. Дарҳақиқат, бадиий матнларни ўрганиш мақсади уларни ўрганишнинг йўналишини кўп жиҳатидан белгилаб беради. Бироқ методик тизим мақсадлар ва уларни амалга ошириш воситаларининг маълум бирлигини англатади. Кўринадики, А.Н. Васильева таснифида, масалан, бадиий матн устида ишлашнинг тарбиявий жиҳати акс этмаган.

Адабиёт ўқитувчи ўзга миллат адабиёт намуналарини фақат таржимада ўқиб ўрганиш билан чекланмасдан, аслиятда ўқишга қизиқиш уйғотишни ўзининг муҳим вазифаларидан деб билмоғи лозим. Ўқувчилар учун янги адабиётни аслиятда ўқиш имкони иккинчи тилни ўзлаштиришда алоҳида жозибадор ва биринчи даражали таълим-тарбиявий аҳамиятга эга. Бадиий матнларнинг ўқув таржимаси мавжуд профессионал таржима билан қиёсланиши, коррекцияланиши қардош халқлар адабиётини ўқитишда ўқувчилар фаоллигини оширади.

Бадиий матн устидаги ишларнинг муҳим босқичи – аслият тилида ёд олишдан бошланади. Унинг натижаси баён ва иншолар ёздириш билан яқунланади.

В.Г. Белинский ўзининг илмий фаолияти давомида бошқа тилдаги адабиётни ўқиб ўзлаштиришда адабий-эстетик ва тарбиявий ёндашув асосларини яратди. Унинг концепциясига кўра, янги адабиётга ошно бўлиш матндаги бадиий ғоялар билан таништириб, таълим олувчи ўқувчилар шахсини шакллантиришга кўмаклашади.

Сўнги йилларда адабиёт ўқитиш методикаси бўйича яратилган қатор тадқиқотларда ҳам айнан шу масалага жиддий эътибор берилганини кўриш мумкин.

М. Мирқосимова “Ўқувчиларнинг адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш” (2007).

С. Матжон “Мактабда адабиётдан мустақил ишлар” (1997).

Б.Тўхлиев “Адабиёт ўқитиш методикаси” (2007) номли асарлари шулар жумласидандир.

Уларда адабий таълим жараёнида тузиладиган саволлар қайта ҳикоялаш, персонажлар ҳатти-ҳаракатини баҳолаш, ҳодисаларнинг ўзаро алоқодорлигини тушунтириш билан боғлиқ масалалар диққат марказида тутилади. Ўқувчиларни қардош халқлар адабиёти намуналарини ўқишга маънавий-психологик жиҳатидан тайёрлашда бадиий матнинг асосий эмоционал ғояси ва асар мазмуни юзасидан ишланган расм ёки расмлар серияси, минатюралар ҳам яқиндан ёрдам беради. Шундагина ўзга тилдаги асар она тилидаги китоб каби ўқувчининг дунёқарашини шакллантирига кўмаклашади, дунё ҳақидаги тасаввурларининг янги манбаи сифатида миллий маънавиятини бойитади.

Хар қандай фанни ўқитишда таълим мақсадини белгилаш муҳим ўрин тутади. Қардош халқлар адабиётини ўқитиш мақсадлари ҳақидаги масала адабиёт ўқитиш методикасида энг масъулиятли ва долзарб масалалардан биридир.

Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини ўқитиш мақсадларини белгилашда унинг мазмуни ва шакллари ҳам инобатга олинади. Бизни қизиқтирган курснинг мақсадлари: Қардош халқлар

адабиёти воситасида ўқувчиларга байналминал тарбия бериш, уларнинг ўзбекча нутқини бойитиш эканлиги ўз-ўзидан тушунарлидир.

Ўтган йиллар мобайнида ўзга тилдаги адабиётни тил таркибида ўқитиш масаласи ҳам кун тартибига қўйилган эди. Аммо унинг ўзига хослигига кўпчилик томонидан эътибор қилинмаётир.

Маълумки, мақсадлар кўламига кўра турлича бўлади. Инсонлар фаолиятида мақсадлар иерархияси каби уларнинг келишуви ҳам (яқин ва узоқ, истикболли ва ш.к.) турлича бўлади ҳамда улар 1) реаллиги, илмий асосланганлиги; 2) субъект эҳтиёжларига мослиги (субъект – шахс, гуруҳ, жамият бўлиши мумкин); 3) ижтимоий аҳамиятига кўра баҳоланади.

Ўзбекистон мактабларида таълим мақсади – баркамол, эркин фикрлайдиган, ҳар тамонлама етук шахсни тарбиялаш.

Ҳар бир мустақил ўқув фани доирасида бу мақсад хусусий тартибдаги мақсадларга трансформацияланади.

Қардош халқлар адабиётини ўқитишда комплекс мақсад мазмунида адабиёт воситасида баркамол шахсни тарбиялаш, билан боғлиқ бадиий-тарбиявий компонент етакчи ўрин тутди. Муаммо юзасидан олиб борган изланишлар давомида чиндан ҳам, хусусий методика доирасида турли даражадаги методик тамойиллар бўлиши мумкин деган хулосага келдик. Булар:

- умумий дидактик тамойиллар;
- методик тамойиллар;

Илмий таълим – билим бериш ва ўзлаштириш фаолиятини ўз ичига қамраб олади. Таълим предмети сифатида адабиётга нисбатан бу атама анча трансформацияланиши лозим. Баъзи бир зиёлилар, жумладан, рус ёзувчиси Ю.М. Нагибин “Асосий ғализлик – адабиётни мактабда ўқитишади. Ҳа, бошқа барча фанлар каби ўқитишади. Адабиётни эса ўқиб бўлмайди, бу тамоман бошқача фан ... “ўзлаштириш” ва “ўрганиш” терминлари адабиётга мос келмайди” – дейди. Бу кескин фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Зеро, мактаб адабиёт курсида ўрганмаслик мумкин бўлмаган объектлар бор,

уларни ўзлаштирмасдан туриб адабиёт дарсларида бадиий матнларни идрок этиш, уларнинг маъно хусусиятларини англаш мумкин эмас. Булар тарихий, миллий-маданий, умумэстетик тушунчаларни фарқлашга кўмаклашадиган, поэтик мазмунни минимал даражада таҳлил қилиш кўникмаларидир.

Бироқ Ю. Нагибин ва унинг маслакдошлари ёндашувда ҳам жон бор. Бадиий матн устида таҳлилий иш давомида бадиий асар билан бевосита мулоқат сермахсул бўлади. Бадиий ҳодиса билан ҳамдардлик ва ҳам фикрликка доир мулоқот жараёнини (ўқувчилар фаолиятини), бу мулоқотни ташкил этиш жараёни (ўқитувчи фаолияти) ни ҳам таълим (ўқитиш) деб шартли аташ мумкин.

Адабиёт дарсларида лисоний-образли таъсир, ўзига хос хусусиятга эга. Унинг ўзига хослиги таълим-тарбия билан белгиланади.

Лисоний-образли таъсир нутқий таъсирнинг самарали ва мукаммал кўриниши, дейиш мумкин.

Қардош халқлар адабиётини ўрганишда икки тилли комплекс лисоний-образли таъсир шахсга йўналтирилган бўлиб, унинг учта жиҳатини фарқлаш керак. Биринчидан, бадиий сўз – баркамол шахс тарбиясига қаратилади. Иккинчидан, шахсни тарбияловчи адабиёт курсининг асосида инсон образи туради. Адабиёт инсоншунослик сифатида таърифланади. Бадиий асар таҳлилида персонаж, лирик қаҳрамон, муаллиф образи алоҳида ажралиб туради.

Учинчидан, қардош халқлар адабиёти асари ғоявий-эмоционал мазмуни, унинг аксиосемантикаси (яхлит қадриятли-мазмунан йўналганлиги) ўқувчига педагог-интерпретатив (талқин қилувчи) ўқитувчи шахси, ўқув материали муаллифи шахси орқали етказилади. К.Д. Ушинский “Фақат шахс шахснинг ривожланиши ва шаклланишига таъсир эта олади, фақат харктер билан характер яратиш мумкин”¹ деганида айнан шуни назарда тутди.

Ўқитувчи қардош халқлар адабиётининг фавқулодда ва мухтор вакили. Унинг қитобхонлик маданияти, қитобхонлик нуқтаи назари, қитобга

¹ - Ушинский К.Д. Три элемента школы. Собр. соч – в 6 т. Т.2. – М., 1974, стр. 87.

муносабати ўқувчилар учун намуна, жонли “коммутатор” вазифасини ўтайди.

Адабий таълимнинг шахс тарбиясига йўналтирилганлиги бадиий асар таҳлили ва талқинида субъективизмга далолат бермайди. Ўқитувчи интерпретатор-танқидчи, адабиётшунос, актер сифатида санъат феноменини ўзича тушуниш малакасини шакллантириш билан унинг ички мазмун алоқаларини оптимал тўғри англатишга интилади. Зеро, ҳар қандай индивидуал идрок асарнинг ички мазмун алоқоларига мос келмас экан, демак у сохтадир.

Қардош халқлар адабиётини ўқитишдаги муаммолардан яна бири ўқув этномаданиятшунослиги билан боғлиқ.

Таълим этномаданиятшунослиги иккинчи тил ўқитиш ва унинг адабиёт матнларини ўрганишга ўлкашунослик ёндашувининг кўринишларидан бири. Бу ёндашув таълим олувчининг ўрганаётган тилда сўзлашувчи халқ мамлакати ва маданияти билан танишувини кўзда тутди.

Биэтномаданий интеграция тамойили миллий ва иккинчи қардош адабиёт намуналари бўйича мактаб ва мактабдан ташқари иш, таълим-тарбия жараёнини бир йўналишда бирлаштириш, ўқувчиларда маданий-этник иккитиллилиқ ёки биэтномаданийликни тарбиялаш мақсадини кўзлайди. У икки халқ бадиий маданиятининг адабий таълим жараёнидаги педагогик келишувини англатади.

Миллий мактабларда қардош халқлар адабиёт ўқитишнинг тарбиявий мақсадига йўналтирилиши бадиий матнни ўқиш-тушунтириш, тасвирий-график фрагментларни танлаш, сарлавҳа ва кичик сарлавҳалар моҳиятини очиш, шарҳ ва матн луғатида лейтмотив лексикани ажратиш, савол ва топшириқларга жавоб тайёрлашни тақозо этадики, адабиёт ўқитувчиси бунини унутмаслиги лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ватан – саждагоҳ қаби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин – Т.: Ўзбекистон, 1998
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавсисликка таҳдид, бирқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас кучдир. – Т.: Маънавият, 2008.

8. Таълим тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 29 август // Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: 1997й.
9. Давлат тили ҳақида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1995 (Янги таҳрирда) // Ўзбекистоннинг Янги қонунлари: Тўплам.- Т.: 1996
10. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: 1996
11. Абдувалиев М.М. Взаимосвязи в преподавании русской родной литературы в восьмилетней таджикской школе: /Автореф. Дисс... канд. пед. наук. –М.6 1996
12. Абдуллаев К.А. Ўзбек адабиётини ўрганиш жараёнида предметлараро алоқалардан фойдаланиш методикаси: Пед. Фан. номз...дис. – Т.: 1992.
13. Абдуллаева Қ. Нутқ ўстириш. – Т.: Ўқитувчи, 1980
14. Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди (фотоальбом). – Т.: Ўқитувчи, 1987
15. Абдраимова К.А. Оқиту процесінде диалог арқылы жоғары сынып оқушыларыны¹ ізгілік қасиетін қалаптастыру А-2006
16. Адабиёт ўқитиш барномаси. – Т.: 1991 й.
17. Адабиёт ўқитиш методикаси. Педагогика институтлари ва университетларининг филология факультетлари учун дастурий қўлланма. –Т.: РЎММ, 1994 й.
18. Активные формы преподавания литературы. – М.: Просвнчение, 1991.
19. Алиев А. Ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилияти. – Т.: Ўқитувчи, 1991.
20. Алиев А. Юқори синфларда ёзувчи услубини ўрганиш: Пед. Фан. ном. ...дисс. – Т.: 1994
21. Амандосов Т.С. Идея дружбы народов в казахской советской прозе (1945- 1955) Алма-ата, 1995
22. Аразов А.Т. Қарақалпоқ туркманларининг сўзлашув тили билан, қарақалпоқ тилининг ўзаро таъсири ва интерференция ходисаси. Нукус-2006
23. Аспанова Н.А. Взаимосвязь интернационального и нравственного воспитания в школах с несколькими языками обучения: // Автореферат. дисс... канд. пед. наук. –Фр.: 1980
24. Аҳмедова М. Адабий асарни ўрганишга янгича ёндашув. // Ҳил ва адабиёт таълими. – 1992.
25. Бабанский Ю.К. Педагогика. (Ю.К. Бабанский и др.); Под. ред Ю.К. Бабанского – 2-е изд. Перераб. –М.: Просвещение, 1988.
26. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. – Т.: Ўқитувчи, 1990.
27. Бабанский Ю.К. Оптимизация учебно-воспитательного процесса (Методические основы). -М.: Просвещение, 1982.
28. Бабаева С.В. Русская художественная литература в эстетическом воспитании туркменских школьников: (Автореф. дисс....канд. пед. наук. М.:1969
29. Бабаханов А. Педаго-кое лит-ное наследие Хамза Хакимзада Ниязи-Т.:1960

- 30.Беленький Г.И., Снежная М.А. Изучение теории литературы в средней школе. (IV-X классы). -М.: Просвещение, 1983.
31. Бейтембаев К. Жизнь и творчество Аалы Токамбаева. Алма-ата, 1972
Бітібаева Қ. Мектепте Абай шығармаларқн оқыту.- Оскемен: Алматы, 1994
- 32.Бобоев Т. Шеър илми таълими. –Т.: Ўқитувчи, 1996
33. Бобоев Т.Олий ўқув юртларида ўзбек шеърляти поэтикаси асосларини ўрганиш: Пед.фан. докт.дисс. автореф: - Т.: 1998
- 34.Боронина И.В. Абдулла Каххор. Очерк творчества. Ташкент, Гослитиздат, уз ССР, 1957
- 35.Бойбобоев Т.Ўқувчиларда бадий ижод кўникмаларини шакллантиришнинг баъзи усуллари. // Тил ва адабиёт таълими – 1994
- 36.Болибеков А.Ў. Ҳошимовнинг асарларини синфдан ташкари ўқиш асосида конференция-дарс // Тил ва адабиёт таълими.-1991.
- 37.Бордовская Н. В., Реан А.А. Педагогика. –Санкт-Петербург, 2000,
38. Ботиров О. Ўқувчиларнинг илмий иншои. // Мактабда ўзбек, рус тиллари ва адабиёти. -1991
39. Бурунова Ш.М. Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг 5 синфларида ўзбек тили ўқитишнинг илмий-мет-к асослари Т., 2002
- 40.Валихужаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. –Т.: Ўзбекистон, 1993.
41. Волков И.П. Приобщение школьников к творчеству. –М.: Просвещение, 1962.
- 42.Габдиров И.Х. М.Горький и казахская советская литература. Алма-ата, «Наука», 1966
43. Гамулов В.И. Методика взаимосвязанного изучения русской и узбекской литературы IV-VII классах Республики с русским языком обучения: Дисс. ...канд.пед.наук. – Т.: 1987.
- 44.Голубков В.В. Методика преподавания литературы М., Учпедгиз, 1962
- 45.Гулямов А.К. Методика развития учебно-познавательной активности учащихся в процессе преподавания родного /узб/ языка: Дисс. ...канд.пед.наук. – Т.: 1991.
46. Долимов С., Убайдуллаев Х., Ахмедов К. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1967.
47. Долимов С. Таълимий баён ва иншо. – Т.: Ўқитувчи, 1968
- 48.Досжанов Б.А. Мультимедиялық технологияларды пайдалану арқылы оқыту процесін жетілдіруді, дидактикалық негіздері. Туркистан, 2007
- 49.Ефремова Е.В. Методика изложений на русском языке в V-VII классах чувашской школы. М., 1955
- 50.Жалилов Б., Шарипова М. Мактабда драматик асарларни ўрганиш. - Т.: Ўқитувчи, 1982.
51. Жумаханова Т.К. Формы и методы организации внеклассного чтения по родной литературе в IV-VII классах казахской школы: Дисс... пед. наук. – М.: 1983
52. Зальдинер М.А. очерки по методике преподавания русской литературы в узбекской школе. - Т.: Ўқитувчи, 1973

- 53.Зальдинер М.А. Очерки по методика преподавание русской лит-ры в узбекской школе. (Учеб. пособие пед. вузов Ч.І)-2 Т., «Уқитувчи», 1968
- 54.Зальдинер М.А. Письменные работы малой формы при изучении литературы в старших классах. (Школе №146г. Ташкента) Ташкент, «Учитель»,1967
55. Зуннунов А. IV- X синфларда адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш. - Т.: Ўқитувчи, 1974
56. Зуннунов А., Алиев А. Адабиётни бошқа гуманитар фанлар билан боғлаб ўрганиш. - Т.: Ўқитувчи, 1982.
57. Зуннунов А. Баъдий асар таҳлили методикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1989
58. Зуннунов А., Ҳотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1992.
59. Зорина Л.В. Формирование теоретико-литературных понятий на уроках русской литературы в средней школе. Фр.: Мектеп, 1976.
- 60.И.Султон. Адабиёт назарияси. - Т.: Ўқитувчи, 1986.
- 61.Ибрагимов А.Изучение жизни и творчество Камила Яшина в школе.Автореферат диссертации на соискание ученой степени к-та пед наук Т., 1979.
- 62.Иманалиев К.И. Методика преподавания киргизской литературы в средней школе. Фр.: Мектеп, 1976.
- 63.Иманалиев К.И. Методика преподавание киргизской литературы в средней школе. Фрунзе, 1972
64. Исаков Б. Казахско-татарские литературные связи (этапы развития). Алма-ата, 1970
65. Исмаилов с. Мактабда Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш. - Т.: Ўқитувчи, 1969.
- 66.Исламов Ш. Изучение лирических произведений на уроках родной литературы в IX-X классах таджикской школы. Дисс... канд.пед.наук. -М.: 1990.
- 67.Кайшибаева Р.Идейно-эстетическое своеобразие творческих связей
- 68.Казахской и украинской литература. Алма-ата, 1973
- 69.Каримов Р.Қ. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти мониторингини таъминлашнинг педагогик асослари Т-«2006
- 70.Квятковский Е.В. Изучение темы «Литература народов СССР» в X класса. М., Изд. АПН РСФСР, 1958
- 71.Курбанов Ш.К. Пушкин А.С. и азербайджанская поэзия. Баку, 1956
- 72.Коган В.М. Взаимосвязь уроков русского языка и внеурочной работы и ее роль в активизация процессе обучении в IX-X классах туркменской школы: Автореферат дис. на. соиск. учен. ст. канд. пед. наук.-Т., 1983
- 73.Қошчанов М. Мастерство изображения характеров в романах Айбека. Ташкент, Гослитиздат Уз СССР, 1959
- 74.М.Ахмедова, П.Мансурова Национальная эпическая традиция в твор-ве Ч.Айтматова -Т.: «Фан», 1980
- 75.Масетов К.Каракалпакский героический эпос. “Қырық қыз”Т., 1958

- 76.Маткурбанов У.Ю. Изучение теоретико-литературных понятий на уроках русской литературы в 5-8 классах Каракалпакской школы. Автореферат дисс. соиск уч. ст.кан.пед. наук.-Т.,1972
- 77.Меҳанов Б.Т. Қазақстан Рес-сы мен Гер-я федеративтік Рес-сындағы жалпы білім беру жйіесіні жағдайы жўне даму тенденциялары. (Салыстырмалы-педагогикалық талдау) Алматы-2006
- 78.Мухамеджанова Г.З. Дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстириш методикаси (5-9 синфлар мисолида)- Т., 2003 (Қ.Ниёзий ўзб. пед. фан.илмий тадқиқод иш-ти)
- 79.Мусанов А. Некоторые проблемы казахско-киргизских литературных связей Алма-ата, 1970
- 80.Нугманова Х.Е. Словарная работа на уроках рус. яз. в IV-X классах казах. школы. Т., 1981
- 81.Нурмухамедов М.К Бердах-Великий поэт Каракалпакского народа. Т.: «Фан», 1977
- 82.Нурмаханова Г.Е. Қазіргі кезеде ауыл мектептерінде оқушыларды шыармашылық дербестігін қалыптастыру. Тіркiстан-2006
- 83.Полонский В.М. Оценка качества научно-педагогических исследований. М.: педагогика, 1987 (ОПН: образование. Пед. наука обид. педагогика)
- 84.Педагогические технологии: Учеб. пособие для студентов. пед. стил. (М.М.В Буларова-Топоркова и др. Ростов-ка-Дону: НКЦ, Март, 2004)
- 85.Рахимова Т. Изучение жизни и творчество Алишера Навои в восьмилетней-узбекской школе. Т., 1996
- 86.Ражапова М.Р. Тилларни боғлаб ўргатиш орқали ўқувчиларда дўстлик-кардошликни тарбиялаш (қарақалпоғистон мактабларида ўзбек, қорақалпоқ ва инглиз тилларини ўқитиш жараёни бўйича)- Т., 1993
- 87.Русско-узб-кие лит-ные связи. Сб. науч. труд. (Таш Гос. пед. инс. им. Низами; Отв.ред. Хамидова М.Х.-Т.: 1981
- 88.Сейданов Қ. Отражение дружбы узбекского и казахского народов в их художественной литературе. Алма-ата, 1969
- 89.Сейданов Қ. Адабий ҳамкорлик Т., «Фан», 1978
- 90.Султанов Т.М. Узбекско-казахские литературные связи на современном этапе; Отв. ред.ча-коор АПН СССР МК.Хамраев-Т.: Фан, 1979
- 91.Тасболатов К. Изучение творчества М. Авезова в средней каз. школы. Джамбул, 1970
- 92.Творческие связи уз-кой лит-ры: Сборник, нуч. ст. Фан, 1983
- 93.Умарбекова З. Лермонтов и узбекская поэзия. (К проблемам теории пер. и лит. связей) Отв. ред. М.М.Расули. Т., «Фан», 1973
- 94.Усманов Д. Изучение жизни творчества Фурката в школе Т.,1968
- 95.Фетисов М.И. Литературные связи России и Казахстана. 30-50 годы XI-X века. М., из-во Акад. наук СССР, 1956
- 96.Хасаноа А. Изучение жизни творчества А.Наваи в старших классах узбекских школ. Т., 1974
- 97.Шнеерсон М.А. Коментированное чтение на уроках литературы Л., Учпедгиз,Линегрд. отд.-кие, 1959

- 98.Юлдашева Н.А. Умумий ўрта таълим мактабларида синонимларни янги педагогик технология асосида ўқитиш методикаси. Т., 2002
- 99.Ярмухамедов Х.Х. Поэтическое творчество татарского народа. Алиа-ата, 1969.

Мундарижа:

Кириш	3
I боб. Қардош халқлар адабиётини ўқитиш-таълимий муаммо сифатида	5
I.1. Қардош халқлар фольклорининг типологик хусусиятлари.	5
I.2. Миллий мактабларда адабий алоқаларни ўрганиш усуллари.	7
I.3. Қардош халқлар адабиётини ўқитишда эстетик тарбия ва идрок.	14
II боб. Миллий мактабларда қардош халқлар адабиётини қиёсий ўқитиш мазмуни.	27
II.1. Миллий мактабларда қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганиш .	27
II.2. Қозоқ-қирғиз адабий алоқаларининг айрим муаммолари.	56
II.3. Ўзбек-туркман адабий алоқалари.	71
III боб. Қардош халқлар адабиётини педагогик технологиялар асосида ўқитиш.	77
III.1. Ўқитиш жараёнида мультимедик технологияларни қўллаш.	77
III.2. Қардош халқлар адабиётини ўқитиш тамойиллари.	81
IV. Хулоса	